
2024 йил
11 ноябрь
душанба
№ 135-141 (5049)

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси нашри

Ishonch

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz ishonch1991@yandex.uz https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi https://t.me/ishonchgz



Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш даврлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

11

НОЯБРЬ –
Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

НИГОҲ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси

Вақт шундай нарса эканки, қандай ўтганини сезмай ҳам қоларкан киши. Бежиз уни оқар сувга менгзашмайди. Демак, ўтаётган ҳар дақиқани ғанимат билиб, ундан унумли ва тўғри фойдаланишимиз ва шу тариқа юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур. Шундагина келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.
Ҳеч муболаға йўққи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нафақат кунлар, балки соатларни, дақиқаларни ҳам қадрлаган ва ҳар бир лаҳзадан манфаатли фойдаланаётган ташкилотлардан саналади. Бизнинг 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла РАФИҚОВ билан кечган суҳбатимиз эса соҳага оид вазифалар таҳлили, инсон қадрини улуғлаш мақсадида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида бўлди.



– Қудратилла Мирсоатович, Сиз билан бундан икки йил олдин «ноябрдан – ноябргача» деган рамзий бир мезон асосида суҳбатлашгандик. Ҳаш-паш дегунча орадан шунча вақт ўтибди. Табиийки, бу давр мобайнида касаба уюшмалари мақташга арзигулик кўп ва хўб хайрли ишларнинг уддасидан чиқди. Яъни бугун Сиз билан уларни таҳлил қилишимиз учун асослар етарли, деб ҳисоблайман. Бу галги мулоқотимизни ҳам ўтган давр мобайнида бажарилган ишларнинг қисқача мундарижасидан бошласак.

– Суҳбатимиз ибтидосида Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлмиш аъзоларимизни Касаба уюшмалари куни билан табриклайман. Шу асно барча меҳнаткашларга чуқур ҳурматим ва ўзимнинг чексиз эҳтиромим ҳамда самимий тилакларимни билдираман.

Мана, уч йилдирки, бу сана нафақат касаба уюшмалари аъзолари ва фаоллари, балки халқимиз, турли касб эгалари бўлган ватандошларимиз учун ҳам қадрли санага айланди. Бунга эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмаларининг VIII Қурултойи иштирокчиларига йўллаган табригида мазкур санани Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифи асос бўлди.

Юртбошимиз табригида касаба уюшмаларига юксак баҳо берилиб, «ўз сафларида миллионлаб одамларни бирлаштирган касаба уюшмалари тарихида янги давр» бошланаётгани эътироф этилган эди. Албатта, бу – бизга бўлган юксак ишончдан далолат. Бундай мақтов бизга катта рағбат ва илҳом бахш этиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, тўғри айтдингиз, ҳар йили шу санада ўтган бир йиллик фаолиятимизни сарҳисоб этиш, ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни нечоғли уддалаганимизни таҳлил қилиш, келгуси устувор вазифаларни белгилаб олиш анъанага айланиб улгурди.

Бугун касаба уюшмалари том маънода халқ ташкилотига, Янги Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида одамларнинг оғирини енгил қилиш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса унинг асосий принципига айланди. Хусусан, поёнига етаётган 2024 йилдаги фаолиятимизга разм солар эканмиз, бир нарсани фахр билан айта оламиз, биз йилдан-йилга тобора жипслашмоқдамиз. Президентимиз илгари сураётган халқчил сиёсатни рўёбга чиқаришда елкадош бўлмоқдамиз. Эришилаётган залворли ютуқлар эса халқ манфаатларига хизмат қилмоқда. Айнан давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва жасорати туфайли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилгани бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди. Бунинг натижасида пахтамизга қўйилган бойкот бекор қилинди. Бу, шубҳасиз, она юртимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Айни йўналишдаги ишларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Шу жараёнда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви ижтимоий шериклик кўлами ва таъсирчанлигини, унинг самарадорлигини янада оширишга туртки бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, бугунга келиб, амалдаги тармоқ келишувлари сони 102 тага, жамоа шартномалари тузган юридик шахслар улуши 99,9 фоизга етди. Жамоа шартномалари орқали ҳар йили аҳолининг ўрта ҳисобда 80 мингдан ортиқ оила ва 200 минг нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу йўналишдаги ишларни ташкил қилишда фидойилик ва шахсий намуна кўрсатаётган 34,5 мингдан зиёд бошланғич ташкилот раисларига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

– Қудратилла ака, ҳақиқатан ҳам, бугун касаба уюшмалари кириб бормаган жабҳа қолмади. Аммо-лекин ташкилотнинг асосий вазифаси меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат...

– Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни назарда тутяпсиз-да. Саволингизга аниқ рақамлар мисолида тўхталаман.

Биргина жорий йилнинг ўзида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 1022 та корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилиб, аниқланган 3821 га яқин камчилик бартараф этилди. Бунда бизга янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Кодекснинг 87 та моддасида меҳнат муносабатлари бевосита касаба уюшмалари иштирокида тартибга солиниши, 124 та моддасида ходимлар учун имтиёз ва кафолатлар иш берувчи ва меҳнат жамоалари вакиллик органлари ўртасида қабул қилинадиган жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномаларида кўрсатилиши белгилаб қўйилгани бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Бундан ташқари, ходимлар манфаатларини кўзловчи касаба уюшмалари томонидан тақдим этилган 300 дан ортиқ таклиф янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ўз ифодасини топди. Айниқса, 2019 йил 24 октябрда қабул қилинган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун асосида 2020 йилдан Меҳнат инспекциялари фаолияти тикланган амалий ишларимизни янада юқори даражага олиб чиқди. Масалан, инспекция томонидан ўтган уч йил давомида 306 мингдан зиёд ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, уларга 180 миллиард сўм маблағ ундирилиб берилишига эришилди. Ушбу рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг меҳнати қадр топгани, оиласи фаровонлиги таъминлангани, энг муҳими, ҳаётида адолатнинг тиклангани турибди.

Аслида, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг замирида тармоқ касаба уюшмаларининг, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари ва мутасаддиларининг заҳматли меҳнатлари ётибди. Буни эътироф этмасак, адолатсизлик бўлади, назаримда.

> ЮРТБОШИМИЗ ТАБРИГИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ЮКСАК БАҲО БЕРИЛИБ, «ЎЗ САФЛАРИДА МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР» БОШЛАНАЁТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЭДИ. АЛБАТТА, БУ – БИЗГА БЎЛГАН ЮКСАК ИШОНЧДАН ДАЛОЛАТ. БУНДАЙ МАҚТОВ БИЗГА КАТТА РАҒБАТ ВА ИЛҲОМ БАХШ ЭТИШИ, ШУБҲАСИЗ.

>>> 3

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

НИГОҲ

СЎЗ ВА АМАЛ УЙҒУНЛИГИ

Қудратилла РАФИҚОВ билан суҳбат

<<< 2

– Гап меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида кетаркан, бир нарсани, яъни аъзолик масаласини инобатга олиш керак. Масалан, бугунги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг 80,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектларида, хусусий секторда фаолият юритмоқда. Шу боис меҳнаткашларни касаба уюшмасига аъзо қилиш асосий ўринга чиқиб бормоқда. Хўш, бу борада қандай натижалар бор?

– Албатта, ушбу йўналишда ҳам тегишли тартибда ишлар олиб боряпмиз. Хусусан, корхоналарда касаба уюшмалари ташкилотини ташкил этиш, жамоа шартномаларини тузиш, хусусий сектордаги корхона ва ташкилотлар ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида биргина 2023 йилнинг ўзида касаба уюшмалари сафи 311 минг нафар янги аъзо ҳисобига кенгайди.

Ўрни келганда, яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Баъзи одамларда касаба уюшмалари аъзолик бадалини йиғиб олади-ю, аммо ходимларни ҳимоя қилмайди, деган қараш бор. Аслида бу нотўғри. Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида касаба уюшмалари аъзоларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш устувор ҳисобланади. Масалан, айни шу мақсадда биз касаба уюшмалари инспекциясини тикладик. Натижада 2023 йилда салкам 147 минг фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришдик.

Айтиш лозимки, Бош жамоа келишуви, 102 та тармоқ келишуви, 14 та ҳудудий жамоа келишуви ва 118 мингга яқин жамоа шартномаларининг ҳар бирида ходимлар учун қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган.

Касаба уюшмалари янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим муассасалари битирувчиларини ишли, хусусий секторда меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш дастурларини амалга оширишга ҳам фаол кўмаклашмоқда.

Меҳнаткашлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Федерация қошида Хотин-қизлар ва Ёшлар кенгашлари тузилди. Касаба уюшмаларининг қуйи тузилмаларида ҳам шундай кенгаш ва комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди.

Федерациямиз ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида фаолият юритувчи энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Ўтган йилда ўрганишлар жараёнида касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилгани бўйича аниқланган 4372 та камчиликни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 455 та тақдимнома киритдик.

Федерация ҳукуматга иқтисодиётнинг барча тармоқларида меҳнат муҳофазаси ва иш ҳақи тўланиши ҳолати тўғрисида мунтазам равишда таҳлилий маълумотларни тақдим этмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Бош вазири вазирлик ва идораларга меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни такомиллаштириш, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назоратга олиш бўйича топшириқлар бермоқда. Биз буни касаба уюшмалари ва Ҳукумат ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг ёрқин намунаси деб ҳисоблаймиз.

Касаба уюшмалари аъзолари томонидан бошланғич ташкилотлардаги йиғилишларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида давлат органлари вакиллари ва иш берувчилар иштирокида жамоатчилик эшитувларини ўтказиш тизимини йўлга қўйдик. Шунга кўра, жойларда давра суҳбатлари ўтказмоқдамиз. Республика миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги Республика давра суҳбатида муҳокама қилинмоқда. Ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган давра суҳбатида республика вазирликлари, идоралари ва ҳукумат ваколатига кирувчи 50 дан ортиқ муаммоли масалалар кўриб чиқилди.

Биз бу муаммоларнинг барчасини тегишли давлат органлари олдига қўйдик ва бугунги кунга қадар уларнинг аксарияти ижобий якунланди. Масалан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ходимларини бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, бюджет ташкилотларида иш ўринларини хавфли омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан аттестациядан ўтказиш учун давлат маблағлари ажратиш масалалари ҳал этилди.

Табиийки, бизнинг фаолиятимизда ҳам қийинчиликлар ва муаммолар йўқ эмас.

Биринчи муаммо – бу норасмий ва беқарор бандлик оқибатида юзага келаётган ижтимоий демпинг масаласидир. Биз ҳукуматга норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш Стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқдик.

Иккинчи муаммо – ходимларнинг бирлашиш ҳуқуқини ҳар доим ҳам ҳурмат қилмайдиган трансмиллий корпорациялар таъсири кучаяётганидир. Бунга мисол тариқасида, «Лукойл», «Билайн», «Кока-кола», «Бритиш Американ Тобакко» каби компанияларни келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, «Веолия», «Дженерал Моторс», «Максам» ва бошқа кўплаб хорижий компаниялар билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйишга эришдик.

Вақт ўтгани сайин биз платформа иқтисодиётининг ўсишини тобора кўпроқ ҳис қилмоқдамиз. Шу муносабат билан Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг бу борадаги позициясини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳукуматимизни платформадаги бандлик бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциясини қабул қилиш зарурлиги ғоясини қўллаб-қувватлашга кўндирдик.

Биз Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Иш берувчи тўловга лаёқатсиз бўлганда ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 173-сонли, «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 183-сонли ва бошқа конвенцияларини ратификация қилишни илгари сурмоқдамиз.

Албатта, уч томонлама ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш, «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги ва «Яшаш минимуми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари юзасидан уч томонлама эшитувлар ўтказиш бу борадаги долзарб вазифалардан саналади.

>>> 4



НИГОҲ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси

<<< 3

– Федерация тизимида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Ўрни келганда, шулар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.



– Бугун замон шиддат билан ривожланиб, янги-янги атамалар, техникалар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу эса биздан тинимсиз изланишни, ўз устимизда ишлашни талаб этади. Демак, биз учун кадрлар салоҳияти ва билимини ошириб бориш ҳар қачонгидан долзарб масала ҳисобланади. Бунда Федерация тасарруфидаги Малака ошириш институтининг ўрни беқиёс.

Ундаги жаҳон андозалари асосида ташкил этилган ўқув курсларида бу йил касаба уюшмаларининг 1030 нафар ходими ва фаоли малака оширди. Масофавий таълим тизими орқали 1000 нафардан зиёд касаба уюшма фаолининг асосий ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириши таъминланди.

Институт халқаро касаба уюшмалари марказлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Туриндаги ўқув муассасаси билан ҳамкорликда ХМТнинг Марказий Осиёдаги касаба уюшмалари марказлари ходимлари учун бир қатор ўқув курслари ва семинарлар ўтказишни режалаштираётгани бу борада навбатдаги дадил қадам бўлиши, шубҳасиз.

Бу йўлда бизга иккинчи кўмакчи таълим маскани муҳтарам Президентимиз қарори билан ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясидир. У қисқа муддатда нафақат касаба уюшмалари, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг турли жабҳалари учун ҳам етук кадрлар тайёрлаш бўйича илғор таълим даргоҳлари қаторидан ўрин олмоқда. Буни Академияга қабул сони ўтган ўқув йилига нисбатан икки баробарга ошгани ҳам исботлайди.

Эришилаётган натижаларда ҳар икки таълим даргоҳининг фидойи ўқитувчи-профессорлари, умуман, барча ходимларининг беқиёс ҳиссаси бор.

– Фаолиятни сарҳисоб қилар эканмиз, соғломлаштириш ишларига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Зотан, «Соғлом танда – соғ ақл», деб бежиз айтишмаган...

– Ҳа, албатта. Фахр билан айтиш мумкин, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишидаги ишларимиз ҳам сифат ва миқдор жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги тегишли қарори асосида Федерация тизимида Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси тузилди. Шунингдек, Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти иш бошлади ҳамда турли вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлган 80 та ва Федерация тизимидаги 27 та – жами 107 та оромгоҳ департамент балансига ўтказилди. Уларнинг 76 таси жорий таъмирдан чиқарилиб, 45 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 75 турдаги 413252 дона жиҳоз, инвентарь ва маиший техника билан таъминланди ҳамда жорий йил ёзидан эътиборан тўла қувватда фаолият юритмоқда. Республика бўйича 332 минг нафарга яқин боланинг мазкур оромгоҳларда дам олиши ташкил этилгани департамент фаолиятини ташкил этиш борасидаги катта меҳнат маҳсулидир.

Яна бир муҳим жиҳат – болаларнинг таомномалари халқаро стандартлар даражасига олиб чиқилди ва бу борада аутсорсинг хизмати жорий этилди. Бу тизимда муайян тартиб ўрнатиш имконини берди.

Юртбошимиз топшириқларига асосан, касаба уюшмалари томонидан жорий йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида янги ва замонавий «Сангардак» санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани халқимиз учун ажойиб совға бўлди. У юртимизда фаолият олиб бораётган санаторийларнинг ўттиз биринчиси бўлди. Бу рақам бундан етти йил аввал борйўғи 17 тани ташкил қиларди, холос.

2017 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 5257 та ўрин мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб, 7 мингтани ташкил қилмоқда. Натижада санаторийларда соғломлаштирилганлар сони йилига 130 минг нафардан 200 минг нафарга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида янгидан бунёд этилаётган санаторийларнинг сифат кўрсаткичлари нафақат маҳаллий, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Чунончи, хорижий мутахассисларнинг ўрганишлари натижасига кўра, «Чинобод-Плаза» санаторийси 5 юлдузли мақомга муносиб деб топилди, «Севарсой», «Ибн Сино», «Янгиер» ва «Сангардак» санаторийлари ҳам бу борада юксак талаблар даражасида эканлиги эътироф этилмоқда. Бу мамлакатимизда инсон қадрининг улуғланиши, аҳолининг муносиб дам олиш, саломатлигини тиклаш йўлидаги беқиёс ғамхўрликларнинг ёрқин исботидир.

Шу ўринда Федерация тасарруфидаги Даволаш-профилактика маркази ҳам касаба уюшмалари фаоллари, мутасаддилари, фахрийлари ва кўплаб фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб, соҳанинг энг намунали даволаш марказларидан бирига айланганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, санаторийларимизда хизмат кўрсатиш даражаси ҳам халқаро эътирофларга муносиб топилмоқда. Айтайлик, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нуфузли ташкилот – Жаҳон иқлим ва сув билан даволаш Федерациясига аъзоликка қабул қилингани яна бир ютуғимиздир.

– Қудратилла Мирсоатович, бугун аҳолининг кам таъминланган қисми, айниқса, аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш давлат сиёсатининг асосий бўғинига айланди. Касаба уюшмалари кўп йиллардан буён бу йўналишда ҳам муносиб хизмат қилиб келмоқда, яъни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишларни бажармоқда. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.

– Бугун инсон қадрини улуғлаш йўлида Президентимиз барча раҳбарларга ўрнак бўляпти. Шахсан ўзлари бу борада олиб борилаётган ишларда жонбозлик кўрсатяпти. Қуйи бўғиндаги мутасаддиларга тавсия ва топшириқлар бериб, тўғри

>>> 5

> – БУГУН ЗАМОН ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНИБ, ЯНГИ-ЯНГИ АТАМАЛАР, ТЕХНИКАЛАР КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗГА КИРИБ КЕЛМОҚДА. БУ ЭСА БИЗДАН ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШНИ, ЎЗ УСТИМИЗДА ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ДЕМАК, БИЗ УЧУН КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ВА БИЛИМИНИ ОШИРИБ БОРИШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ МАСАЛА ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДА ФЕДЕРАЦИЯ ТАСАРРУФИДАГИ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

СЎЗ ВА АМАЛ УЙҒУНЛИГИ

Қудратилла РАФИҚОВ билан суҳбат



<<< 4

йўналишни белгилаб беряпти. Биз ҳам ана шу савобли ва хайрли ишларга, озми-кўпми, ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Хусусан, ўтган даврда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда, «Аёллар дафтари»га киритилган 2,5 миллионга яқин опа-сингилларимизнинг ҳамда Федерация қошида ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га хотин-қизлар томонидан келиб тушган 180 мингдан ортиқ мурожаатда кўтарилган муаммолар бартараф этилди. Бу йўналишдаги ишларимиз давомли бўлади, албатта.

– Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон касаба уюшмалари кунининг 1 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида «Ҳар қайси корхона ёки ташкилотда, албатта, касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт», деган эди. Хўш, бу борада натижалар қандай?

– Шавкат Миромоновичнинг мазкур чақириқларига жавобан 2024 йилнинг 9 ойи давомида қарийб 13 мингга яқин корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 323 мингга яқин ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Ушбу гигант корхона ва унинг объектлари бўлмиш «Навоийуран» давлат корхонаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетидаги 45 та бошланғич ташкилотда 71 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси кенгаши билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланмоқда.

Хорижий ҳамкорлик масаласига келсак, 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши тузилди. Ўтган йил эса Самарқанд шаҳрида Туркий тилли давлатлар касаба уюшмалари Ташкилоти ташкил этилди. Янги тузилмалар, шак-шубҳасиз, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, қонунчиликдаги янгиланишларни таклиф қилишда, халқаро амалиётни эътиборга олишда қўл келади.

– Табиийки, ўтаётган йил сарҳисобига назар ташлар эканмиз, эришилган натижалардан қувонамиз. Шу билан бирга, келгуси вазифаларга ҳам замин ҳозирлаймиз. Режалар тузамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси олдида турган навбатдаги вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

– Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилоти каби тараққиётимиз дастури ҳисобланувчи «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда фаол иштирок этишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз. Айниқса, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларнинг даромадларини мунтазам ошириб бориш масалаларида давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш доимий диққат-марказимизда бўлади.

Муносиб меҳнат ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларимизни янада юқори даражада ташкил этиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш соҳасидаги ишларимизни ҳам изчиллик билан давом эттиришимиз талаб этилади.

Ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасида гендер аудитини ўтказиш амалиётини кенгайтириш барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур.

Даволаш ва дам олдириш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги ўринларни кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш йўли билан аҳолининг кенг қатламларини соғломлаштиришга жалб этиш чораларини кучайтиришимиз даркор.

Касаба уюшмалари аъзолари сони ўсишини таъминлаш соҳасида зарур ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, ушбу масалада раҳбар ва масъул ходимлар жавобгарлигини ошириш, шунингдек, спорт ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш соҳасидаги ишларимизни юқори даражада ташкил этиш устувор аҳамият касб этиши лозим.

Касаба уюшмалари соҳасига етук кадрлар етказиб бериш тизимини янада яхшилаш, бу борада замонавий услубларни кенг жорий этиш, соҳадаги кадрлар салоҳиятини йилдан-йилга ошириб бориш асосий мақсадларимиздир.

Аминманки, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сирасини айтганда, мамлакатимизда муносиб меҳнат шароитини таъминлашда фаоллигимизни ошириш Федерациянинг доимий кун тартибида бўлади.

Бинобарин, олдимизда ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз, режаларимиз кўп. Биз юксак мақсадларни кўзлаганмиз. Уларга эришиш фидойилик, она юртга садоқат, ҳамжиҳатлик билан бирга, халқимизнинг жасур ва оловқалб фарзанди муҳтарам Президентимиз бошлаб берган халқпарвар сиёсатни амалга оширишда у кишига камарбаста бўлишни ҳам тақозо этади.

Ушбу шарафли вазифаларни бажаришда касаба уюшмаларининг барча раҳбар ва ходимларига муваффақият, ўзларига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, куч-қувват тилайман.

Суҳбатдош:
Ҳусан ЭРМАТОВ
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири

ФАОЛИЯТ



Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон кенгаши раиси

Сўнгги пайтларда юртимизда давлат ва жамият таянчи саналган халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига муносабат тубдан ўзгарди. Одамларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши барча ислоҳотлар марказида турувчи бош мақсадга айланди. «Инсон қадри учун!» тамойили бўйича амалга оширилаётган ишлар самарасини эса нафақат шаҳарларда осмонўпар гўзал бино-иншоотлар қад ростлаётганидан, балки кун сайин янгиланаётган ва ўзгараётган қишлоқ-овуллар аҳолисининг турмуш тарзи фаровонлашаётганидан ҳам сезиш мумкин.

ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



Халқчил ислоҳотлар Қорақалпоғистонда рўй бераётган бунёдкорлик ва ривожланишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, тадбиркорлик, қурилиш, IT соҳасидаги ижобий кўрсаткичлар рақамлардан ҳаётга кўчди. Бундан ташқари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга август ойидаги ташрифи чоғида бир қатор лойиҳаларнинг ишга туширилиши, шунингдек, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари ва тадбиркорлар билан мулоқоти жараёнида илгари сурилган ташаббуслар халқ манфаатларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Албатта, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши айни йўналишда, хусусан, халқни рози қилиш ва инсон қадрини улуғлаш борасида олиб бораётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жорий йил бошидан ҳозирга қадар тизимда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, биргина «Аёллар дафтари» бўйича маҳаллабай, хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ўз мевасини берди, аниқроғи, уларнинг турмушлари фаровонлашди, ҳаётларига мазмун кирди. Шунингдек, ташқи миграцияда юрган фуқароларнинг оилавий ва моддий ҳолаҳволи ўрганилди, юртимизга қайтганларини иш билан таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди ҳамда миграциядаги 141 895 нафар фуқарога ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, тарғибот тадбирлари олиб борилди.



Бундан ташқари, касаба уюшма ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар, хотин-қизлар ва ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2487 нафар фарзандига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бериш учун 138 миллион 279 минг сўм ажратилди. Кам таъминланган 2865 та ёш оилага 665 миллион 615 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уюшма аъзоларидан 274 нафарининг меҳнат ҳуқуқлари бўйича ёзма шикояти, 228 нафар фуқаронинг эса оғзаки мурожаати ўрганилиб, ҳуқуқий кўмак берилди. 132 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига жами 2 миллиард 766 миллион 616 минг сўмлик иш ҳақи ва маънавий зарар пули ундирилишига эришилди. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури амалга оширилиши учун бугунгача кенгаш ва иш берувчилар томонидан 3 миллиард 236 миллион 412 минг 600 сўм, касаба уюшмаси ҳисобидан 1 миллиард 324 миллион 515 минг сўм маблағ сарфланди.

Бизнинг халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли. Шу боис олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёрдамга муҳтож, иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланмоқда. Айни мақсадда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Бону Давлетовага «Касаба уюшмалари стипендияси» ажратилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси Айтуган Шаниязов санаторийга бепул йўлланма олди.

1990 нафар ишчи-ходим эса ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 9 миллиард 55 миллион 743 минг сўмлик йўлланма орқали саломатликларини тикладилар. Ёз мавсумида стационар турдаги 11 та оромгоҳда жами 7753 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Улардан 2898 нафари касаба уюшмалари, 1855 нафари ҳокимлик ва ҳомийлар ҳисобидан дам олдирилди. 3000 нафарини эса оилавий болалар уйларининг, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этди.

Халққа камарбаста бўлаётган касаба уюшмалари йил сайин халқ ичига чуқурроқ кириб боряпти. Шу асно одамларни ташвишлантираётган муаммо ва камчиликлар бартараф этилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшяпти. Эл-юрт ташвиши билан яшаш эса инсонпарварликнинг олий намунаси саналади.

Мамнуният ила эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар умуммиллий ҳаракатга айлангани халқни рози қилиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва республика нуронийларининг халқимизни бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга ва белгиланган вазифаларни бекаму кўст адо этишга ундовчи Мурожаати эса кенг жамоатчиликни янада тўлқинлантирди.

Уюшма ҳам бу борадаги амалий ҳаракатларни янада жадаллаштирди. Чунончи, чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ўзаро тажриба алмашишга эътиборни кучайтирди. Шу боис жорий йил 8 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ҳамда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ўртасида видеоконференцалоқа шаклида анжуман ўтказилди. Қолаверса, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь, Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ян Юйдун бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ташриф буюришди. Музокаралар жараёнида Ўзбекистон ва Хитой касаба уюшмалари ўртасида меморандум имзоланди. Бу давлатларимиз ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар бардавомлигидан далолат беради. Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ян Юйдун шуни назарда тутиб, «Мазкур ҳужжат меҳнат жамоаларида ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда дастуриламал вазифасини ўтайди. Биз келгусида бир-биримиздан андаза олиб, ўз имкониятларимизни янада кенгайтирамиз. Бунинг учун эса ҳар икки томонда ҳам етарли тажриба бор», дея таъкидлади. Давлатлараро муносабатларнинг яхшиланиши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши эса Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириш билан бир қаторда, унинг ҳар томонлама тараққий этишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Ёлғон сўзни рост деб сира айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи Қорақалпоқ эллларим бордир.

Ажиниёз



ҲУҚУҚ

Меҳнат инспекцияси:

ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗОЕ КЕТМАЯПТИ

Меҳнат муносабатларида ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлашни, улар учун муносиб шарт-шароит яратишни ҳамма ташкилот ҳам бирдек эплолмайди. Улар орасида, ишчининг ҳақини бермайдиган идоралар ҳам борлиги ачинарлидир...



Қобилжон ҚИРҒИЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи

Табиийки, ноҳақликка йўлиққан ходимнинг биринчи галда бош уриб борадиган жойи касаба уюшмалари ташкилоти бўлади.

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиали Чирчиқ шаҳар тез ёрдам бўлими мудири Б.Якуловнинг тилга олинган масала юзасидан биздан нажот кутгани ҳам бежиз эмас.

Меҳнат инспекцияси аралашуви билан ходимга 30 миллион сўм таътил пули ундириб берилди.

Қуйичирчиқ тумани юқумли касалликлар шифохонаси ходими О.Исломовга касб касаллиги бўйича 60 фоиз қўшимча тўлов белгиланган. Аммо бу маблағлар унга қарийб икки йилдирки тўланмаган. Касаба уюшмаси аралашуви ва иш берувчига киритилган ёзма кўрсатмага биноан иш берувчи О.Исломовга 37 миллион сўм тўлаб берди.

Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод тумани ММТБга қарашли 31-мактаб ўқитувчиси З.Примовага «Кафолат» суғурта компаниясидан 62 миллион 700 минг, фуқаро Х.Алиқуловга вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал бошқармасидан 46 миллион 953 минг 445 сўм, М.Утеходжаевга «Пенг шенг» МЧЖ ҚКдан 10 миллион 666 минг 230 сўм, Б.Шариповга Сирдарё вилояти тугатиш комиссиясидан 33 миллион 527 минг 181 сўм зарар пули, Сайхунобод тумани ММТБга қарашли 41-мактаб директори Л.Бегимовага «Кафолат» суғурта компаниясидан 104 миллион 120 минг 319 сўм бир йўла тўланиши лозим бўлган товон ва зарар пуллари ундириб берилди.



Бундай мисоллар жуда кўп. Шу пайтгача 3095 та ташкилот жамоатчилик назорати тартибида ўрганилганда, 5638 марта меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилгани аниқланди. Шундан 5102 таси тегишли тартибда ҳал этилди. Жамоатчилик назорати натижасида 57329 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 38 миллиард 418 миллион 100 минг сўм қайтарилди.

Иш берувчиларга киритилган 35 та кўрсатма натижасида 3937 нафар ходим фойдасига иш ҳақидан 15 миллиард 970 миллион сўм қарздорлик сўндирилди.

Албатта, бу рақамлар шунчаки сонлар йиғиндиси эмас. Гап қанчадан-қанча инсонлар тақдири, ноҳақ ишдан бўшатилган ёки иш вақтида муаммога учраган ходимларнинг мурожаати ижобий ҳал этилгани хусусида кетмоқда.

Ишлаб чиқаришни турли ҳодисаларсиз тасаввур этиш қийин. Бундай ҳолатларга йўлиқмаслик учун ходимда билим ва кўникма бўлиши керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда, касаба уюшма инспекциялари тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказиб келаётир. Лекин иш вақтида бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, вафот этганлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Наманган вилоятидаги «CHARTAK RENAISSANCE» МЧЖда ҳайдовчи вазифасида ишлаган С.А. вазифасини бажариш вақтида содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида жон берган. Унинг турмуш ўртоғи С.М.га амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ҳисоблаб чиқарилган 195 миллион 894 минг сўм миқдордаги маблағ бир йўла, фарзандларига боқувчиси вафот этгани муносабати билан ҳар ойда уларнинг ҳар бирига 544 минг 150 сўм зарар пуллари ойма-ой тўлаб борилиши лозим эди. Бироқ «CHARTAK RENAISSANCE» МЧЖ турли баҳоналар билан товон пулларини тўлашдан бош тортиб келган.

Шу пайтгача 3095 та ташкилот жамоатчилик назорати тартибида ўрганилганда, 5638 марта меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилгани аниқланди. Шундан 5102 таси тегишли тартибда ҳал этилди. Жамоатчилик назорати натижасида 57329 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 38 миллиард 418 миллион 100 минг сўм қайтарилди.

Марҳумнинг яқинлари касаба уюшмаларига йўллаган мурожаат асосида иш судга оширилди. Унда меҳнат ҳуқуқ ва техник инспекторлар қатнашиб, жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишди. Ниҳоят, иш берувчи С.А.нинг оила аъзоларига товон пулини тўлаб берди.

Меҳнат инспекциясининг ходимлар манфаатларини тиклаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида бошқа қатор муҳим вазифа ва бурчлари ҳам бор. Хусусан, Меҳнат инспекцияси ҳар чоракда тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда назорат тадбирлари, тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Аниқланган камчиликлар бўйича тавсиялар берилиб, муаммоларни жойида ҳал этиш чора-тадбирлари кўриляпти. Иш берувчилар ва масъул шахсларга ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш борасида тавсиялар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хорижий ҳамкорлик, айниқса, Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан тажриба алмашиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш ҳам диққат марказимизда.



Ўрни келганда яна бир муҳим масала, яъни меҳнаткашларни касаба уюшмасига аъзо қилиш масаласига тўхталиб ўтсам. Меҳнат инспекцияси саъй-ҳаракатлари натижасида бу йил 661 та ташкилотнинг 27 666 нафар ходими аъзоликка жалб қилинди. Назаримда, бу ҳам айтишга арзигулик ютуқ.

Бизнинг мақсадимиз аниқ – ҳар қандай вазиятда ҳам ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш. Токи ҳар бир меҳнаткаш уни қўллайдиган ва ҳимоя қиладиган ташкилот борлигини ҳис қилиб турсин!



Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан

Ishonch

11.11.2024 // № 135-141 (5049)

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ХАРАКАТ



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Касаба уюшмаси ҳақида гап кетганда, кўпчилик иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатни қонун доирасига соладиган, яна ҳам аниқроқ айтганда, меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ташкилот деб ўйлашади.

Аслида ҳам шундай. Аммо ҳозир тузилманинг фаолияти ниҳоятда кенг ва сермазмун. Ташкилот айни пайтда аҳолини маданий-маърифий юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлига асос бўлган барча янгиланиш ва ўзгаришларда фаол иштирок этиб, давлат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда биз мурожаат қиладиган асосий ҳужжат бу – Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида тузилган бош келишув ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳудудий жамоа келишуви. Мана шу ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида ходимларнинг манфаатини баҳоли қудрат ҳимоя қилиб келяпмиз.

Хусусан, бу йил корхона, ташкилот ва муассасаларнинг пенсия ёшига етган 276 нафар ходимига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди ва совғалар тақдим этилди. Шунингдек, 241 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан эсдалик совғалари топширилди. 916 нафар ишламайдиган пенсионерга моддий ёрдам кўрсатилди. 1 минг 786 нафар кам таъминланган ёш оила вакиллари моддий қўллаб-қувватланди.

Жамиятдаги ҳар қандай ёмон иллатнинг тагзамирида бекорчилик ётади. Сенинг бўш вақтинг, душманингнинг иш вақти, деб бежиз айтишмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги иш ўринлари яратиш ва бу орқали аҳолини доимий даромад билан таъминлаш ниятида тегишли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширдик. Хусусан, туман бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда тасарруфдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоат назорати олиб борилди. Бунинг натижасида 10 минг 320 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Шундан 4 минг 428 нафари ёшлар, 4 минг 482 нафари эса хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, 5 минг 24 нафар фуқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитилди.

Хабарингиз бор, айни пайтда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш касаба уюшмаларининг ташриф қоғозига айланди, ҳисоб. Шунинг учун ҳам бу бўйича тинимсиз тарғибот ва ташвиқот тадбирлари уюштириб келяпмиз. 12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган «Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятимизни бажарайлик!» шиори остида ташкил этилган анжуманлар шулар жумласидан.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мурожаатлар ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Чунончи, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис этамиз. Ўтган даврда кенгашга 167 та мурожаат келиб тушди. Шундан 64 таси қаноатлантирилган бўлса, қолган мурожаатларга тегишли тартибда тушунтиришлар берилди. Бу жараёнларда, айниқса, ишга тиклаш бўйича йўлланган бironта шикоят жавобсиз қолмади ва ҳаммаси ижобий ҳал этилди.



Сайфулла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Ҳар қандай ташкилотнинг эртанги куни, яъни унинг равнақ топиши, албатта, ишчи-ходимларга боғлиқ. Қачонки, уларнинг вақти чоғ, тани-жони саломат бўлса, иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, дейишади. Шундан келиб чиққан ҳолда, меҳнаткашлар саломатлиги йўлида амалга оширилган вазифаларга ҳам қисқача тўхталсак. Ҳисобот даврида 5 минг 578 нафар ходимнинг тасарруфдаги сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаши режалаштирилганди. Лекин биз буни ортиғи билан бажардик, яъни 6 минг 677 нафар хизматчи соғломлаштирилди.

Меҳнаткашларни касаба уюшмасига қамраб олиш борасида ҳам изчил ислоҳотлар олиб бордик. Бунинг натижасида 3 минг 305 та корхона, ташкилот ва муассаса билан ҳамкорликка эришдик. Бу 928 минг нафардан ортиқ ходим аъзоликка қабул қилинди дегани.

Қисқаси, бундан кейинги фаолиятимизда ҳам эътиборни мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ғоя ва ташаббусларга қаратамиз. Энг муҳими, ҳар бир жамоада муносиб меҳнат шароити яратишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.



Жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мурожаатлар ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Чунончи, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис этамиз. Ўтган даврда кенгашга 167 та мурожаат келиб тушди. Шундан 64 таси қаноатлантирилган бўлса, қолган мурожаатларга тегишли тартибда тушунтиришлар берилди. Бу жараёнларда, айниқса, ишга тиклаш бўйича йўлланган бironта шикоят жавобсиз қолмади ва ҳаммаси ижобий ҳал этилди.

Ҳамма дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилади, лекин ҳеч ким ўзини ўзгартириш ҳақида ўйламайди.

Лев Толстой



ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ВАЗИФА

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АСОСИЙ ОМИЛ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси – мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат, жамоат хизмати, банк, суғурта, молия, солиқ, сиёсий партиялар ходимлари, Қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги махсус унвонли ёки эркин ёлланган ходимлар ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган фуқароларни бирлаштирувчи йирик жамоат бирлашмаларидан бири.



Анваржон АБДУМУХТОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Таъкидлаш жоизки, тармоқ касаба уюшмаси томонидан аъзоларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иш берувчиларга 37 та тақдимнома киритилди ва шундан 31 таси тўлиқ қаноатлантирилди. Шунингдек, судларга киритилган 12 та даъво аризаси тўлиқ қондирилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга ходимлар ва ташкилотлар томонидан киритилган 30 тадан ортиқ даъво аризалари бўйича кўрилган ишларда ҳам Республика кенгашидан вакиллар иштирок этишди ва ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига эришилди.

Кенгашнинг Меҳнат инспекцияси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Ўрганишлар натижасида, 357 та меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланиб, иш берувчиларга 78 та кўрсатма тақдим этилди. Барча аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида 1253 та янги корхона ва ташкилотда касаба уюшмалари ташкил қилинди ва 46 737 нафар ходим касаба уюшмаси ҳимоясига олинди. Тармоқ тизимидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва марказлар билан ўқув дастурларига «Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» масалаларига оид мавзулар киритилди.

Февраль-март-апрель ойларида юридик шахс бўлган 2758 та вазирлик, қўмита, тижорат банклари ҳамда жамоат ташкилотларида жамоа шартномалари бажарилиши якунларига бағишланган умумий конференциялар ўтказилди.

Тизимдаги ташкилот, корхона ва муассасалар иш берувчиларини ижтимоий мулоқотга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш, шунингдек, жамиятда уч томонлама шериклик тамойилларини тарғиб қилиш мақсадида жорий йилда «Энг яхши ижтимоий шерик» танловининг Республика босқичи ўтказилди. Унда Бухоро вилояти Божхона бошқармаси, ТИФ «Миллий банки» АЖ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармалари ғолибликни қўлга киритишди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи ярим йилликда тармоқ касаба уюшмаси Республика ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан жами 124 та ташкилот ҳамда муассасада иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўтказилди. Шунингдек, иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, жамоа келишувлари ва шартномаларида белгиланган имтиёз ва кафолатларга риоя этилиши бўйича мониторинг тадбирлари олиб борилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича 2767 та жамоа шартномасида тадбирлар белгиланди. Жумладан, вазирлик, идора ва давлат органлари билан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш бўйича жорий йилга мўлжалланган манзилли дастурлар тайёрланди ва тасдиқланди.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ҳамда билимларини синаш бўйича Низомлар ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни, 7 октябрь – Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишлаб бошланғич ташкилотларда юздан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, маънавиятни юксалтириш, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 1200 нафардан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, қадамжолар ва юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилди.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам амалга оширилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари, илғор хотин-қизлар, шунингдек, фахрийлар байрамлар муносабати билан рағбатлантирилди. Ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинди.

Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар масалалари бўйича турли мавзуларда ўтказилган тадбирларда 123 мингдан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди. Жумладан, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари, «Саломатлик сири» югуриш марафонлари, «Касаба уюшмаси билимдони» кўрик-танловлари ўтказилди.

Маълумки, мамлакатимизда меҳнат соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли идоралари, хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан амалга оширилаётган тизимли ва самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу изчил ҳамкорлик доирасида 2024 йил 30 июль куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг қўшма тадбирлар режасига асосан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасига тааллуқли корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ёшлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

Мазкур халқаро тадбир мамлакатимиз келажаги бунёдкорлари бўлмиш ёшларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий тафаккурини юксалтириш, иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тармоқ касаба уюшмаси 450 мингдан зиёд ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ва имтиёзларини белгилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини оқилона ташкил этишда барча имкониятларини ишга солмоқда.




Ҳар ерда мақбул сўз айтинг, чиройли гапиришга ҳаракат қилинг.
Имом Ғаззолий



ИНТИЛИШ

Гулнинг гўзаллиги уруғидан, инсоннинг ҳусни эса қалбидандир.

Жалолиддин Румий



ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ САРИ

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг асосий мақсадларидан бири – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимларини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этишдан иборат. Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам ушбу стратегияга ҳамоҳанг равишда ўз фаолиятини йўлга қўйган.



Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Янги Ўзбекистон умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорликка асосланган, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашни мақсад қилган давлатдир». Бу ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг бахтли ва фаровон ҳаётига эришиш экан, касаба уюшмасининг фаолияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.



Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур қулайликлар яратиш ва турли имтиёзлар беришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу жараёнда «Uzbekistan Airways», «Uzbekistan Airports» ва «Ўзгидромет» тизимларида ижтимоий шерикликни ривожлантириш орқали бир қатор ютуқларга эришилди.

Тизимда ҳар бир ходимнинг меҳнат қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун муносиб иш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида ўқув машғулотлар ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилмоқда. Ҳар йили 12 мингга яқин мутахассис Ўқув-техник марказида малака оширади. Жорий йилда марказда борт экипажлари учун «AIRBUS A320» тренажёрлари ўрнатилиб, ўқув жараёни тубдан янгиланди. Келгусида мутахассисларни халқаро тажриба алмашиш учун хорижга юбориш режалаштирилган.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун контракт тўловларини қоплаш амалиёти давом эттирилмоқда. Жорий йилда 118 нафар талабанинг 650 миллион сўмлик контракт тўловлари тўланди. Ёшлар учун маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, гидрометеорология коллежидаги талабалар учун музейларга экскурсиялар ва викторина мусобақалари ўтказилди.

Ходимларнинг соғлиғини тиклаш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили барча ходимлар тиббий кўрикдан ўтиб, зарур ҳолларда санаторий ва дам олиш уйларига юборилади. Жорий йилда 115 нафар ходимнинг соғлиғини тиклаш учун 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, турли даволаш жараёнлари ва жарроҳлик операциялари учун 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ички туризмни ривожлантириш ва тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш мақсадида 1,5 мингдан ортиқ аъзо иштирок этган саёҳатлар ташкил этилди. Ёзги мавсумда болалар оромгоҳларида 1166 нафар болажон дам олди. Ушбу тадбирлар учун 3 миллиард 486 миллион сўм ажратилди. Бўстонликдаги оромгоҳларда Оролбўйи ҳудуди болаларининг ҳордиқ чиқаришлари ҳам таъминланди.



Улуғбек НАЗИРОВ,
Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Атроф-муҳитни асраш ва ишчилар учун қулай муҳит яратиш мақсадида корхоналарда сантехника жиҳозлари янгиланди ва қозонхоналарда мазутдан фойдаланиш тўхтатилди. Яшил ҳудудлар яратилиб, янги терминаллар қуриш ва самолёт паркини янгилаш ишлари давом этмоқда.

Авиация ходимлари касаба уюшмаси фаолиятида оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Жорий йилда 400 нафарга яқин болага ўқув қуроллари харид қилиниб, мактаб ўқувчилари учун аэропорт ва музейларга саёҳатлар ташкил этилди.

Аъзоларимиз сафи йил сайин ортиб бормоқда. Касаба уюшмаси сиёсатини қўллаб-қувватлаб, хусусий авиакомпаниялар ҳам ушбу жараёнга фаол равишда қўшилмоқда.

Авиация соҳасидаги барча ходимлар ва раҳбарларнинг ҳамжиҳатлиги натижасида фаолиятимиз янада самарали бўлмоқда. Биз меҳнат муҳитини яхшилаш ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш орқали минглаб одамларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришига ҳисса қўшишдан чарчамаймиз.


ХОДИМЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ ТИКЛАШ ВА УЛАРНИНГ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ҲАР ЙИЛИ БАРЧА ХОДИМЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИБ, ЗАРУР ҲОЛЛАРДА САНАТОРИЙ ВА ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИГА ЮБОРИЛАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА 115 НАФАР ХОДИМНИНГ СОҒЛИҒИНИ ТИКЛАШ УЧУН 400 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, ТУРЛИ ДАВОЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ УЧУН 2 МИЛЛИАРД СЎМГА ЯҚИН МАБЛАҒ САРФЛАНДИ.



ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ФАРОВОНЛИК ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ







Бугун меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалалари катта аҳамият касб этмоқда. Зеро, меҳнаткашлар фаровонлиги ва иш шароитларининг яхшиланиши жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ҳал қилувчи омиллардан биридир. Бунда касаба уюшмалари муҳим ўрин тутади. Улар ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва жамоа манфаатларини таъминлашда асосий куч бўлиб қолмоқда. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгаши ҳам бу йўналишда бир қатор амалий ишларга қўл урмоқда.

Биринчидан, кўп йиллар давомида мамлакатимизга таъна тошлари отилишига сабаб бўлган омил – болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилди.

Ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ – куз фасли келиши билан ўқитувчилар, ўқувчилар, хуллас, кўзга кўринган борки, пахтага жўнатиларди. Шукур, бугун у кунлар ўтмишда қолди. Ҳозир пахта билан кластерлар шуғулланмоқда.

Ўрни келганда, кластерлар ҳақида икки оғиз сўз. Айни пайтда мамлакатимизда 134 та пахтачилик кластери фаолият юритяпти. Шундан 70 фоизи Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига қамраб олинган. Бугун нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик каби йўналишларда ҳам кластерлар эътироф этишга лойиқ ишларни бажаришга улгурди.

Мухтасар айтганда, қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жалб этишда ҳам кластерлар жонбозлик кўрсатаётир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан аграр соҳа анча жонланди. Кўплаб одамлар доимий иш билан банд бўлди.

Энг муҳими, бу Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида Бош жамоа келишуви имзоланганидир. Ушбу ҳужжат тармоқ ва минтақавий келишувлар ҳамда корхоналарда жамоа шартномасини қабул қилиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жуда қўл келмоқда.

Жамоа шартномаси барча корхоналарда касбкор принципи бўйича, мулк шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, муқаррар тартибда тузилиши керак.

Сир эмас, бугун мамлакатимиз аҳолисининг қарийб олтмиш фоизи аграр соҳага алоқадор. Инчунин, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади. Шу сабабли бошқа соҳалар сингари аграр соҳада ҳам ислоҳотлар жадаллашгандан жадаллашиб бораётир.

Табиийки, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш – Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош вазифаси саналади.

Ҳозирда кенгаш 18 та вазирлик, қўмита, кластер ва уюшмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Соҳага алоқадор беш мингдан ортиқ корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилишига эришилиб, аъзолар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш йўлида саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, шу давр мобайнида ижтимоий шериклик механизми ҳисобланмиш тармоқ жамоа келишувлари шартларига биноан ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳақ-ҳуқуқлари, миллий ва халқаро меҳнат стандартлари ҳамда бошқа турли мавзуларда ўқув-семинарлар ўтказилди.

Биргина мисол. Жорий йилнинг май ойида «Соҳадаги расмий ва норасмий банд бўлган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларни касаба уюшмасига жалб қилиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малакали мутахассислари меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтиришлар берди. Кўзланган мақсад эса аниқ: аввало ҳар бир ходимга ўз ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятини тўлиқ англатиш. Шундагина иш берувчи қўл остидаги хизматчилар билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Соҳада олиб борилаётган мана шундай тадбирларга қарамай, таассуфки, айрим корхона ва ташкилотлар ўз ходимларининг иш ҳақини «туя» қилишдан тийилмаяпти. Бундай ҳолатга дуч келган ишчи, табиийки, касаба уюшмалари остонасига бош уриб келади. Аслида, меҳнаткашнинг пешона тери билан топган маблағини бермасликка ҳеч кимнинг, ҳеч қайси ташкилотнинг ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатлар бўйича Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига мурожаат йўллаган бironта меҳнаткашнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланмай қолмайди.



Рустам ХОЛМАТОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси аъзоси Б.Қориевнинг меҳнатга лаёқатсиз даври учун тўланадиган нафақа пулларини ундириб беришни сўраб қилган мурожаати юзасидан 3 миллион сўм, Л.Атабаеванинг касб касаллигига чалиниб, меҳнатга лаёқатлигининг 70 фоизини йўқотганлиги учун бир марта тўланиши лозим бўлган 18 миллион 681 минг сўм товон пули, иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган О.Саламовнинг яқинларига 10 миллион 770 минг сўм, меҳнат жараёнида тан жароҳати олган А.Эшпўлатовга 20 миллион сўм миқдорида товон пуллари тўлаб берилгани ҳам саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фаолиятимиз давомида ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида олиб борган ишларимиз анча салмоқли.

Меҳнат муносабатларида ҳақ-ҳуқуқ масаласи ҳақида сўз юритилар экан, йўлланаётган мурожаатларга тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Шу вақт оралиғида жисмоний ва юридик шахслардан жами 6 798 та мурожаат – шундан 3 минг 981 таси ёзма, 2 649 таси оғзаки, 12 таси электрон почта ва 156 таси «Ишонч телефони» орқали келиб тушган. Ҳар бир мурожаатни масъул мутахассислар ўрганиб чиққан. Натижада, 4 819 таси қаноатлантирилган, қолганлари тегишлилиги бўйича ижобий ҳал этилган.

Таассуфки, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Масалан, баъзи бир корхоналарда ҳалигача ходимлар учун муносиб меҳнат шароити яратилмаётгани бизни қаттиқ хавотирга солади. Шунингдек, айрим туман, шаҳар кенгашлари меҳнат муҳофазаси, ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш каби масалаларга жиддий ёндашмаяпти. Айрим ташкилотларда қонуний меҳнат шартномаси тузилмаяпти, аксинча, якка фуқаровий шартномалар билан кифояланиб қолиняпти.

Бироқ, бу вақтинчалик ҳолат. Зотан, ушбу камчиликларни тез фурсатларда бартараф этишга кучимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам, билимимиз ҳам етади.

Яхши фазилат ёлғиз бўлмайди, албатта, унинг қўшниси ҳам бўлади.

Конфуций



САЛОХИЯТ

Технология, бу – ҳеч нарса. Муҳими, одамларга хайрихоҳлик, уларга имкон бериш. Одамлар моҳиятан яхши ва ақлли. Агар уларга зарур воситаларни берсангиз, улар ажойиб ишларни уддалайдилар. **Стив Жобс**



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСРИ ИМКОНИЯТЛАРИ



Мамлакатимизда халқимиз турмуш шароити, дунёқараши, ҳуқуқий маданияти ва савияси ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора ортмоқда. Шундай экан, касаба уюшмаларининг ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишида ҳам юксалиш бўлиши лозим. Хўш, бу юксалишлар нималарда кўзга ташланмоқда? Жорий йил Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятида қандай ўзгаришлар, силжишлар бўлди? Улар ишчи-ходимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатяптими? Қуйида шулар ҳақида фикрлашамиз.

Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Аввало, таъкидлаб ўтиш лозимки, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг тасдиқланиши билан бизнинг тармоқ ташкилотларда ҳам ходимлар фойдасига жиддий ўзгаришлар юз берди. Амалдаги 4 та Тармоқ жамоа келишувларида ушбу масалалар акс эттирилишига эришилди.

Тизимдаги ҳар бир ташкилотда жамоа шартномалари мавжуд бўлиб, улар қонун ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича жамоатчилик эксперт комиссиясидан ўтказилди. Ҳозирги кунда комиссия томонидан 300 дан ортиқ жамоа шартномаларига тегишли хулоса берилиб, улар белгиланган тартибда рўйхатга олинди.

Мазкур жамоа шартномаларида Меҳнат кодексининг 220-моддасига асосан ишчиларга тармоқда кўп йиллик меҳнат стажлари учун қўшимча таътил кунлари белгиланди. Шунингдек, алоқа кабель хўжалиги ҳамда антенна мачта қурилмаларига хизмат кўрсатувчи ходимларга қишки ва ёзги мавсумда ишлаган даврида ойлик маошларига 20 фоиз миқдорида устама тўлаб берилиши таъминланди.

Ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари тадбирларини амалга ошириш негизида жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда соҳада кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлар ҳар томонлама модий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида 9 ой якуни бўйича:

– пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида 588 нафар ходимга иш берувчи ҳисобидан 1,1 млрд. сўм ажратилди;

– юбилей саналари муносабати билан 791 нафар ходимга 949,2 млн. сўм, шундан 73 млн. сўм касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан;

– байрамлар арафасида ишламайдиган пенсионерлар (собиқ ходимлар)дан 2850 нафарига 1 млрд. сўм, шундан 210 млн. сўм касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоа шартномаларида фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритаётган шахслар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини, хавфсизлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, суғурталаш, соғлиғини мустаҳкамлаш юзасидан қатор мажбуриятларни кўзда тутиш ҳамда бажарилишини таъминлаш каби ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, ташкилотларнинг даромадларини инобатга олиб, тариф сеткасининг разрядлари бўйича коэффициентларини юқорироқ белгилаш масаласи ҳам ҳал этилди. Натижада, «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларда 2,1, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимидаги филиалларда 1,1, АТ «Алоқабанк»да 2-разряд бўйича 1,8 тариф коэффициенти қўлланиши, ўз навбатида, кафолатланган ойлик маошларнинг ошишига эришилди.



Бундан ташқари, бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва унинг филиаллари фаолияти самарадорлигини кўтариш мақсадида янгича ёндашув билан бир қатор ўзгаришлар қилинди. Эндиликда аҳолига кўрсатилаётган почта-алоқа хизмати қаторида етказиб бериш хизматлари ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, глобал-гибрид-почта фаолияти йўлга қўйилиши негизида «Ali express», «Zudmool», «Uzum market» каби йирик савдо компаниялари билан ҳамкорликда аҳолига тезкор ва сифатли етказиб бериш хизмати кўрсатилмоқда.

Мамлакатимизда норасмий бандликка барҳам беришда касаба уюшмалари тизимли ишларни олиб боряпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида Федерациянинг малака ошириш институтида норасмий бандликка барҳам бериш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. Касаба уюшма фаолиятига қизиқувчиларни, талабалар ва ташкилотларда ишлаётган 40 нафар тарғиботчиларни ўқитдик.

Ўтказилган ўқув-машғулотлар негизида 5 та тармоқ йўналишида, шу жумладан, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг норасмий банд бўлганлар билан ишлаш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режа лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли қарор билан тасдиқланди.

Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари битирувчилари билан расмий бандлик ҳамда касаба уюшмаси аъзолиги афзалликлари юзасидан малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида 80 га яқин ташкилот ва корхоналарда бошланғич касаба уюшмалари тузилиб, аъзоларимиз сони 1500 нафарга ошди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги рақамли таълимни ривожлантириш маркази, Рақамли трансформация маркази, «IT-билимни ривожлантириш маркази» МЧЖ, «Express mail universal» МЧЖ, Жиззахдаги «Global optical communication Uzbekistan» МЧЖ корхоналари бор. Мазкур корхоналарда нафақат ахборот технологиялари бўйича мутахассислар, балки етказиб бериш хизмати билан шуғулланувчилар ҳам жам бўлиб, тизимли, қулай, сифатли ва кенг қамровли хизмат кўрсатишни йўлга қўйишяпти. Йил охиригача уларнинг сонини янада оширишни режалаштирганмиз.

Ҳар йили 7 май – Алоқачилар куни сифатида нишонлаб келинади. Бу йил ушбу байрам ўзгача тус олди. Яъни давлат раҳбари юртимиз алоқа тизимида ишлаётган барча ишчи-ходимларга ўзининг табригини йўллади. Бу соҳада меҳнат қилаётганларнинг руҳиятини кўтариб, ўз олдиларига янги-янги мақсадларни қўйишига туртки бўлди.

Юртимизда алоқачилар, ахборот технологиялари мутахассисларига эҳтиёж юқори. Касаба уюшмалари томонидан ватан келажагини ақлу салоҳияти, билим ва маҳорати билан ҳал этадиган соҳа фидойиларининг ҳуқуқи ҳар томонлама таъминлангани рақамли технологияларни ривожлантиришдек катта ва кенг кўламли ишлар ривожида муҳим омил бўлади, албатта.



ТУПРОҚНИ ЗАРГА АЙЛАНТИРАЁТГАНЛАР



Нигора АЛИМЖОНОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Жаҳон иқтисодиётини кимё ва фармацевтика саноатисиз тасаввур қилиш қийин. Кейинги йилларда бу соҳалар жадал ривожланиб, саноат тармоқлари учун муҳим хомашё, материаллар ва дори-дармонлар етказиб берувчи асосий тизимга айланди. Бундай тараққиёт соҳадаги фидойиларнинг ақл-заковати ва меҳнати туфайли тупроқни зарга айлантиришга қодир бўлганини яққол намоён этмоқда.

Мамлакатимизда фан ва техника тараққиётига кенг йўл очилиб, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар фаол татбиқ этилмоқда. Бу жараён тизимни янги босқичга кўтариш билан бирга, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам туртки бермоқда. Янги Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқлари халқаро ташкилотлар ва молия институтлари томонидан эътироф этилиб, рейтингларда юқори ўринларни банд этмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Россиянинг «Росхимпрофсоюз», Беларуснинг «Белхимпрофсоюз» ва қатор қўшни давлатлар, жумладан, Қозоғистон ва Тожикистон касаба уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолашга эришди. Бу ҳамкорлик алоқалари соҳадаги ижтимоий шерикликни кучайтирмоқда.

«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Республикадаги давлат ва нодавлат ташкилотлар қатори касаба уюшмалари ҳам мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиб, ютуқларга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида имзоланган 2023-2025 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишуви асосида тармоқдаги «Ўзкимёсаноат» АЖ ва «Ўзфармсаноати» ассоциацияси билан ҳамкорликда тузилган жамоа шартномалари қайта кўриб чиқилди. Бу шартномаларга ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча имтиёзлар киритилди.

Ижтимоий шериклик натижасида аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, соғломлаштириш каби масалаларга оид Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларига, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилиб, улар меҳнат шарт-шароитлари мезонларига мувофиқлаштирилди.

Ҳозирги кунда тармоқ тизимидаги 400 тадан зиёд корхона ва ташкилотда 70 мингга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади. Жамоа шартномалари орқали ходимлар даромадлари ошиб, корхоналарда меҳнат шароитлари яхшиланмоқда. Масалан, «Андижон биокимё», «Қўқон биокимё», «Фарғонаазот», «Янгийўл Биокимё», «Maxam-Chirchiq» «Ammofos-Maxam», «Навоийазот», «Деҳқонобод калий заводи» АЖлари, «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКда бир ходимга сарфланадиган маблағлар йил сайин ошиб бормоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали пенсионерлар, хотин-қизлар ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш масалаларига иш берувчилар ва касаба уюшма эътибори кучайтирилган.

Жорий йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 900 нафарга яқин икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди ҳамда тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2 минг нафарга яқин фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харажатлари қисман қопланди.

Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш мақсадида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 258 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берилди.

Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш тадбирлари тармоқ келишувлари асосида тузилган жамоа шартномалари орқали амалга оширилди.

Тизимдаги корхоналарнинг жамоа шартномаларида белгиланган ходимларга зарур меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш учун жорий йил бошидан буён 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

«Кимёгар», «Чимён», «Бўстон», «Ёш кимёгар» ҳамда «Офтобжон» оромгоҳларида махсус ишлаб чиқилган тавсиялар, услубий-қўлланмалар, дастурлар бўйича болаларнинг маданий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол иштироклари таъминланиб, ёз мавсуми давомида 6000 нафарга яқин болалар соғломлаштирилди.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидаги корхоналарда ишчи-ходимларнинг 32 фоизини аёллар ташкил этади.

Жамоа шартномаларига ёш болали аёлларга қўшимча таътил бериш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёллар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, бир соатга қисқартирилган иш кунини таъминлаш, аёллар меҳнатига адолатли ҳақ тўланишига эришиш каби кафолат ва имтиёзлар киритилиб, улар амалда қўлланиб келинмоқда.

Бугунги кунда тасарруфдаги корхоналарда 17 минг нафарга яқин ёш касаба уюшма фаоллари бор. Корхоналарда ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаоллиги йилдан-йилга ошиб боряпти. Мисол учун, «Навоийазот», «Андижон биокимё заводи», «Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамиятларида ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 857,4 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш, кимё саноатидаги ёш мутахассисларнинг малака ва тажрибасини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция жараёнларини кучайтириш мақсадида «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан миллий форум ўтказилди.

Ёш ходимларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари ташкил этилди.

Шунингдек, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида «Кимёвий таҳлил лабораторанти» танловлари ўтказилди.

Кўриниб турибдики, касаба уюшмалари аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар қилинди, аммо олдиндаги вазифалар ҳам талайгина. Биргаликда Янги Ўзбекистон ривожи учун ҳаракат қилишдан чарчамаймиз.



Анъанавий «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»нинг иккинчи босқичи бу йил ҳам корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ўтказилди. Танловда 4 та номинация бўйича 12 та ғолиб аниқланиб, улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тармоқ тизими тасарруфидаги 6 та болалар соғломлаштириш оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ва болаларни дам олдириш мавсумини юқори савияда ташкил этиш бўйича касаба уюшма қўмиталари ҳамда корхона маъмурияти билан биргаликда режа асосида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни узлуксиз етказиш, малакали кадрларни жалб этиш ва оромгоҳлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

РИВОЖЛАНИШ

Бизнинг сайёрамизда бир буюк ҳақиқат бор: агар сиз чиндан нимангидир орзу қилсангиз, унга, албатта, эришасиз.
Пауло Коэло

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўёки бу ташвишлар улар (ҳурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий

Мамлакатимизда халқнинг турмуш даражасини ҳар тарафлама яхшилаш, одамларнинг эртага эмас, бугун яхши яшашини, фаровон турмуш кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Президентимиз таъкидлаганидек, халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

ХОТИРЖАМЛИКДА УНУМ БЎЛАДИ



Аҳмаджон ҲАҚҚУЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Металлургия ва автомобилсозлик соҳаси давлат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, нафақат транспорт воситаларини ишлаб чиқариш, балки иш билан таъминлаш, технологик ривожланиш ва ички бозорнинг ўсишида муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. Юртимизда ушбу йўналишда фаолият кўрсатадиган заводлар сони кўпаяётгани қувонарли, албатта. Соҳа ходимларининг манфаатлари эса касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаси бўлиб қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига қабул қилиш, кенг жамоатчилик ва аҳоли орасида аъзолик афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Натижада, жорий йил бошида бошланғич ташкилотларимиз 291 тага етиб, аъзолар сони 92878 нафарни ташкил этди.

Ҳар йили устувор йўналишларни белгилаб олиб, шу асосда фаолият юритамиз. Бу йил учун белгилаб олган лойиҳаларимиз ҳам тизимли амалга оширилаяпти. Жумладан, тизимдаги меҳнаткашларнинг иш самарадорлигини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Металлургия ва автомобилсозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан тармоқ касаба уюшмасининг вилоят кенгашларини ташкил этиш юзасидан таъсис конференциялари чақирилди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Навоий ва Сирдарё вилоят кенгашлари ташкил этилди. Қолаверса, энг йирик ташкилотлардан бўлган «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Ўзэлтехсаноат» АЖ билан кейинги йиллар учун тармоқ келишувлари имзоланди.



Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, касаба уюшмаси сафларини кенгайтириш, аъзолар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмаларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, унинг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чоралари кўрилди. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторингини ўтказишда фаол иштирок этмоқдамиз.

Тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ишчи-ходимларнинг ўзи ва оиласи учун юртимиз бўйлаб саёҳатлар мунтазам амалга оширилмоқда. Юртимизнинг диққатга сазовор жойларида ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият натижалари жамоа шартномалари билан боғлиқ. Бу борада эришилган натижалар ҳам салмоқли. Энг муҳими, жамоа шартномаларининг аниқ ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чоралари кўрилди. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторингини ўтказишда фаол иштирок этмоқдамиз.





Тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ишчи-ходимларнинг ўзи ва оиласи учун юртимиз бўйлаб саёҳатлар мунтазам амалга оширилмоқда. Юртимизнинг диққатга сазовор жойларида ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият натижалари жамоа шартномалари билан боғлиқ. Бу борада эришилган натижалар ҳам салмоқли. Энг муҳими, жамоа шартномаларининг аниқ ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чоралари кўрилди. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторингини ўтказишда фаол иштирок этмоқдамиз.

Тармоқ касаба уюшмалари

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

САЛОМАТЛИК

УЛАР МУДОМ ШАРАФГА МУНОСИБ

Ходимлар манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш – устувор вазифа ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бу борада қатор вазифаларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилги тармоқ жамоа келишувининг асосий ғояси тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилди. Вазирлик билан 212 та банддан иборат тармоқ жамоа келишуви тузилди. Меҳнат кодекси талабларига кўра, ушбу келишувнинг 131 банди бевосита касаба уюшма кенгашлари билан келишилган ҳолда қабул қилинди.



Тармоқ касаба уюшмаси тиббиёт ходимлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишини доимо кузатиб боради. Ўтган йили меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўйича тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси томонидан 573 та корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказилиб, аниқланган 128916 нафар ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқи тикланган бўлса, аъзолардан келиб тушган 1491 та мурожаат ўрганилиб, муаммолар қонуний ҳал этилган, 12746 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимояланган, натижада 141661 нафар ишчи-ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига эришилган эди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида эса меҳнат инспекцияси томонидан 218 та корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати тарзида мониторинг ўтказилди. Бунинг самараси ўлароқ, 48275 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, хатоликлар бартараф этилди. Аъзолардан келиб тушган 825 та мурожаат ўрганилиб, муаммолар қонуний ҳал этилди ва 6008 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимояланди. Умумий ҳисобда 54283 нафар ишчи-ходимнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Фаолиятнинг яна бир устувор йўналиши – ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларини, фарзандларини соғломлаштириш масаласидир. Бу йўналишда олти ой давомида ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларидан 339 нафари дам олиш уйларида, 4766 нафари санатор-курортларда соғломлаштирилган бўлса, 6077 нафар бола соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олди. 191 нафар ишчи-ходимнинг санатор-курортларда бепул даволаниши таъминланди.

Иш берувчилар билан биргаликда юртимизнинг тарихий шаҳарлари, кўнгилочар масканлари, сўлим гўшаларига туристик саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш доим эътиборимизда. Уларга ўтган йилда 12 млрд. 235 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, бу йилнинг ярмигача ушбу маблағ 5 млрд. 655 млн. сўмни ташкил этди.

Охирги йилларда халқаро алоқаларга алоҳида урғу берилмоқда. Бу ўзаро тажриба алмашишга, маҳоратларимизни оширишга имкон беради. Шундан келиб чиқиб, қатор илғор мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Чунончи, касаба уюшмаси Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашига, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Халқаро Конфедерациясига, Жамоат хизмати Интернационали ва унинг Европа Федерацияси каби халқаро ташкилотларга ҳам аъзодир.

Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Жамоат хизмати Интернационалининг Европа Федерацияси Ижроия қўмитаси аъзоси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Халқаро Конфедерацияси вице-Президенти ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби лавозимларида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Республика кенгашининг халқаро ишлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича бош мутахассиси З.Ҳасанов Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерациясининг Ёшлар қаноти раиси ҳамда ташкилотнинг Марказий Осиё бўйича Ёшлар қаноти раислигига ҳам сайланган.




Фаолиятимиз ҳамдўстлик давлатлари ҳамда европалик ҳамкасбларимизда катта қизиқиш уйғотаётгани, тажрибамизнинг намунавий жиҳатлари халқаро миқёсда тан олинаётгани ҳам бор гап. Шу йилнинг октябрида Брюссель шаҳрида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерациясининг Давлат муассасалари бўйича доимий қўмитасининг навбатдаги 62-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги касаба уюшмалари фаолияти, жумладан, меҳнат инспекциясининг ташкил этилиши, унинг ҳуқуқий асослари, амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар бўйича маъруза қилинди. Бу иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Халқаро доирадаги ишларимизнинг давоми сифатида соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида Арманистон, Беларусь, Грузия, Молдова, Мўғулистон, Озарбайжон, Россия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ касаба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича Меморандум ва келишувлар имзоланган.

Ушбу Меморандум ва шартномалар асосида тармоқ касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши Россия Федерацияси тармоқ касаба уюшмасининг Москва вилояти кенгаши билан, Бухоро вилояти кенгаши Беларусь тармоқ касаба уюшмасининг Витебск вилояти кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида ўзаро тажриба алмашиши йўлга қўйилди. Келажакда бошланғич ташкилотлар даражасида ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.


Хулоса қилиб айтганда, ходим ҳуқуқи ҳар томонлама ҳимояланса, фуқароларимиз соғлиғи ҳам ишончли қўлларда бўлади.

Фарҳоджон ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси



Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас.

Леонардо Да Винчи



ИНТИЛИШ

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.
Амир Темур

ИШБИЛАРМОНЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Тадбиркорликни ривожлантириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугун давлат сиёсатининг бир бўлагига айланди. Айниқса, янги иш бошлаган корхона ва кичик ишлаб чиқариш субъектларига давлат томонидан ажратилаётган имтиёзлар кўлами ва салмоғи ниҳоятда кенг. Ҳатто 2023 йилдан буён 20 август «Тадбиркорлар куни» сифатида нишонланмоқда.



Улуғбек МУҲАМЕДОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши шу жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Чунки тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бевосита хизмат вазифамизга киради.

Фаолиятимиз доирасида ўтган тўққиз ой давомида амалга оширилган ишларни таҳлил этарканмиз, қатор ижобий натижаларга эришганимиз яққол намоён бўлади. Мана, айрим мисоллар. Тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, аввало, уларни касаба уюшмасига қабул қилиш керак. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар асносида нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасалардан 1 минг 322 таси тармоқ касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бу 49 минг 550 нафар меҳнаткашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси таъминланади, деган гап.

Бугунги ҳолат бўйича аъзоликка олинган бошланғич ва цех кўринишидаги корхона ва ташкилотлар сони 6 минг 201 тани, уларда фаолият юритаётган ходимлар сони 458 минг 759 нафарни ташкил этмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасалар миқёсидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор ютуқларга эришдик. Масалан, айни пайтда жамоа шартномаси тузган юридик шахслар улуши тармоқ даражасида 99 фоизга кўтарилди. Бунинг самараси ўлароқ, аъзоларнинг 80 фоизи узайтирилган, 85 фоизи эса қўшимча таътиллардан эмин-эркин фойдаланмоқда.

Ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланиши бўйича доимий назорат йўлга қўйилган бўлиб, касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан муддати ўтган қарздорлик йил бошига нисбатан 2 миллиард сўмга қисқартирилди. Шунга оид муаммоларни бартараф этиш юзасидан иш берувчилар, ҳокимликлар, прокуратура ва судларга ўндан зиёд мурожаат юборилди.

Давлат дастурига киритилган тадбирларни бажариш йўлида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, пенсионерларга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга турли кўринишдаги моддий ва манзилли ёрдамлар кўрсатилди. 267 та корхонадаги 425 нафар ходимнинг нафақага чиқиши муносабати билан иш берувчи ҳисобидан 200 миллион 189 минг сўм, касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 37 миллион 20 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 264 та ташкилотнинг 395 нафар ходимига юбилей саналари муносабати билан иш берувчи ҳисобидан 177 миллион 60 минг сўм, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 65 миллион 962 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди. 473 та ишлаб чиқариш объектидаги 2 минг 853 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун иш берувчидан 189 миллион 186 минг сўм, касаба уюшмаси маблағларидан 238 миллион 200 минг сўм сарфланди. Шунингдек, 60 та корхонадаги 103 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва маиший техника сотиб олиши учун иш берувчилар томонидан 544 миллион 505 минг сўм фоизсиз ссудалар берилди. Умуман олганда, айни йўналишда бажарилган ишларнинг салмоғи жуда кенг.







Тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, аввало, уларни касаба уюшмасига қабул қилиш керак. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар асносида нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасалардан 1 минг 322 таси тармоқ касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Бу 49 минг 550 нафар меҳнаткашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси таъминланади, деган гап.

Энди ҳуқуқий йўналишдаги ва меҳнат муҳофазасига доир ишлар ҳақида тўхталсак, 2024 йилнинг ўтган ойлари мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан 757 та мурожаат келиб тушди. Шундан 428 таси ёзма, 324 таси оғзаки, 5 таси электрон почта орқали юборилган. Ҳар бир мурожаатни масъул мутахассислар ўрганиб чиқдилар. Уларнинг 702 таси қаноатлантирилди, қолганлари тегишлилиги бўйича ижобий ҳал этилиб, аризачиларга қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилди.

Масалан, «Чирчиқ – Оҳангарон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходими Арисбек Бўтабековнинг мурожаати асосида иш берувчидан ходимлар фойдасига 18 миллион сўмдан ортиқ зарар пуллари ундирилди. Худди, шунингдек, Тошкент шаҳар «BYD» салони ходими Н.Абдураҳимовга корхона ҳисобидан 7 миллион сўм иш ҳақи олиб берилди. Умуман олганда, ўтган давр мобайнида 120 миллионга яқин қарздорлик ходимлар фойдасига ҳал этилди.

Зеро, кенгашимиз биронта мурожаатни эътиборсиз қолдирмайди, ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида назорат олиб борилади. Жумладан, ўтган даврда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан 300 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилиб, меҳнатни муҳофаза қилишга доир камчиликлар бартараф этилди. Шу жараёнда иш берувчиларга 40 марта тақдимнома киритилди. Уларнинг 37 тасида қайд этилган камчиликлар касаба уюшмалари аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ҳисобот даврида ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган 39 та оилага тегишли тартибда ёрдам берилди.

Албатта, юқорида тилга олинган натижаларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Уларнинг ортида Республика кенгаши аппарати ходимлари, ҳудудий қўмита раислари ва масъул ташкилотчиларнинг меҳнати ётибди. Биз ушбу йўналишдаги ишларни бундан кейин ҳам қатъий давом эттирган ҳолда, аъзолар сафини янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш объектларида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қиламиз.

МАЪРИФАТ

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ТАЪЛИМГА БОҒЛИҚ!



Равшан БЕДИЛОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўёбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этилмоқда. Шу мақсадда барча куч ва имкониятлар ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний камолоти, уларнинг сифатли таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун сафарбар этилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгилаб қўйилди, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки жамиятда ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса, мактаб, илм-фан, таълим ва тарбиянинг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори демакдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб янги боғчалар, мактаб ва олий таълим муассасалари барпо этилмоқда. Таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилмоқда.

Ўқитувчиларнинг ўз касбига жонкуярлиги, машаққатли меҳнатлари туфайли ўқувчиларимизнинг халқаро фан олимпиадаларидаги натижалари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, 2021-2022 ўқув йилида 45 та медаль қўлга киритилган бўлса, 2023-2024 ўқув йилида 121 та медалга сазовор бўлинди.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Таълим-тарбия соҳасида қабул қилинган дастурлар асосида янги мактабгача ва ўрта таълим муассасаларини қуриш, уларни кенгайтириш ҳисобидан қўшимча ўқувчи ўринлари яратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди.

Фарзандларимизни миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича янги мақсад ва режалар белгиланган.

Ана шундай шарафли вазифани адо этишда муҳтарам устоз ва мураббийларга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бериш касаба уюшмаларининг ҳам бурчи ҳисобланади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра 18227 та муассаса ва ташкилотда фаолият юритаётган 1,8 миллион нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси қамраб олинган.

Соҳа ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида тегишли вазирликлар билан тармоқ келишувлари имзоланган. Бу келишувлар ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя



қилиш, уларнинг меҳнати ва дам олишини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини янада тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади. Касаба уюшмалари меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилувчи ташкилот бўлгани учун тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида давра суҳбатлари ўтказиш, мавжуд муаммолар юзасидан ижтимоий мулоқот ўрнатиш анъанага айланган. Янги Меҳнат кодекси асосида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, Фан ва инновациялар ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ижтимоий меҳнат масалалари бўйича комиссия, шунингдек, меҳнат арбитражи ташкил этилди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан халқаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Марказий Осиёдаги қўшни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлар билан доимий равишда ижтимоий мулоқот ўрнатилган.

2024 йил 15-18 апрель кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро семинар бунга мисолдир. Ушбу халқаро семинар Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинарда ХМТ конвенцияларининг Ўзбекистондаги таълим муассасаларидаги ижроси, педагогларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши, уларнинг нуфузини ошириш каби масалалар кўриб чиқилди. Халқаро ташкилот вакиллари ва халқаро ҳамкорлар томонидан мавзу юзасидан тақдимотлар уюштирилди. Якунда ҳамкорликни давом эттириш ва келгуси режалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги байрами ҳамда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим соҳасида юксак натижаларга эришаётган, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган етук авлодни шакллантириш йўлида муносиб хизмат қилиб келаётган ва касаба уюшмаси ҳаётида фаол иштирок этаётган 100 нафар педагог ва фахрийлар «Чинобод Плаза» санаторийсида бепул соғломлаштирилди.

Ўтган 9 ой мобайнида бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳасидаги 12 минг нафар ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Шунингдек, жорий йилдаги ёзги мавсумда таълим тизими ходимларининг жами 18945 нафар фарзанди болалар оромгоҳларига жалб этилди. 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида соҳадаги 90 минг нафарга яқин ходим учун республикамиздаги Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ҳамда Тошкент каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Соғлом танда – сифатли таълим» спорт мусобақаларида умумтаълим мактабларидан 210 минг нафардан ортиқ ходимнинг иштироки таъминланди.

Маълумки, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши ва мавжуд имтиёзлардан фойдаланишида Жамоа ва келишув шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, жамоа шартномаларида белгиланган бандларнинг ижросини таъминлаш натижасида пенсия ёшидаги 3225 нафар ходимга пенсияга чиқишидан олдин моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар учун иш берувчи билан ҳамкорликда 1 миллиард 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Юбилей саналари муносабати билан соҳадаги 4978 нафар ходимга (2945 та ташкилотда) 1 миллиард 545 миллион сўмлик совға-салом берилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 1430 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида (1250 та ташкилотда) жами 436 миллион 591 минг сўм маблағ сарфланди.

Тармоқ ташкилотларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш учун 7580 нафар ходимга сарфланган маблағ (5309 ташкилотда) жами 1 миллиард 330 миллион сўмни ташкил этди. Юқорида санаб ўтилган амалий ва хайрли ишларда ҳамкор ташкилотлар ва албатта, иш берувчиларнинг алоҳида ўрни ҳамда ҳиссаси бор.

Биз бундан буён ҳам тизимда фаолият кўрсатиб келаётган ходимлар ва фахрийларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тегишли ҳамкор вазирликлар билан биргаликда таълим сифатини янада яхшилаш учун бор куч ва имкониятимизни аямаймиз.

Зеро, юрт тараққиёти – таълимга боғлиқ!

Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий

ТАМОЙИЛ



КАСБГА МЕҲР ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

Темирйўллар нафақат мамлакат ҳудудини, балки давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи муҳим восита ҳисобланади. Бунда соҳа ходимларининг фидокороналик саъй-ҳаракатлари асосий роль ўйнайди, албатта. Уларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилиб, соғлиқлари доимий назоратга олинганлиги учун ҳам кўзланган мақсадга эришилаётир.

Қутлимурот СОБИРОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар билан мулоқот тизимини янада кучайтириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Байрамлар ва муҳим саналар муносабати билан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли маданий, маънавий-маърифий, оммавий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасидаги тадбирларда ногирон фарзандлари бор 115 нафар ишчи-ходимга, аниқроғи, уларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этишдаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Жорий мавсумда беш минг нафардан зиёд ўғил-қиз оромгоҳларда дам олди. «Бурчи-Мулло» оромгоҳига Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 35 нафарига бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, Оролбўйи минтақасида ишлаётган ва яшаётган темирйўлчилар фарзандларидан 410 нафари «Қибрай» оромгоҳида соғломлаштирилди.

Бугунги кунга қадар 2621 нафар ишчи-ходимнинг тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилди. Аъзолар ўртасида маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам ташкил этиляпти.

Республика кенгаши ҳамда ҳудудий, бирлашган ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этилиши устидан доимий равишда жамоатчилик мониторинги олиб бормоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларнинг иш жойларида қўнимлилиги юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилиши ва зарур чора-тадбирларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар тайёрланиб, бажариш учун қуйи ташкилотларга юборилди ва уларнинг ижроси таъминлаб келинмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда янги ташкил этилган иш ўринлари штат жадвали бўйича меҳнат шартномалари тузилганлиги, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар расмийлаштирилганлиги ҳамда меҳнат дафтарчаси юритилаётганлиги, иш топишда қийналаётган шахслар учун захира қилинган (квота) иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари йўлланмалари билан келган фуқароларни жойлаштиришга мунтазам равишда кўмаклашилаётир.

Маҳаллий давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорликда захира қилинган иш ўринларига таълим муассасалари битирувчилари, ногиронлар, ёлғиз оналар, меҳнат миграциясидан қайтганлар ва бошқа ижтимоий ночор тоифадаги аҳолининг ишга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилаяпти.



Корхона, ташкилот, муассасалар, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслардан келган мурожаатлар ва аризалар кўриб чиқилиб, ўз вақтида ижроси таъминланмоқда.

Республика кенгаши меҳнат инспекцияси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрганишлар олиб борилди.

Меҳнат кодекси талаблари бўйича жамоа шартномалари ва ички меҳнат тартиб-қоидаларининг тузилганлиги, уларнинг ижроси, ходимларнинг меҳнат вазифаларини белгилаб берувчи лавозим йўриқномаларининг мавжудлиги, лавозим йўриқномалари бўйича барча ходимлар таништирилганлиги, корхоналарда меҳнат низолари комиссияси фаолияти тўғри йўлга қўйилганлиги масалалари ўрганилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки у бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилганлиги, ўқув хоналари ташкил қилиниб, жиҳозланганлиги, яратилган шароит, хоналарда меҳнат муҳофазасига оид қонунлар, қонуности ҳужжатлари, қоидалар, меъёрий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофазасини тарғиб қилувчи стендлар, плакатлар ва кўргазмали қуролларнинг мавжудлиги, корхоналарда касб касаллиги сабабли ногиронлик белгиланган ишчиларга корхоналар томонидан тўлаб берилаётган тўловларнинг амалга оширилганлиги масалалари кўриб чиқилди.

Корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшмалари ва иш берувчилари томонидан «Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш» мавзусида кенгайтирилган йиғилишлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида тасдиқланган, касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторинги олиб бориш юзасидан топшириқ бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдамлар кўрсатди.

Ишчи-ходимларни соғломлаштириш учун санаторийларга йўлланмалар ажратилди.

Ходим манфаати – ҳар нарсадан устун. Бу жиҳатни теран англаган ҳолда олиб бораётган фаолиятимиз соҳа фидойиларининг жонбозлик билан меҳнат қилишида асосий омил бўляпти, албатта.

Зеро, касбга меҳр эътибордан бошланади.





ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК – МУНОСИБ МЕҲНАТ ГАРОВИ

Бизнингча, касаба уюшма ташкилотларининг олдида турган энг муҳим йўналишлар меҳнаткашлар учун муносиб шарт-шароит яратишни назорат қилиш, дам олиши ва соғлиғини тиклашига кўмаклашиш, хизматига яраша ҳақ олишини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Касаба уюшма қўмитаси мана шу вазифаларни виждонан бажарса, аъзолар олдида юзи ёруғ, сўзи ўткир бўлади. Албатта, эзгу мақсадларни амалга оширишда ижтимоий шериклик муносабатлари алоҳида аҳамият касб этади ва кенгашимиз бунга ўз фаолияти давомида тўлиқ амал қилиб келмоқда. Масалан, Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АЖ ва бошқа ташкилот-идоралар билан бешта жамоа келишуви қабул қилинган бўлиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида рўйхатга олинган.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда касаба уюшма тасарруфига олинган 926 та юридик шахс билан жамоа шартномаси тузилди. Улар орқали 327 минг 378 нафар ходимнинг манфаати ҳимоямиз остида. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўртача ҳисобда бир хизматчига йил давомида сарфланган маблағ 14 миллион 440 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 10 фоизга ошганидан далолат. Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида корхона ва ташкилотлар ҳисобидан йўналтирилган харажатлар 7 миллиард 520 миллион сўмни ташкил қилиб, аввалги даврга қараганда 35 фоизга кўпайди.

Умуман олганда, касаба уюшмасига қамраб олинган ишчилардан йиғилаётган аъзолик бадаллари турли сана ёки ижтимоий омиллар муносабати билан уларни моддий рағбатлантиришга харжланяпти. Туғруқ таътиллари, санаторийларга йўлланма, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш кабилар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, тармоқ тизимидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Хусусан, шу йилнинг апрелида тармоқ жамоа келишувларининг ижроси бўйича муҳокама ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшма қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланди. Бу борада олиб борилган тадбирларда 2 минг 630 та ташкилот ва корхона бевосита иштирок этди.

Соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини ҳам айтиб ўтсак бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси – 2023» кўрик-танлови ғолиби деб тармоқ тизимидаги «Термиз дарё порти» МЧЖ эътироф этилди. Бу бошланғич даражадаги ижтимоий шерикликнинг яққол кўринишидир. Ушбу ташкилотда ходимлар учун барча қулай шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Албатта, корхона бу мақтовга осонлик билан эришмаган. Ходимлар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қисқаси, жамоа шартномасида белгиланган вазифалардан оғишмаслик натижаси бу.

Ўтган фаолият хусусида гап кетаркан, давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Зотан, бу борада ҳам залворли йўлни босиб ўтдик. Масалан, Тараққиёт стратегияси ҳамда







Абдулла НУГМАНОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг равишда ўз олдимизга бир қатор мақсадлар қўйдик. Хусусан, Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширилиши белгиланган ишларда тармоқ касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Аниқ далилларга таяниб, айтадиган бўлсак, тармоқ корхоналарида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ходимларнинг турмуш шароитини яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳимояга муҳтож қатламни, яъни кексалар, имконияти чекланган шахслар, шунингдек, фахрийларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаш учун ўтган даврда 5 миллиард 847 миллион 700 минг *(шунинг 536 миллион сўми касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан)* сўм маблағ йўналтирилди. Бу йўналишдаги ишлар ўтган даврга нисбатан 18 фоизга ортган.

Табиийки, жамоа шартномасига қатъий амал қилиш иш берувчи ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлигига муносиб ҳисса қўшади. Бизнинг асосий мақсад ва вазифамиз ана шу жараённи рўёбга чиқаришдан иборат.

ҲАМКОРЛИК

Ҳали турмушимизнинг энг буюк сирларини ечишимиз керак. Ҳатто ўлим ҳам интиҳо бўлмаслиги мумкин.
Никола Тесла

АСЛ БАҲОНИ АЪЗОЛАР БЕРАДИ



Аслида касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади – ҳар бир ишчи ўз малакаси ва меҳнатига яраша ҳақ олишини таъминлаш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Жумладан, биз ҳам тасарруфдаги аъзоларга айни шу мақсад ва ниятда хизмат қилиб келяпмиз.



Шуҳрат ҚУРБОНОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига 190 минг нафардан зиёд ходим аъзоликка қабул қилинган. Уларнинг сафини кенгайтириш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида «Uz Gas Projects» МЧЖ, «New Silk Road Oil and Gas» ҚК МЧЖ, «Enter Steel» ХИК МЧЖ, «Samarkand Touristik Centre» МЧЖ, «Airmarakanda» МЧЖ, «Энергосотиш» АЖ ва «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ «Савдоэнерго» филиалида касаба уюшмаси ташкилоти тузилди.

Албатта, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий ҳамда соғломлаштириш йўналишида муайян ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, тармоқ тизимидаги корхоналарнинг мақоми, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва технологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг тармоқ макетлари ишлаб чиқилди.

Масалан, иш ҳақининг энг кам миқдори, тариф ставкаси ва коэффициенти, устама ва қўшимча тўловлар, разрядлар, турли рағбатлантириш тўловлари ҳамда уларнинг аниқ миқдорлари бевосита иш берувчилар билан музокаралар жараёнида шакллантирилмоқда.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхона ва заводларда, афсуски, кўнгилсиз ҳолатлар учраб туради. Яқинда шу масала юзасидан 30 дан ортиқ корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилди ва аниқланган 120 дан зиёд камчилик бартараф этилди. Ишлаб чиқариш вақтида ҳалок бўлган ёки жабрланган хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига умумий ҳисобда 20 миллиард сўмдан ортиқ товон пули ундириб берилди. Шунингдек, меҳнат ҳуқуқ инспекторлари корхона ва ташкилотларда ўтказган жамоатчилик назорати асноси қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди ҳамда улар бартараф этилди. Натижада иш берувчилардан ходимлар фойдасига 33 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Суд органларининг ҳал қилув қарорларига асосан, ижтимоий ва моддий тўловлар билан боғлиқ мурожаатлар юзасидан 410 миллион сўм ҳамда иш ҳақидан қарздорлик бўйича 57 миллион сўм маблағ ишчиларга қайтарилди.

Кенгашимиз хорижий корхоналар филиаллари билан алоқалар ўрнатиш, уларни касаба уюшмасига жалб этиш орқали меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу бўйича янги ҳамкорлар билан ҳужжатлар имзоланди. Татаристон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси, Туркия энергетика ходимлари касаба уюшмаси, Қирғизистон Республикаси энергетика ва электротехника саноати ходимлари касаба уюшмаси ўртасида тузилган меморандум шулар жумласидан.

Гап амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳақида кетаркан, ижтимоий йўналишда бажарилган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, албатта.



Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ўтган давр мобайнида 3800 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа тарихий шаҳарлар, обидалар ҳамда диққатга сазовор қадамжоларни зиёрат қилиб келишди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун истироҳат боғларига саёҳат уюштирилди. Улар учун расмлар кўргазмаси ҳамда театрлаштирилган томошалар ташкил этилди.

«Спорт – саломатлик гарови» шиори остида ишчи-ходимлар ўртасида мини-футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика, дартс, арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, ёшлар ва хотин-қизларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, уларнинг илмий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида ёшлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари, «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари ўтказилди.

Аёллар ўртасида «Ораста қизлар», «Аждодлар мероси – гўзал атласим!» каби турли мавзуларда кўргазма ҳамда кўрик-танловлар уюштириш доимий йўлга қўйилган. Шунингдек, ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари ташкиллаштириб келинмоқда.

Албатта, бу каби тадбирлар ёшларда ватанпарварлик туйғуларини ошириш билан бир қаторда, меҳнат самарадорлигига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Муҳими, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошқа тармоқлар сингари ўз зиммасига юклатилган вазифалардан оғишмай, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида хизмат қилиб келмоқда.



КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ



Отабек МУСАЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деган мақол бор. Бу бежиз эмас.

Кўпчилик билан маслаҳатлашиб, бирлашиб қилинган ишнинг самараси узоқ йилларга татигулик ва манфаатли бўлади. Ижтимоий шериклик тушунчаси ҳам шундай, яъни турли мақсад йўлида меҳнат қилаётган одамларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши – уларнинг нималарга қодирлигини кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг турли шакллари ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, бизнинг тизимда ҳам.

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши тизимида 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, корхона ва ташкилотлар сони 1435 тани ташкил этган. Шундан давлат мулкига оид – 1361 та, масъулияти чекланган жамият – 41 та, хусусий корхона – 3 та, бошқа мулкчилик шакллари бўйича – 31 та корхона бўлиб, касаба уюшмалари ўз сафига 136697 нафар аъзони бирлаштирган.



Ижтимоий шериклик асосида ҳамкор вазирлик ва идоралар билан имзоланган тармоқ келишувлари доирасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ижросини таъминлаш, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлиги ҳамда фаоллигини кучайтириш мақсадида тармоқда эътироф этишга арзигулик ишлар қилинди.

Аъзолар сонининг ортиб бориши бу фақатгина рақамларда акс этадиган жараён эмас. Иш кўлами ҳам шунга яраша ортмоқда. Касаба уюшмасига келаётган мурожаатлар сони ҳам аввалги йилларга нисбатан кўпайган. Жорий йилнинг шу даврига қадар жами 258 та мурожаат келиб тушди. Уларни ўрганиш натижасида ходимлар фойдасига жами 1.002.125.000 сўм маблағ ундирилди.

Кенгаш томонидан юртимиз бўйлаб тизимда фаолият юритаётган ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга берилаётган имтиёзлар ҳақида очиқ мулоқот тарзидаги «Раҳбар ва ёш ходимлар» мавзуида тадбирлар ташкил этилди. Шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган мазкур учрашувларда тармоқ тизимида меҳнат қилиб келаётган ёш ишчи-ходимлар, олий таълим муассасалари талабалари иштирок этишди. Аҳамиятли



жойи шундаки, бу тадбирлар ноодатий, яъни янгича форматда, «минбарларсиз» бўлиб ўтмоқда. Одатда бундай учрашувларда ёшлар учун спектакллар намойиш этилади, сўнг унинг муҳокамаси атрофида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, иш фаолияти-

даги муаммолари ва дардларини ҳам эшитамиз.

Очиқ мулоқот давомида касаба уюшмалари фаолияти ҳамда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар юзасидан савол-жавоблар бўлади. Учрашувларда ёш ходимларни қийнаб келаётган ва тизим билан боғлиқ кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Тизимдаги ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 2023 йилда 4 миллион 47 минг сўм *сарфланган бўлса,* 2024 *йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, ҳар бир ходимга ўртача ҳисобда* 5 *миллион 200 минг сўм маблағ сарфланган. Жамоа шартномасидаги жами бандларнинг 97 фоизга бажарилишига эришилган.*



Жойларда иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилди. Барча ҳудудларда «Меҳнат муҳофазаси ҳафталиги» ташкил этилди. Бундан ташқари, барча ҳудудларда «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» каби номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказилди.

Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан «Энг яхши ижтимоий шерик» танлови доирасида тизимда кўрик-танлов ўтказилди ва унда барча ташкилотлар, муассасалар фаол иштирок этишди. Танлов шартларида белгиланган талаблар бўйича тизимдаги ташкилотлар фаолияти таҳлил қилинди ва қуйидагилар «Энг яхши ижтимоий шерик» танлови ғолиблари деб топилди. Яъни биринчи ўринга Ўзбекистон Бадиий академияси, иккинчи ўринга «Амет Бахши» номидаги 12-сонли Нукус шаҳар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда учинчи ўринга Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти лойиқ кўрилди.



11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқ тизимидаги мусиқа ва санъат мактабларида фаолият юритаётган ёш ўқитувчилар ўртасида «Касбим – фахрим» деб номланган кўп жанрли мусиқа фестивали ўтказилди.

Бундан ташқари, республика Кенгаши томонидан соҳа ходимларини тармоқ келишувлари доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамкор вазирлик ва идоралар билан турли маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ташкил этилган. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда республика миқёсида 3 та ҳамда 2 та халқаро танлов ташкил этилди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан ҳамкорликда «Қалдирғоч – 1», «Қалдирғоч – 2», «Қалдирғоч – 3» республика танловлари ўтказилди.

Юртимизда нишонланадиган турли байрамлар арафасида маданият, кино, спорт, театр соҳасида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган фахрийлар ҳолидан хабар олиш анъанага айланган.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида жорий йил давомида 25000 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларининг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрига саёҳатлари ташкил этилди.

Соҳа ходимлари орасида спорт ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, уларни спортнинг оммавий турларига жалб этиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ ходимлари ўртасида спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, волейбол турлари бўйича спартакиадалар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб қилиш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан бир қаторда, тармоқ тизимига аъзо ташкилотлар ва касаба уюшмаси аъзолари сонини муттасил ошириб боришни режа қилганмиз ва шунга яраша фаолият олиб бормоқдамиз.

Улуғлик инсонга энг ёмон ҳодисалар яқинлашишига йўл қўймайдиган бир матонатни жамловчи кучдир.
Абу Али ибн Сино



ДАВР

БАЙРАМДАН ГАЧА...

нималарга улгурдик, нималарга эришдик?

Мана, учинчи йилдирки, мамлакатимизда 11 ноябрь санаси Касаба уюшмалари ходимлари куни сифатида нишонланмоқда. Юрт бўйлаб барча ҳудудларда маърифий тадбирлар, ҳамкасбларнинг ўзаро машваратлари ўтказилмоқда. Байрам муносабати билан касбга садоқат, эл-юртга камарбасталик туйғуси ила меҳнат қилаётган турли соҳа вакилларининг фидойиликларига эътибор қаратилаётир.

Сирасини айтганда, касаба уюшмалари куни тизим фаоллари учун йил давомида олиб борилган саъй-ҳаракатлар сарҳисоб қилинадиган паллага айланиб бормоқда, десак, муболаға бўлмайди. Бундай муҳим сана олдидан ҳар бир касаба уюшма фаоли ўзи фаолият юритаётган бўғин мисолида «Байрамдан байрамгача бўлган оралиқда нималарга эришдик, қайси юмушларга улгурмадик?» деган саволни кўнглидан ўтказиши табиий.

Шу маънода андижонлик тизим фаоллари ҳам жорий йилда ўз зиммаларидаги вазифалар ижроси юзасидан муносиб ютуқларга эришганини таъкидлаш жоиз. Аввало, вилоят ҳудудий келишувидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур банд ва бўлимлар билан бойитиш, ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш мутахассисларимизнинг доимий диққат марказида. Бунинг натижаси шуки, ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида вужудга келган қатор имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишмоқда.

Қолаверса, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан жамоат назоратини кучайтириш каби масалалар ҳам ҳамиша кун тартибида туради.

Меҳнат муносабатларида ходимнинг фаолиятини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муносиб ҳимоя қилиш борасидаги биринчи ва муҳим қадам ҳуқуқий асос ҳисобланган локал ҳужжатларни пишиқ-пухта тузишдан бошланади, десак, тўғри бўлади. Шу маънода ҳисобот даврида меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасида белгиланган энг кичик разряд ставкаси 504 та корхона ва ташкилотда кўтарилиб, 127219 нафар ишчи-ходимга татбиқ этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Яна бир жиҳат, жамоа шартномаларининг 10728 тасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилган, 496 тасида эса касаначиларга оид меъёрий қоидалар кўрсатилган талаблар киритилган.

Бугунги шиддатли даврда демографик жараёнлар ва бошқа омиллар сабаб янги иш ўринлари очиш мамлакатимизда устувор масалалардан бирига айланган. Жумладан, Андижонда ҳам ҳар йили ўн минглаб янги иш ўринлари яратилаётир ва бу борадаги жараёнлар изчиллик касб этаётир. Шу боис, назаримизда, энди асосий эътибор айни кунгача очилган ва яна ташкил этилаётган иш ўринларининг сифати, яъни қабул қилинажак ходимларга бериладиган кафолатларга йўналтирилиши, «Бу ерда мутахассиснинг ижтимоий ҳимояси бугунги кун



Қодиржон ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раиси

талабларига жавоб берадими?» деган саволнинг амалий жавобига қаратилиши керак. Шунинг учун ҳам касаба уюшма мутахассислари ҳудудда ўтказилаётган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларининг барчасида иштирок этиб, юқорида қайд этилган масалаларни зийраклик билан ўрганиб боришаётир.

Рақамларга тўхталсак, вилоятда жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 230 марта ана шундай меҳнат ярмаркалари ташкил этилди, бу жараёнда 4634 та корхона ва ташкилотлар томонидан 28817 тадан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф қилинган. Ушбу ярмаркаларда 10284 нафар талабгор иштирок этиб, уларнинг 4922 нафари ўзларига муносиб бўлган иш ўринларига жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлдилар. Касаба уюшма фаоллари эса, юқорида айтилгани каби, уларнинг 2766 нафарига меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар бердилар.

Бандлик мавзусида сўз борар экан, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш даркор. 2024 йилнинг айни даврига қадар Андижон вилояти бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган 5724 та иш ўрнига ишсиз фуқароларнинг талабига кўра, уларнинг 4409 нафари жойлаштирилган. Квота иш ўринлари топшириғи белгиланган корхоналарнинг барчасида ходимларни, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламига мансуб бўлган фуқароларни ишга қабул қилиш жараёнларида бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси улар билан бевосита суҳбатлашаётир. Айни мулоқотларда меҳнат ва солиқ қонунчилиги, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳақ-ҳуқуқлар, берилган имтиёзлар юзасидан янги ходимларнинг билим ва тушунчалари бойитилмоқда.

Маълумки, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим қаноти ҳисобланади. Вилоятда бу борада ҳам тилга олишга арзигулик натижалар бор, десак, янглишмаймиз. Хусусан, бугун вилоятда касаба уюшмасига аъзо бўлган 2572 та бошланғич ташкилот фаолият юритаётган бўлиб, жорий йилнинг январь-сентябь ойларида бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими орқали ходимларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида 33 миллиард 205 миллион сўм миқдорида маблағлар сарфланган. Бу ўртача киши бошига 98700 сўмни ташкил қилади, дегани. Шу йилнинг ўзида 181714 нафар ишчи-ходим 6 миллиард 768 миллион сўм эвазига тиббий кўриклардан ўтказилди.

Зарарли, хавфли ва ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи ходимларга 13 миллиард 504 миллион 501 минг сўмлик маблағлар ҳисобига сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари етказиб берилди. Бундан ташқари, 4 та бошланғич ташкилотнинг меҳнат шароитлари бўйича 254 та иш ўрни аттестациядан ўтказилди, натижада мазкур иш ўринларида ишловчи ходимларга тегишли имтиёзлар белгиланиши таъминланди.

Умуман олганда, бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашидан қуйи бўғинларга қадар – барчасида ҳаёт қайнамоқда. Фаолиятнинг ҳар бир жабҳасида кўзга кўринадиган вазифалар рўёбга чиқарилмоқда, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш каби йўналишларда тизимнинг ҳар бир вакили ўз зиммасидаги юмушларни адо этишга виждон ва қалб амри билан ёндашмоқда. Фаолларимизнинг ҳар бир ишида кўзга ташланаётган бу фазилатлар эса уларнинг Ватанга, миллатга қилаётган хизматлари ўлароқ бўй кўрсатмоқда.









Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сийлайди.
Заҳиридин Муҳаммад Бобур



БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАЙДИ

Касаба уюшмалари фаолияти жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи муҳим механизмнинг бир бўғинига айланиб бораётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бугун биз меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам қонунчилиги бор, касаба уюшмаларига юксак мақом берилган мамлакатда яшаяпмиз. Зотан, меҳнат қонунчилигимиз иш берувчидан кўра кўпроқ ходимлар манфаатларини ҳимоя қилади. Биргина Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлсак, айни кунга қадар воҳада 368760 нафар ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида яна 23201 нафар ишчи-меҳнаткаш касаба уюшмаларига жалб қилинди. Аъзолар сафи йил сайин ортиб бораётгани меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ва эҳтиёжидан дарак беради.



Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ – ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Хўш, бу ишончнинг асл моҳиятини қайси жабҳаларда кўриш мумкин?! Энг аввало, ходимнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган муҳим омил жамоа шартномасидир. Бу борада вилоят миқёсидаги бир қатор рақамларни келтириб ўтиш ўринли. Дейлик, 2024 йил корхона, ташкилот ва муассасаларда 292 минг нафардан ортиқ ходим жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинганини, мазкур ҳужжатлар ижросига асосан ўрта ҳисобда бир ходимга 2023 йил давомида 5,6 млн. сўм маблағ сарфланганини, ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 25,5 фоизга ўсганини ҳар қанча эътироф этса, арзийди.

СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР – ФАОЛИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашишда касаба уюшмалари ҳар жиҳатдан олдинги сафларда бормоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалар, пенсионерлар ҳамда ночор оилалар фарзандлари, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш тизимнинг энг муҳим вазифалари сирасига киритилмоқда. Мисол учун, пенсионерларга кўмак кўрсатиш борасида ўтган йили кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 325 нафар пенсия ёшига етган ходимга нафақа олди моддий ёрдам берилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 415 нафар ходимнинг юбилей саналари муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилди. Корхоналарнинг собиқ ишчиларига, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар ва парваришга муҳтож кексаларга моддий ёрдамлар ажратилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож турли ёш доирасидаги меҳнаткашларнинг аксарияти шундай моддий ёрдамлардан четда қолмаяпти. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган оналар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари, олий таълим даргоҳида илм олаётган иқтидорли талабаларни шулар қаторига киритиш мумкин.



Қолаверса, 48 нафар ёш оила вакилига уй-жой қуриш ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун 348,5 миллион сўмлик, 39 нафар ёш ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 187,9 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилди.

Ижтимоий суғурта ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 3187 та сиҳатгоҳ йўлланмалари берилди.

МУРОЖААТЛАР – ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида корхона ва ташкилотларда содир этилган 1570 та қонунбузилиш ҳолати касаба уюшмаси меҳнат инспекторлари томонидан бартараф этилди. Ушбу рақамларни қоғоздаги кўрсаткичлар қаторига тиркаб қўйишдан осони йўқ, албатта. Аммо мана шу рақамларнинг ўзи меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олдимизда турган вазифалар салмоғини кўрсатиб беради. Чунки шундай қонунбузилишлар қайси бир ходимнинг кўз ёшлари, кимнингдир хасталаниши ёки кўнглида унутилмас жароҳатлар қолишига сабаб бўлгандир, эҳтимол. Зотан, тинч-хотиржам, ҳар тарафлама қонуний ҳимояланган тизимдагина инсон садоқат билан хизмат қила олади. Шу боис касаба уюшмалари вилоят кенгаши ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бу йил 12 та корхона ва ташкилотда ўрганиш ўтказиб, иш берувчиларга



кўрсатмалар киритди, 350 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, 29,6 миллион сўм компенсация тўловлари ундирилди, 67 нафар ходим иш ҳақидан 610,4 миллион сўм маблағ ушлаб қолинишининг олди олинди.

Шунингдек, зиммамиздаги энг масъулиятли вазифа мурожаатлар билан ишлаш экани чуқур англаган ҳолда, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 143 та мурожаатда кўтарилган барча масалалар ўрганиб чиқилди. Натижада 71 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди, 69 нафар ходимга тегишли норматив-ҳуқуқий ва локал ҳужжатларда белгиланган имтиёз ва қулайликларни қўллаш тартиб-қоидаларини тушунтириш юзасидан тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

БИЗ СИЗГА ЕЛКАДОШМИЗ

Ҳеч биримиз иш вақтида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалардан ҳимояланган эмасмиз. Саломатликни эса пул билан сотиб олиб бўлмайди. Аммо, шунга қарамай, аксарият ҳолларда бахтсиз ҳодисага учраган ходимларга иш берувчи томонидан зарур ёрдам кўрсатилмаслигига кўп йиллик тажрибалардан гувоҳмиз. Жорий йилда ҳам мана шундай ҳодисаларнинг олтитаси касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати тартибида ўрганилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг мурожаатига биноан, суд томонидан қўйилган масалага ойдинлик киритиш мақсадида 9 та суд мажлисида иштирок этилиб, жабр кўрган фуқароларнинг манфаатлари учун 284 миллион сўмдан ортиқ зарарни иш берувчилардан ундириб бериш бўйича судларга хулосалар берилди.



МУСТАҲКАМ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР


Хорижий ва халқаро ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича касаба уюшмалари фаолиятида ижобий натижалар қайд этилаётгани барчага маълум. Бу ўз ўрнида тизим фаолиятининг бевосита дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Вилоятимиз ҳам ана шундай алоқаларни мустаҳкамлаш борасида кўплаб тадбирларга бош бўлмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг ўтган даврида Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Беларусь, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари вакиллари қабул қилиниб, ўзаро тажриба алмашинилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси ташаббуси билан 16-18 апрель кунлари «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнат соҳасида зўравонлик ва тегажоғлик тўғрисидаги 190-сонли конвенцияси» мавзусидаги халқаро семинарга Бухоро вилояти мезбонлик қилди. Семинарда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас ва ташкилот ходимлари, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон Республикалари таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.

Шунингдек, жорий йилнинг 18-20 май кунлари «Бошқирдистон касаба уюшмалари Федерацияси» Республика иттифоқи делегацияси, 17-18 июль кунлари Тожикистон Республикаси «Тожикметалл» тармоқ касаба уюшмаси ва 1-2 октябрь кунлари Қозоғистон Республикаси «Қозоқметалл» тармоқ касаба уюшмаси делегацияси аъзолари Бухоро шаҳрида кутиб олиниб, ўзаро тажриба алмашилди.

Касаба уюшмаларининг инсонпарвар фаолияти, ходимлар манфаатлари ҳимояси йўлидаги жонбозлиги жамият ҳаётида нечоғлик муҳим аҳамият касб этаётганини мана шу мисолларда кўриш мумкин. Зеро, аъзоларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади.

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,
Қўлингки, тутар экан, саховат айла.
Уз ҳосилини ўзи ўрар ҳар кимса,
Бас, парвариши учун риёзат айла.
Абдулхолиқ Ғиждувоний



ЖАМИЯТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ УЧУН

«Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!» шиори остида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида касаба уюшмалари жамиятимизнинг энг нуфузли жамоат бирлашмасига айланиб боряпти. Улар нафақат ўз аъзоларининг, балки бутун аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини тарғиб қилишда фаол қатнашяпти.



Нусратулла ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси

Касаба уюшмалари давлат дастурлари ва қонун ҳужжатларини тушунтириш орқали аҳолининг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларини кучайтиришга ҳисса қўшмоқда. Жиззах вилоятида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» доирасида 580 га яқин меҳнат жамоасида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар тарғиб қилинди.



Касаба уюшмалари ходимлар ўртасида маънавий муҳитни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар лоқайдлик, коррупция ва маҳаллийчилик каби иллатларга қарши курашишда фаол иштирок этяпти. Шу мақсадда турли маърифат соатлари ва давра суҳбатлари ташкил қилиниб, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, тинчлик ва дўстлик ғояларини тарғиб этиш ишлари олиб бориляпти.

Миллий ва диний қадриятларимизга асосланган тарбияни ёшлар қалбига сингдиришга қаратилган маданий тадбирлар ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Вилоятдаги 370 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда миллатлараро тотувлик ва тинчлик ғояларини ёйишга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган турли танлов ва спорт мусобақалари орқали 4577 нафар боланинг ижодий салоҳияти очиб берилди. Ўтган ёз мавсумида фаолият юритган оромгоҳларда «Беш муҳим ташаббус» доирасида мусиқа, санъат, китобхонлик ва спорт тадбирлари ташкил этилди. 12 кунлик дастур асосида ўтказилган «Ёз – ўтмоқда соз!» шиоридаги тадбирлар ҳам ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Шароф Рашидов туманидаги оромгоҳда ҳарбийлар иштирокида ватанпарварликни тарғиб қилиш мақсадида турли намойишлар ва суҳбатлар ўтказилди. Болаларга юртга садоқат туйғусини сингдириш учун қурол-яроғлар кўргазмаси ва ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга бағишланган тадбирлар уюштирилди.

Касаба уюшмалари орқали давлатимиздаги ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида 11690 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига мамлакат бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди. Театр, музей ва кўргазма залларига ташрифлар ҳамда спорт мусобақалари орқали ишчи-ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу тадбирларга 94,4 миллион сўм сарфланди, шундан 78,1 миллион сўми касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Касаба уюшмалари ёрдамида эҳтиёжманд аёлларга 28,4 миллион сўмлик молиявий кўмак кўрсатилди ва улар учун юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил қилинди. Шунингдек, 2024 йил давомида 455 нафар эҳтиёжманд фуқарога 102,3 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, шундан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамиятимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглигини таъминлаш борасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда давлат бошқарув органларида аёллар иштироки ошиб бормоқда, маҳаллий кенгашлар ва Олий Мажлис депутатлигига сайланган аёллар сони ҳам сезиларли даражада ортиб, жамиятдаги тенглик ва адолат тамойиллари мустаҳкамланмоқда.


Касаба уюшмалари камбағалликка қарши курашда ҳам фаол иштирок этмоқда. 2024 йил давомида эҳтиёжманд оилаларга ва «Аёллар дафтари»га киритилган аёлларга ёрдам кўрсатилди. Жиззах вилоятидаги иккита «Мурувват уйи»га 11,1 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами ажратилди.

Касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар нафақат моддий қўллаб-қувватлаш, балки маънавий ривожланишга ҳам қаратилган. «Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!» шиори остида ўтказилаётган барча тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, жамиятда ҳамжиҳатлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадлар ижросини таъминлаш учун барча касаба уюшмалари ташкилотлари янада фаол ва масъулиятли ишлашлари зарур. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат сиёсатининг моҳиятини тушунтириш ва аҳолига яқинлаштиришдаги ҳар бир қадамимиз Янги Ўзбекистон ғояларининг тантанаси учун хизмат қилади.



Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги ва роҳати ёшларнинг тарбиясига боғлиқдир!
Абдулла Авлоний



ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz





КАТТА ТАЖРИБА МАКТАБИ

Касаба уюшмалари тизимида ишлаш ўзига яраша машаққатли, аммо кишига завқ, ҳузур бағишлайдиган томони ҳам бор. У ҳам бўлса, одамлар дарди билан яшашдир.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Айниқса, ижтимоий соҳада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи жуда катта.

Албатта, миллионлаб меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш – касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаси. Шуни инобатга олган ҳолда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенгашимиз томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» ўтказиб келинмоқда. Тадбирлар нафақат ушбу соҳа эгаларини, балки барчани янада ҳушёрликка, огоҳликка чорламоқда.

Ўрни келганда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгаши вилоятдаги энг йирик нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти бўлиб, бугун ўз сафига вилоятдаги **235000 дан зиёд** *касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган. Тизимда* **1578 та** *бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Аъзоларнинг* **90385 нафарини** *ёшлар,* **88751 нафарини** *эса аёллар ташкил этади.*

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, мамлакатдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари»га киритилган навоийлик опа-сингилларимизни ҳам касаба уюшмалари аъзоси дейишга маънавий жиҳатдан ҳақлимиз. Чунки шу тизим ишга тушганидан буён вилоят бўйича 108 минг нафардан зиёд аёлнинг турли-туман ижтимоий муаммолари ҳал этилди, турмуш тарзи яхшиланди. Бунда касаба уюшмалари фаолларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Сўнгги беш йилда биз вилоятдаги қарийб барча хонадонга кириб бордик. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда касаба уюшмаларининг мақсад-вазифаларини билмайдиган оила йўқ ҳисоби.

Оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Аёллар дафтари»нинг жорий йилдаги 5-босқичида 232090 нафар хотин-қизнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари анкета-сўровномалар орқали хатловдан ўтказилди. Ижтимоий аҳволи, турмуш шароити оғир ва ёрдамга муҳтож 30086 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди. Бугунги кунга қадар 28994 нафар хотин-қизга белгиланган тартибда ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилди ва уларнинг муаммолари ҳал этилди.

Касаба уюшма аъзоларининг шикоят-аризалари, талаб ва таклифларини атрофлича ўрганиб, уларга қонуний ечим топиш фаолиятимизда бирламчи аҳамиятга эга. Табиийки, ҳуқуқий ҳимоя излаб, чунончи, ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, ижтимоий меҳнат муносабатларига доир ва ҳатто касаба уюшмаси фаолиятига тааллуқли бўлмаган масалалар бўйича ҳам кунда-кунора кенгаш эшигини қоқиб келувчилар бор.

Касаба уюшма аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 40 та ёзма, 87 та оғзаки мурожаат ўрганилиб, ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ходимларнинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 5 та даъво аризаси киритилди. Меҳнат шартномаси ғайриқонуний тарзда бекор бўлган 9 нафар ходимни ишга тиклаш юзасидан иш берувчиларга кўрсатмалар киритилди ва натижада улар ўз ишларига тикланди.

Ўтган 9 ой давомида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича 17 та ташкилотда жамоатчилик назорати олиб борилди. Аниқланган 146 та қонунбузилиши ҳолати ва камчиликни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 14 та кўрсатма киритилиб, ижроси тўлиқ таъминланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ташкилотларда юзага келган низоларнинг аксарияти кенгашгача етиб келмай, қуйи бўғинлардаги вакилларимиз иштирокида ижобий ҳал этилган. Жойларда ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш талаби барча ҳужжатларда ўз аксини топган. Масъуллар жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш чоғида айнан ана шу бандга алоҳида эътибор қаратишади.

Қолаверса, кенгаш мутасаддилари ва меҳнат ҳуқуқ инспекторлари бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида иш берувчилар билан ҳам учрашиб, мулоқотда бўлишмоқда.



Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси

Маълумки, жамоа шартномалари корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларга қонунчиликда белгиланган ва ундан ташқари ҳам янада кўпроқ имтиёз ва кафолатлар берилишини таъминловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Айниқса, охирги йилларда қабул қилинаётган жамоа шартномалари янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси нормаларини татбиқ этиш ҳисобига янада кенгаймоқда ва кучаймоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 3933 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилди. Натижада 189638 нафар ходим ёки умумий ишловчиларнинг 99,8 фоизи қамраб олинди.

Бу жараёнда касабақўмларнинг фидойилиги, тинимсиз изланиши ва ҳуқуқий билимдонлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугун касаба уюшмалари, жумладан, уларнинг сафида елкадош бўлиб турган фаолларнинг қараши ҳам, иш тутуми ҳам кечаги кундан тамомила фарқланади. Бу эса, ўз навбатида, янгидан-янги марраларни забт этишда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мана, ҳадемай, яна бир йил ортда қолади. Бу муддат барчамиз учун катта тажриба мактаби, изланиш ва фаолиятга янгича ёндашиш даври бўлиб қолишига шубҳам йўқ. Ана шу ўтган вақт мобайнида эришилган натижалар замирида ходимларнинг машаққатли меҳнатлари, аъзоларнинг юксак ишончи ва албатта, кўп йиллик тажрибалар мужассамлашган.

Мен фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, азиз ва қадрли касаба уюшмалари аъзолари ҳамда фаолларини 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан самимий муборакбод этаман!

Ватанимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги, элимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча-барчага заҳматли ва масъулиятли ишларида улкан зафарлар тилайман!

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтиросlар, ғам-ғусса бўлмайди.
Абу Райҳон Беруний



САРҲИСОБ

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИНИ ҲИС ҚИЛИШ ҲАМ – БАХТ!

Фаолиятимиздан келиб чиқиб, шуни фахр билан айтиш мумкинки, бугун юртимизда касаба уюшмалари қадами етиб бормаган хонадон қолмади ҳисоби. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» бўйича касаба уюшмалари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари хонадонма-хонадон юриши ва ўтказилган хатловлар фикримизга яққол мисолдир.



Қайси оила қай аҳволда, кимнинг рўзғорида ками бор, кимдир тадбиркорлик қилгиси келади, аммо маблағи йўқ, қайсидир ёлғиз аёл ногирон фарзандларини якка ўзи парваришламоқда, яна кимлардир йиллар давомида бошпанага муҳтож...

Шунга ўхшаш қатор муаммоларни ўрганиб, аҳолига ёрдам қўлини чўзаётган ташкилотимиздан бугун одамлар рози. Уларнинг розилигини ҳис қилишнинг ўзи ҳам бир бахт.

Айниқса, ишдан ноҳақ бўшатилган ходимнинг ишга тиклангандаги миннатдорчилигини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Иш берувчининг ташаббуси билан, касаба уюшмасининг розилигисиз меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга ташкилотимиз юристлари баҳоли қудрат ёрдам бериб, уларнинг барчаси ишга тиклашишга эришмоқдалар.

Кўпчиликнинг оиласида давлат ишида ишлайдиган ёки касаба уюшмасига аъзо бўлган бирон киши бўлади, албатта. Улар ўз имтиёзларидан фойдаланиб, яқин қариндошларига санаторийларга йўлланмалар олиб беришади. Бу касаба уюшмасига аъзоликнинг афзаллигига биргина мисолдир.

Ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишига кўмаклашиш фаолиятимиздаги асосий мақсад ва вазифалардан бири ҳисобланади.

Айни дамда сафларимизда 2230 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, 400 минг нафарга яқин ходим ижтимоий ҳимояга олинган.

Тизимдаги ҳар бир ишчи-ходим қандай меҳнат шароитида ишлаши, уларнинг турмуш тарзи жойлардаги бошланғич ташкилотлар раислари ва аъзоларига яхши аён. Улар ҳамкасбларини биринчи галда меҳнат қонунчилиги ва амалдаги қонунлар билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилишмоқда. Бугун касаба уюшмалари саъй-ҳаракатлари ва тушунтиришлари туфайли ҳар бир ходим жамоа шартномасида бандма-банд белгилаб қўйилган ўзига тегишли ҳақ-ҳуқуқлардан, қолаверса, меҳнат қонунчилигидан яхши хабардор.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунда, шунингдек, жамоа шартномаларига киритилган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчаларда ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларига катта эътибор берилган. Буларнинг барчаси қонун ижодкорлиги жараёнида касаба уюшмаси вакилларининг фаол иштирокидан далолатдир.

Шу ўринда вилоятда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Шу кунга қадар 323 та корхона ва ташкилотда пенсия ёшидаги 527 нафар ходимга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун, шунингдек, 460 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан моддий ёрдамлар кўрсатилди.



Ҳасанбой ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси

Меҳнат фахрийларига доимо эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиш ва байрамларда йўқлаш доимий анъанага айланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшмалари вакиллари 1205 нафар ишламайдиган пенсионернинг хонадонларига бориб, улардан хабар олишди ва моддий ёрдам кўрсатишди.

Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 324 нафар ёш онага корхона ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан моддий кўмак берилди.

Тизимда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бир қатор бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг фаолияти ўрганилиб, уларга керакли тавсия ва амалий ёрдамлар берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мавжуд қоида ва меъёрларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланганда, камчиликлар юзасидан иш берувчиларга ёзма тақдимномалар киритилди.

Ҳеч ким ишга ёмон ниятда бормайди, аммо биргина қилинган хато ёки кийилмаган махсус ҳимоя кийими сабаб ишчи ўз ҳаётини хавф остига қўяди. Бундай ҳолатлар кузатилмаслиги учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари ва жойлардаги меҳнат муҳофазасига дахлдор вакиллар доим сергак бўлишлари зарур.

Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, билим ва малакаларини ошириш мақсадида вакилларимиз томонидан ташкилот, корхона ва муассасаларда ўқув-семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ишчи-ходимларнинг билим даражаси, саломатлиги, қолаверса, жамият ва ўз ҳаётидан рози оилаларнинг кўпайишига ижобий таъсир қилади, албатта.

Аслида ҳам, касаба уюшмаларининг мақсади унга ишонганларнинг розилигини олишдир!



Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.
Алишер Навоий

ТАҲЛИЛ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 76 йилдан ошган бўлса-да, меҳнат соҳасида нотенглик барҳам топганича йўқ. Дунё бўйича саккиз юз миллионга яқин одам ишсизликдан азият чекса, яна миллионлаб инсонлар номуносиб меҳнат шароитларида ишлашмоқда. Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш, хавфсиз ва кафолатланган иш ўринлари яратиш борасида истиқболли режалар белгилаб олинган. Барқарор ривожланиш даврида инсонлар бандлигини таъминлаш концептуал вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, эркак ва аёлнинг меҳнат жабҳасида тенглигини таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифа жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари томонидан уддалаб келинмоқда.



Суҳроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси

ЭШИГИМИЗ БАРЧА УЧУН ОЧИҚ

Самарқанд вилоятида ҳам ижтимоий шериклик тамойилларига асосланиб қабул қилинган Минтақавий келишувнинг асосий шартлари инсон капиталини ривожлантириш ва муносиб меҳнат шароитлари яратишга қаратилган. Вилоятда касаба уюшмалари сафида бўлган салкам 600 минг нафарга яқин ишчи-ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш билан бир қаторда, нодавлат сектор корхоналарида ишловчилар билан ҳам чамбарчас алоқалар ўрнатилмоқда. Иқтисодиётдаги туб бурилишлар, тадбиркорлик субъектлари ривожи, хориж сармояси асосидаги корхоналарнинг кўпайиши минглаб иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда.

Хўш, бевосита инсон ресурслари жалб этилган корхоналарда ходимларга яратилган шарт-шароитлар қандай? Ишчилар қонунларда белгиланган афзалликлардан фойдалана олишяптими?.. Шу каби масалаларга биз доим жиддий эътибор бериб келмоқдамиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, беш мингга яқин ишлаб чиқариш жабҳаларида меҳнат шароитлари билан танишдик. Тушунтириш, аъзоликнинг афзалликларини асослаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз натижасиз кетмади. Иш берувчи, ходимлар билан мулоқотимиз асносида вилоятдаги 2112 та ҳуқуқий мақомга эга корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилишига эришилди. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган 40192 нафар ходим касаба уюшмаларига бирлашишди.

Самарқандда меҳмон бўлган Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакилларини эндигина касаба уюшмалари сафига кирган «SAG» гиламлари қўшма корхонасига бошлаб бордик. Корхонадаги бошланғич касаба уюшмасининг фаолияти меҳмонларга манзур бўлди. Эътиборли жиҳати, 1300 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ҳамма ишлар жойида. Ташкилот ходимлари эътиборига ҳавола этишга тайёрланаётган жамоа шартномасида кўзда тутилаётган афзалликларни унча-мунча ташкилот ҳали ўйлаб кўрмаган.

Корхоналарда ташкил этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларини «Касаба зиё» ўқув марказида ўқитиш, уларга жамоат ташкилотининг мақсад ва вазифаларини чуқурроқ





англатишга ҳаракат қиляпмиз.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти қандай бўлиши керак? Бу саволга катта тажрибага эга бошланғичларда тўла-тўкис жавоб бор. Аммо сафимизга янгидан қабул қилинган ташкилотларда вазият қандай?

Гапнинг очиғини айтганда, етакчига жуда кўп нарса боғлиқ. Яқинда Самарқандда меҳмон бўлган Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакилларини эндигина касаба уюшмалари сафига кирган «SAG» гиламлари қўшма корхонасига бошлаб бордик. Корхонадаги бошланғич касаба уюшмасининг фаолияти меҳмонларга манзур бўлди. Эътиборли жиҳати, 1300 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ҳамма ишлар жойида. Ташкилот ходимлари эътиборига ҳавола этишга тайёрланаётган жамоа шартномасида кўзда тутилаётган афзалликларни унча-мунча ташкилот ҳали ўйлаб кўрмаган. Айтмоқчи бўлганим, корхона маъмурияти ишчиларнинг қадрини улуғлаяпти. Саломга яраша алик деганларидек, ходимлар ҳам гилам тўқишдек нозик ишни ўта масъулият билан адо этишмоқда.

Маълумки, касаба уюшмаларининг эшиги барча учун доимо очиқ. Фуқаролар ўзлари дуч келаётган муаммоларни ҳеч иккиланмай жамоат ташкилоти билан ўртоқлашмоқда. Масалан, ўтган тўққиз ойда бирлашма кенгашига 191 та мурожаат келиб тушган. Турли масалаларда ариза билан мурожаат қилган юртдошларимиздан 52 нафари касаба уюшмалари аъзо эмас. Шундай бўлса-да, ҳеч бир мурожаатни назардан четда қолдирмаяпмиз. Бирон-бир масалани бизга тааллуқли эмас, дея рад этганимиз йўқ. Барча мурожаатлар ижтимоий шериклик асосларида, ҳамкор ташкилотларни жалб этган ҳолда ҳал этилди.

Фаолиятимизда бевосита ўзимизга тегишли бир қанча масала ва вазифалар борки, улар кун тартибидан доимий ўрин эгаллаган. Булардан энг асосийлари, яъни кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларга, аёлларга кўмаклашиш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, туризм йўналишини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кенгаш қошида фаолияти йўлга қўйилган «Касаба зиё» ўқув маркази ҳамда «Касаба Самарқанд» туризм фирмаси нафақат ишчи-ходимлар, балки барча юртдошларимизга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Табиат адолатсизлик қилмайди, адолатсизлик табиатнинг табиатини тушунмасликдан келиб чиқади.
Хуршид Дўстмуҳаммад

ИФТИХОР

БУ ЮРТДА ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ



Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қадр-қимматини улуғлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни йўналишдаги ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ҳам фаол қатнашмоқда. Масалан, эзгу мақсадда воҳадаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бевосита иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномалари тузилгани сабабли ҳозирги кунда 1 та ҳудудий, 30 та тармоқ жамоавий келишуви, бевосита корхона-ташкилотларда 8613 та жамоа шартномаси амалда бўлиб, 292575 нафар ишчи-ходимнинг манфаатлари ҳимояга олинган.

Бахт дилларнинг уйғунлашиб кетишидир.
Чингиз Айтматов



Шартнома тадбирлари бажарилиши учун жорий йилнинг ортда қолган даври мобайнида ҳар бир ходимга ўртача 5 миллион 464 минг сўм сарфланди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, кенгашимиз саъй-ҳаракати билан вилоятдаги барча корхона-ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 149 та тадбир киритилди ва улар 97 фоизга бажарилди. Жумладан, икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаффуслар бериш имтиёзидан 9116 нафар аёл фойдаланди. Мазкур ҳужжатларнинг 99,9 фоизида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш зарурлиги қайд этилган. Бу эса ишдан ноҳақ бўшатиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Табиийки, ҳеч ким давлат эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслиги учун кенгашимиз томонидан ҳудудий меҳнат бозоридаги вазият доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда. Шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятдаги меҳнат ресурслари 1479005 нафарни ташкил этди. Шундан 1104200 нафари – иқтисодий фаол аҳоли. Воҳа иқтисодиётининг расмий секторида 400177 нафар, норасмий секторида 493866 нафар киши фаолият юритмоқда. 129257 нафар фуқаро эса вақтинча хорижда ишламоқда. Демак, айни пайтда 80900 киши ишсиз бўлиб, вилоятда ишсизлик даражаси 9,3 фоизга тўғри келмоқда. Кенгашимиз бу борада ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўрмоқда. Самараси чакки бўлмади, жорий йилнинг дастлабки ярмида 2352 нафар киши банд қилиб қўйилган иш ўринларига жойлаштирилди.

Ташкилотимиз аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган мониторинг ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан, бу йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича 249 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уларда ҳудуддаги 11951 та корхона, муассаса ва ташкилот 79830 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Пировардида 5315 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 9326 нафар фуқаро эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш иш берувчиларнинг қатъий мажбурияти саналади. Инчунин, кенгашимиз томонидан йил бошидан октябрь ойига қадар меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар учун қарийб 9 миллиард 865 миллион сўм ажратилди. Ишчи-ходимларга сут, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари учун 4 миллиард 64 миллион, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш учун салкам 1 миллиард 679 миллион сўм сарфланди. Айни чоғда, тарғибот ишлари ҳам изчил йўлга қўйилди. Шунга қарамай, турли меҳнат жамоаларида ишлаб чиқаришга боғлиқ 9 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шу сабабли келиб тушган мурожаатларга асосан иш берувчилар томонидан етказилган зарар пуллари тўлиқ қоплаб берилди. Судлар хулосаси бўйича эса, 7 нафар мурожаатчи фойдасига 116 миллион 650 минг сўм товон пуллари ундирилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 42-моддасида ҳар ким хавфсиз ва қулай, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз, адолатли иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ, 9 ойда энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилиши юзасидан 447 та корхона-ташкилотда мониторинг ўтказилди. Бу борада камчиликларга йўл қўйган 4 та ташкилот раҳбарига кўрсатма хати киритилиб, нуқсонлар тўлиқ бартараф этилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ва прокуратура органлари ҳамкорлигида МЧЖ шаклидаги «Surxon ipagi» ва «Inter Pro» корхоналари ишчи-хизматчиларига меҳнат ҳақидан қарийб 560 миллион сўмлик муддати ўтган қарздорлик ундириб берилишига ҳисса қўшдик.

Федерация Ижроия қўмитасининг 5 августдаги қарорига биноан, бу йилги пахта мавсумида теримчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, иш ҳақи вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини Миллий мониторинг шаклида ҳамкор ташкилотлар билан бирга олиб бордик. Шу жараёнда Ангор, Қумқўрғон ва Шеробод туманларида тўловлар 10 кунгача кечиктирилгани аниқланиб, 168 кишининг 82,1 миллион сўмлик меҳнат ҳақи ундириб берилди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз сабабли одамларнинг касаба уюшмаларига ишончи ортмоқда. Буни сўнгги тўққиз ойда 2375 та корхона-ташкилотда меҳнат қилаётган ёки таълим олаётган 36840 нафар ходим ва талаба ташкилотимиз сафига қўшилганидан, вилоятда касаба уюшмалари аъзолари сони 375024 нафарга етганидан ҳам билиш мумкин. Улардан шу йилнинг 30 сентябригача кенгашимизга турли шаклда 342 та мурожаат келиб тушди. Шундан 90 фоизи муддатида ўрганиб чиқилиб, 136 таси ижобий ҳал этилди, 126 таси бўйича муаллифларга тушунтиришлар берилди. 10 таси касаба уюшмаларига алоқаси бўлмагани учун бошқа органларга юборилди, 55 таси асоссизлиги туфайли рад этилди.

Меҳнаткашларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яшаш ва иш жойидаги шароитлар талаблар даражасида бўлиши билан боғлиқ масалалар ҳам доимо касаба уюшмалари диққат марказида. Шу боис «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастури доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5129 нафар фуқаро ва 1857 та оилага 3 миллиард 194 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, белгиланган режаларнинг 89,2 фоизи муваффақиятли уддаланди. Ёки айтайлик, янги ўқув йили бошида 976 та тармоқ корхонаси томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2200 нафар фарзандига жами қиймати 255 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар совға қилинди. 1498 та кам таъминланган ёш оилага 689,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 55 нафар талабанинг ҳар бирига 6,8 миллион сўм миқдорида контракт пуллари тўлаб берилди.

Булардан ташқари, тўққиз ой мобайнида вилоят кенгаши ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 1726 нафар, уюшма бюджети ҳисобидан 1515 нафар ишчи-ходимга ҳамда уларнинг яқин қариндошларига санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлашлари учун имтиёзли йўлланмалар тақдим этди. Ёзги таътил даврида эса воҳада яшовчиларнинг 7440 нафар фарзанди вилоятдаги 9 та оромгоҳда мароқли дам олди.

Ташкилотимиз кенг нишонланадиган байрамларимиз муносабати билан кам таъминланган оилалар, бутун умри меҳнатда ўтган ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийлари ҳол-аҳволидан хабар олиб, уларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан манзилли моддий ёрдамлар кўрсатяпти. Ҳарбийлар, ёшлар, пенсионерлар билан учрашувлар, тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштиряпти.

Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидан бириктирилган ходимлар хизмат бурчини ўташ жараёнида ҳалок бўлган 12 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзоларини Ватан ҳимоячилари ҳамда Хотира ва қадрлаш кунлари муносабати билан ҳар сафар йўқлаб, кўнгилларини кўтаришяпти. Бу йил ҳам шу анъанага мувофиқ иш тутиб, уларга 14 миллион сўмлик ёрдам пулларини етказиб беришди. 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига, 214 нафар меҳнат фахрийсига, 33 нафар ўзгалар парваришига муҳтож фуқарога кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар улашилди. Мустақиллик байрами арафасида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 84 нафар кекса киши, Ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган 88 нафар шахс, «Аёллар дафтари» рўйхатида турган 58 нафар хотин-қиз, битта «Мурувват» ва битта «Саховат» уйида яшовчилар, 118 та кўмакка муҳтож оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилиб, барчаси моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.



Абдукарим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Бугун Ўзбекистонда ички ва ташқи туризм жадал ривожланмоқда. Чунончи, касаба уюшмалари тизимида туризмни тараққий эттиришга йўналтирилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури асосида жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали 12553 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари ўзлари яшаётган ҳудудлардаги диққатга сазовор жойларга, кўҳна шаҳарларга саёҳатга олиб борилди. Тармоқ касаба уюшмалари 1933 нафар кишига вилоятдаги театрларга, 4092 кишига музейларга, зиёратгоҳлар ва концерт дастурларига бориши учун қулай имконият яратиб берди.

Хуллас, кейинги пайтларда юртимизда рўй бераётган туб янгиланишлар жараёнида касаба уюшмалари ҳам фаоллик кўрсатаётир. Биз «Инсон қадри учун» тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотларга доимо камарбаста бўлиб, ишчи-ходимлар манфаатини таъминлаш ва уларга ғамхўрлик қилишдек устувор вазифани бажараётганимиздан фахрланамиз.

Давлат дастури доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5129 нафар фуқаро ва 1857 та оилага 3 миллиард 194 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, белгиланган режаларнинг 89,2 фоизи муваффақиятли уддаланди. Ёки айтайлик, янги ўқув йили бошида 976 та тармоқ корхонаси томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2200 нафар фарзандига жами қиймати 255 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар совға қилинди. 1498 та кам таъминланган ёш оилага 689,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 55 нафар талабанинг ҳар бирига 6,8 миллион сўм миқдорида контракт пуллари тўлаб берилди.

12 11 ЭШИТАДИ

АЁЛЛАРГА СУЯНЧ БЎЛАЁТГАН «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

Аёллар оиланинг таянчи ва келажак авлод тарбиячиларидир. Шу боис уларнинг муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доимо диққат марказида бўлиши керак. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 7 мартдаги топшириғига биноан, Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида хотин-қизлар муаммолари бўйича куну тун фаолият юритадиган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» жорий этилди.



Улуғбек ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 1211 «Ишонч телефони»га келган мурожаатлар билан ишлаш бўлими мудири

У аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим воситалардан бири бўлиб, айниқса, уй ва иш ўртасидаги мувозанатни сақлаш, иш жойидаги зўравонлик ва дискриминацияга қарши курашиш каби масалалар бўйича фаол ишламоқда. Олис ҳудудларда яшаётган аёлларнинг ва мустақил қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида дастурлар ишлаб чиқилгани ва улар аёлларнинг бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётгани эса янада қувонарлидир.

«Ишонч телефони»га келиб тушган барча мурожаатлар атрофлича таҳлил қилиниб, уларда қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун http://ayollar1211.kasaba.uz/ электрон ахборот тизими орқали амалдаги қонунчиликка мувофиқ тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади. Шунингдек, уларнинг ижроси доимий назоратда бўлади ва шу асосда тайёрланган таҳлилий ҳисоботлар ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Феруза Юмитова жорий йил 20 июнда йўллаган мурожаатида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун кредит олмоқчи бўлиб, Халқ банкининг тумандаги бўлимига керакли ҳужжатларни топширгани, бироқ муассаса ходимлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, пул бермаётгани ҳақида ёзган эди. «Ишонч телефони» аралашгач, муаммо тез орада ижобий ечим топди ва унга 50 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

1211 рақамли телефон Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 24/7 режимида ишламоқда. Сўнгги йилларда мурожаат қилувчилар кўпайган. Натижада бугунги кунга қадар республикамиз хотин-қизларидан жами 180001 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 63369 таси ижтимоий, 29513 таси уй-жой, 21734 таси ҳуқуқий, 14752 таси бандлик, 11771 таси алимент масалаларига боғлиқ бўлган. Мурожаатларнинг 55,3 фоизи Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятларидан келиб тушган. Таҳлиллар бу ҳудудларда ҳам хотин-қизларни асосан ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар, тураржой олиш, хонадонларни таъмирлаш, ишли бўлиш ва алимент ундириш муаммолари қийнаётганини кўрсатди.

«Ишонч телефони»га йўлланган шикоят-аризаларнинг 179220 тасининг ёки 99,6 фоизининг ижроси таъминланди. Чунончи, 100244 таси ижобий ҳал этилди, 69493 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди, 9483 таси қонуний асосларга кўра рад этилди. Жами мурожаатларнинг 85653 таси (47,5 фоизи) вазирлик, идора ва ташкилотларга юборилди ва 85166 таси (99,4 фоизи)нинг ижроси таъминланишига эришилди.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА КЕЛИБ ТУШГАН БАРЧА МУРОЖААТЛАР АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, УЛАРДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН HTTP://AYOLLAR1211.KASABA.UZ/ ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИГА ЮБОРИЛАДИ. ШУНИНГДЕК, УЛАРНИНГ ИЖРОСИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ ВА ШУ АСОСДА ТАЙЁРЛАНГАН ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТЛАР ҲАР ЧОРАК ЯКУНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

Хотин-қизлар ўз арзномаларида 2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар нафақаси, ёшга доир пенсия, моддий ёрдам тайинлаш, иш билан таъминлаш, ишсизлик нафақаси, меҳнат ҳуқуқи, алимент пулларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, маҳалла ҳамда оиладаги ижтимоий-маънавий муҳит билан боғлиқ масалаларни кўтаришган.

Ҳокимликларга 94348 та (52,4 фоиз) мурожаат ижросини таъминлаш учун юборилган бўлиб, уларнинг 94054 тасининг (99,7 фоиз) ижроси таъминланди.

Мурожатларнинг 50441 таси (53,4 фоиз) тааллуқлилиги бўйича Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятлари ҳокимликларига ўрганиш учун юборилган.

Мазкур мурожаатларнинг асосий қисмини тадбиркорлик, ижтимоий масалалар, уй-жой билан таъминлаш ва таъмирлаш, оилавий муносабатлар, бир марталик моддий ёрдам ажратиш, коммунал хизмат бўйича масалалар ташкил қилади.

Шундай мурожаатлардан бири жорий йил ёзида Андижон вилояти, Жалақудуқ туманида яшовчи Зулфия Қутбоевадан келган. Унда баён этилишича, Зулфия опа собиқ турмуш ўртоғидан 3 нафар фарзандига алимент ололмаган. Ҳозир бу борадаги қарздорлик 35 миллион сўмга етган. Ушбу масала билан туман Мажбурий ижро бюроси ходимлари шуғулланиб, у ўн кун ичида ижобий ҳал этилишини билдиришган. Аммо амалда ҳеч қандай натижа бўлмаган. «Ишонч телефони» аралашгандан кейин қарздорнинг ундирув қаратиладиган мол-мулклари мавжуд эмаслиги аниқланган ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Зулфия Қутбоевага эса Мажбурий ижро бюроси таркибидаги алимент тўловлари жамғармаси ҳисобидан 33 миллион 299 минг 611 сўм алимент қарздорлиги тўлаб берилган.

Юқоридагига ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунда ҳар бир мурожаат жойларда прокуратура идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши устидан қатъий назорат ўрнатилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» аёллар учун чинакам ёрдамчи восита вазифасини ўтамоқда. У орқали мурожаат қилаётган минглаб аёллар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зарур маълумотлар олиш ва муаммоларига ечим топиш борасида ёрдам олмоқдалар. Бундай ташаббуслар жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг эларо мавқеини янада юксалтириш сари ташланган муҳим қадам саналади.



Ishonch

11.11.2024 // № 135-141 (5049)

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ДАХЛДОРЛИК



ҲАР БИР ҲАРАКАТИМИЗ АЪЗОЛАР МАНФААТИГА ҚАРАТИЛГАН

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида тантанали равишда нишонлаб келинмоқда. Ушбу сана, айниқса, меҳнат жамоаларида кўтаринки кайфият билан кутиб олинмоқда. Сабаби аён: сўнгги йилларда касаба уюшмалари том маънода ишчи-ходимлар ҳимоячисига айланди. Бу ҳақиқатни эътироф этиш ва тан олиш жоиз. Қолаверса, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилмоқда. Шунинг баробарида касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни тобора юксалиб, нуфузи ортиб бормоқда.



Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Аввалларида, касаба уюшмаси деганда одамлар асосан санаторийларга йўлланма берадиган ташкилотни тушунишарди. Ҳозирга келиб эса, уларга муносабат тубдан ўзгарди. Бунга тизимдаги кенг кўламли ислоҳотлар шарофати ила эришилди. Қувонарлиси, касаба уюшмалари сафи янада кенгайиб, янги ташкил этилган ташкилотларнинг ўзлари уларнинг сафига қўшилишга интилмоқда. Бу, албатта, касаба уюшмалари ишчи-ходимларнинг ҳақиқий суянчиғига айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Табиийки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ҳам ишчи-ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси йўлида самарали фаолият юритмоқда. Айни пайтда унинг тасарруфида 4 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, турли ташкилот-корхоналарда меҳнат қилаётган 600 минг нафарга яқин ходимни ўз сафига бирлаштирган.

Касаба уюшма аъзоларини рози қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, шикоят ва аризаларини қонун доирасида ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Кенгаш томонидан бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган давр мобайнида унга корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимлардан 289 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганилиб, қонуний ҳал этилди. Пировардида 551 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Ходимлар манфаатларини кўзлаб иш берувчиларга қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 26 та тақдимнома юборилди. Шундан 22 таси қаноатлантирилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга эса 68 та даъво аризаси киритилди.

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида ходимларга 2 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги мажбурий прогул кунлари учун ёки ўз муддатида тўланмаган иш ҳақлари ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар, соғлиғига етказилган зарар учун тўловлар ундириб берилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли қўшни давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ҳар қачонгидан мустаҳкамланиб бормоқда. Шунинг самараси ўлароқ, бултур тожикистонлик ва қирғизистонлик бир гуруҳ ўғил-қизлар Ўзбекистон касаба уюшмалари ташаббуси билан Фарғона вилоятидаги сўлим оромгоҳларда дам олишган эди. Бу йил эса, Халқлар дўстлиги куни арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан қирғизистонлик бир неча нуроний юртимизга таклиф этилди. Улар вилоятнинг сўлим гўшасида жойлашган сиҳатгоҳда бўлиб, саломатликларини тикладилар. Буларнинг барчаси қўшни давлатлар билан алоқалар янги босқичга кўтарилаётганини англатади.

МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ХОДИМЛАРГА 2 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МИҚДОРДАГИ МАЖБУРИЙ ПРОГУЛ КУНЛАРИ УЧУН ЁКИ ЎЗ МУДДАТИДА ТЎЛАНМАГАН ИШ ҲАҚЛАРИ ҲАМДА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВЛАР, СОҒЛИҒИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ТЎЛОВЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ.

Касаба уюшмалари камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги амалий ишларга ҳам муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Юртбошимизнинг Фарғона вилоятини «Хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш» таклифидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳарда меҳнат қиламан, оиламга даромад олиб кираман, деган аёллар билан иш берувчилар учрашувлари уюштирилмоқда. Уларга маҳаллаларда ишсиз юрган, ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар таклиф этилмоқда. Шу тариқа опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланмоқда.



Яна бир гап. Давлатимиз раҳбарининг «Аёллар дафтари»ни ташкил этиш ғояси юксак самара бериб, қанчадан-қанча кўнгилларга малҳам бўлди. Қисқа фурсатда ишсиз, уй-жойсиз, касбсиз юрган, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аёллар рўйхатга олиниб, уларга ўзларини ҳар томонлама тиклаб олишлари учун амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бу хайрли ташаббус Фарғона вилоятида «Аёллар дафтари»га киритилган 100 мингдан зиёд хотин-қизларнинг корига яраб, уларнинг мушкулини осонлаштирди.

Умуман олганда, касаба уюшмалари ҳар жабҳада ўзининг нималарга қодирлигини намоён этмоқда. Бас, шундай экан, келгусида ҳам ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, катта марраларни кўзлаган Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш касаба уюшмаларининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолаверади.

Биз ўзбекларда истиҳола кучли. Ўзни намоён қилишдан тортинамиз... Энди ўша истиҳолани йиғиштириб, халқ билан мулоқотнинг ҳамма шаклларидан фойдаланишимиз лозим. Бу замон олдидаги, Ватан олдидаги бурчимиздир.

Эркин Воҳидов

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ҲИМОЯЛАНГАН ХОДИМ – ҲИМОЯЛАНГАН ИСТИҚБОЛ

Гулсара ҚУРБОНБОЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати аҳолининг турмуш даражаси, ҳаёт сифати ошишига хизмат қилмоқда. Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида талқин қилиниши ҳар бир фуқаронинг фаровон турмуш кечириш ҳуқуқини кафолатлади. Натижада барча юртдошларимизда ўз ҳаётини ўзгартиришга иштиёқ ошди. Айниқса, эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларининг фарзандлари келажагидан кўнгли тўқ.

Камбағалликни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар самараларига барчамиз гувоҳмиз. Ижтимоий реестрда турувчи оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилаётгани, кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилгани, олий ўқув юртларида таҳсил олаётганларга шартнома пулини тўлашда ёрдам кўрсатилаётгани, касб-ҳунар ўргатилаётгани, бандликни таъминлаш чоралари кўрилаётгани натижасида камбағал оилалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Айниқса, уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасида кўрилаётган тадбирлар қанчадан-қанча юртдошларимизнинг узоқ йиллик орзуларини ушалтирди.

Албатта, бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ташкилотимиз томонидан уйма-уй юриб олиб борилган мулоқотлар, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида кўрилган чоралар, меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш йўналишида қилинаётган тадбирлар ва бошқа амалий ишлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш янги босқичга чиқди. Сентябрь ойида муҳтарам Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг энг муҳим масаласи бўлиб қолиши белгиланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари давлатимиз раҳбарининг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, республика нуронийлари билан бирга Ўзбекистон халқига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда қайд этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг жадал суръатларда кўпаяётгани қанчалар қувонарли бўлса, навқирон авлодни ўқитиш, фарзандларни билимли, ҳаётга тайёр қилиб вояга етказишдек улкан вазифалар ҳам олдимизда кўндаланг турибдики, миллатнинг эртасини ўйлайдиган халқ бу масалаларни чуқур мулоҳаза, ўзаро елкадошлик ва ҳамжиҳатлик билангина ҳал қила олишини барчамиз теран англайдиган вақт келди.

Мурожаатда қатор вазифалар ҳам белгиланди.

Аҳолининг муносиб турмуш кечиришида муносиб иш ўринлари яратилиши ва меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан илгари сурилган Муносиб меҳнат Концепцияси тўртта муҳим стратегик мақсадларга, яъни меҳнат соҳасидаги асос солувчи ҳуқуқларни амалга ошириш, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш мақсадларига асосланади.

Касаба уюшмалари томонидан иш берувчилар билан ҳамкорликда барча ишловчилар муносиб шароитларда ишлашлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада кўрилаётган чоралардан бири иш ҳақининг белгиланган меъёрлардан кам бўлмаслиги мунтазам назорат қилиб борилаётганидир. 2023-2025 йиллар учун Ҳудудий жамоа келишувида келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга оид чоралар кўриш масаласи киритилган.

2024 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 112 та корхонада 10061 нафар ходимга тўланаётган иш ҳақининг малака даражасига мувофиқлиги бўйича мониторинглар ўтказилди. Асосийси, ўрганиш давомида иш ҳақи номувофиқ тўланганлик ҳолати аниқланмади.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда иш ўринлари гендер экспертизадан ўтказилиши кенг йўлга қўйилди. Касаба уюшма аъзоларининг муносиб шароитларда ишлаши, дам олиши, саломатлиги муҳофаза қилиниши кафолатланмоқда. Булар эса ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидир. Киши муқим иш ўрнига эга бўлса, олган ойлиги рўзғорини тебратишга, фаол дам олишига, саёҳатга чиқишига ва бошқа эҳтиёжларига етарли бўлса, унга камбағаллик ҳеч қачон раҳна сололмайди. Аксинча, у маошдан бу маошгача зўрға кун кечирадиган, топгани озиқ-овқатдан ортмайдиган кишилар учун фаровонлик орзулигича қолаверади.

Бизнинг мақсадимиз ҳар бир аъзонинг меҳнатидан, иш жойидан розилигини таъминлашдир. Бунда эса жамоа шартномаларига киритилган шартларнинг тўла бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. 2022 йилда Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ 4 миллион 200 минг сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич, яъни бир ходимга сарфланган маблағ 5 миллион 206 минг 400 сўмни ташкил этди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланиши бўйича мониторингларни мунтазам йўлга қўйганимиз туфайли бу йилдан уларнинг барчасида иш ҳақи ўз вақтида тўланишига эришилмоқда.

Давлат дастурлари доирасида касаба аъзоларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами алоҳида қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, ишловчи аёллар бир қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда. 2024 йилнинг ўтган даврида корхона ва ташкилотларда ишлаб икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 320 нафар ёш онага Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 106 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 222 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. 54 нафар ёш ходимга уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 317 миллион сўмдан зиёд фоизсиз ссудалар ажратилди. 1950 та кам таъминланган оилалар вакилларига 763 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 2753 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига 728 миллион сўмликдан зиёд ўқув қуроллари олиб берилди.

Албатта, ногиронлиги бўлган, узоқ йиллик фаолияти билан корхона ва ташкилот равнақига ҳисса қўшиб, кексалик гаштини сураётган инсонлар ҳам эътиборимизда. Йилнинг ўтган даврида 1300 нафардан зиёд ишламайдиган пенсионерга 322 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 400 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиниб, байрамлар арафасида 106 миллион сўмдан зиёд моддий кўмак берилди. Бундан ташқари, 468 нафар пенсия ёшига етган ходим 364 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Юбилей саналари муносабати билан 420 дан зиёд ходим 322 миллион сўм миқдоридаги қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бу рақамлар касаба уюшмалари ва иш берувчи ўртасида ижтимоий шериклик самарали йўлга қўйилгани натижасидир. Кези келганда бу борадаги илғор тажрибалар рағбатлантирилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу йил «Энг яхши ижтимоий шерик» танловининг Хоразм вилояти босқичида 1-ўрин Гурлан туман тиббиёт бирлашмасига, 2-ўрин Хонқа тумани 2-касб ҳунар мактабига, 3-ўрин эса «Хива силк фабрик» масъулияти чекланган жамиятига насиб этди. Бу каби танловларнинг ўтказилиши жамоа шартномалари шартлари тўлиқ бажарилиши ва пировардида ходимлар манфаатдорлиги ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Касаба уюшма аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга ҳамда ҳудуддаги диққатга сазовор масканларга саёҳатлари мунтазам уюштирилмоқда. Ўз саломатликларини санаторийларда имтиёзли равишда мустаҳкамлашлари учун имкониятлар кенгаймоқда. Минглаб касаба уюшма аъзоларининг фарзандлари ёзги таътилни оромгоҳларда мароқли ўтказадилар.

Шу билан бирга, болалар меҳнатининг оғир кўринишларига барҳам бериш борасида олиб борилаётган тадбирларни ҳам назорат қилиб боряпмиз. Жорий йилнинг 12 июнь куни Хонқа туманида жойлашган «Жайҳун қуёши» болалар оромгоҳида «Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятимизни бажарайлик!» шиори остида тадбир ўтказилди. Унда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, оромгоҳда дам олаётган болаларга совға-саломлар улашилди.

Гап болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳақида борар экан, пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан мониторинглар мунтазам йўлга қўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Муносиб меҳнат куни муносабати билан ўтказилган «Ижтимоий шериклик – муносиб меҳнат гаровидир!» мавзусидаги семинарда вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари билан биргаликда ходимларга муносиб иш шароитлари яратиш, меҳнатларини рағбатлантириш масаласи яна бир бор муҳокама қилинди.

Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Ҳали олдимизда турган айрим муаммоли масалалар ҳам мавжуд. Уларни ечишдаги мақсадларимиздан бири - норасмий ишчилар, меҳнат мигрантлари, кунлик ишчилар, уй ишчилари, фрилансерлар, касаначилар, масофадан туриб ишловчи ходимлар ва тоифаларга кирувчи бошқа ишчиларни меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизими билан қамраб олиш, уларга муносиб меҳнат ҳақи тўланишига, дам олиш шароитлари яратилишига, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларига эга бўлишларига эришишдир. Шу мақсадда биз барча ишловчиларни касаба уюшма аъзолигига жалб қилиш чораларини кўряпмиз. 2024 йилнинг 9 ойи давомида 891 та корхона, ташкилот ва муассасада бошланғич касаба уюшмаси тузилиб, 18270 нафар ходим аъзо қилинди.

Мақсадимиз барча ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдир. Зеро, ҳар бир инчи-ходим ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалансагина, жамият ривожига, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга қодир бўлади.

... Вақтни «эсиз», «қанийди», «кошкийди»лар билан ўтказган кишининг умри – энг қисқа умр.

Нажмиддин Кубро



ИФОДА

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



Бахтиёр ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси

Ёшлик – умр баҳори. Бу даврда орзу-мақсадлар ҳам беғубор бўлади. Уларнинг бардавомлиги эса яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар билан уйғун бўлса, мамлакат тараққиёти йўлида камарбаста бўладиган авлод шаклланади.

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат муҳитини йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда нодавлат ташкилотларда ҳам кўпгина ёшлар меҳнат қилишади ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини инобатга олиб, юридик шахс мақомидаги ишлаб чиқариш субъектларини касаба уюшмаларига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятдаги тармоқ касаба уюшмалари томонидан 17633 нафар ходим ишлайдиган 2019 та юридик шахс мақомидаги ташкилотлар касаба уюшмасига жалб этилди.

Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг 7 октябрида Кенгаш ижроия қўмитасининг «Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш орқали нодавлат сектори тизимидаги хўжалик субъектларини касаба уюшмасига жалб этиш ишларини янада жонлантириш ҳамда уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан, нодавлат сектордаги ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш бўйича вилоят Кенгаши мутасаддилари, Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва бирлашган қўмиталари раислари ва ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ва туман кенгашларидаги масъул ходимларнинг малакасини ошириш ва уларнинг иштирокини кучайтириш чоралари белгиланди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан бир қатор хайрли тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, «15 февраль – саратон касаллигига чалинган болалар куни» муносабати билан жорий йилнинг 15 февраль санасида «Болаларга умид бағишлаб» шиори остида «Мен донорман» акцияси ўтказилди. Ушбу хайрия тадбирида вилоят Кенгаши ходимлари, касаба уюшмаси фаоллари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари аъзолари ҳамда кўнгилли ёшлар фаол иштирок этишди.

Ёшларнинг орзу-умидлари, уларнинг қизиқишлари, келажакдаги мақсад ва интилишларини рағбатлантириб бориш, улар орасида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш борасида ҳам қатор тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Жумладан, вилоятдаги ташкилот ва корхоналардаги ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда уларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри, очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида жойларда «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ўтказилмоқда. Шунингдек, воҳадаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касаба уюшмалари стипендияси» таъсис этилган. Бу йил Шаҳрисабз давлат педагогика институти талабаси Шаҳноза Қаҳрамонова ушбу стипендияга лойиқ кўрилиб, жорий йилнинг январь ойидан унга белгиланган миқдорда стипендия тўлаб келинмоқда. Ижтимоий муҳофазага муҳтож аъзоларга, хусусан, ёшларга ҳам санаторий-



ларга бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ёш ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ташкил этилди. Шунингдек, ёш ходимларда миллий қадриятлар ва тарихга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.

Вилоятдаги ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар учун Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят бирлашган қўмитаси билан ҳамкорликда Косон туманидаги «Бахт текс» МЧЖ, Қарши туманидаги «ЛТ текс» МЧЖ ва бошқа турдош корхоналарга саноат экскурсиялари амалга оширилди. Ушбу тадбирларда 120 нафарга яқин ёш ишчи-ходим иштирок этди.

Ёш тадбиркорлар фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида эса «Муваффақиятли ёш тадбиркор» мавзусида семинар, «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари ўтказилди.

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти бирлашган қўмитаси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида «Истеъдодли ёш санъаткорлар» мавзусида мусиқий тадбир ташкил этилди. Шунингдек, ишчи-ходимларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида стол тенниси, шахмат, шашка, волейбол ва мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларда ёш ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ўтказилди. «Муборакнефтьгаз», «Сувтаъминот» каби корхоналарда «Китоб мутолаа қиламиз» мавзусидаги китобхонлик форумлари юқори савияда ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиздаги масаладир. Иш берувчилар маблағи ҳисобидан 240 нафар фаол ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларга 72 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш мақсадида вилоятдаги касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танлови ташкил этилди.

Вилоятдаги мавжуд олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида ёшларда ватанпарварлик, юртга садоқат ва мардлик туйғуларини янада шакллантириш учун қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига ишчи-ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилиб, уларнинг бажарилиши бўйича назорат ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 75 нафар ёш онага 42,3 миллион сўмлик моддий ёрдам, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 25 нафар (кам таъминланган) ходимнинг фарзандларига 211,8 миллион сўм шартнома пули иш берувчилар томонидан тўлаб берилди. 16 нафар ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 117 миллион сўм, 12 нафар ёш ходимга (бир ойлик) ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 88,2 миллион сўмлик фоизсиз ссуда ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 662 нафар фарзандига ўқув қуроллари харид қилиш учун 96,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Биз юқорида нодавлат сектордаги корхона-ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш борасидаги ишлар, шунингдек, мамлакатимиз тараққиёти ва эртанги кунига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар ҳаётига бефарқ эмаслигимиз, бу борада кенг кўламли ишлар тизимли равишда амалга ошириб келинаётгани ҳақида тўхталдик.

Зеро, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг интеллектуал салоҳияти ёшларимиз қўлида. Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.



Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал!
Абдулла Орипов

ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ИСТИҚБОЛЛИ

Мамлакатимиздаги стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик кон – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акционерлик жамияти ташкил этилганига 75 йил тўлди. Айни пайтда унинг улуғ ёшини нафақат комбинат, балки бутун Олмалиқ аҳли ҳам кенг нишонламоқда. Айниқса, бу қутлуғ сана муносабати билан Давлат раҳбарининг йўллаган табриги, шунингдек, бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони яна бир юксак эътибор намунаси бўлди.



Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри анчайин кўҳна тарихга эга. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг тарихи қадимдан маъданларга бой ҳудудларнинг мавжудлиги ва у ердаги топилмалар билан узвий боғлиқ.

Манбаларга кўра, бугунги Олмалиқ ҳудудида II-XII асрларда пойтахти Тункент ва Тўққент номлари билан машҳур бўлган кўҳна Илоқ давлати жойлашган. Илоқ давлати бутун Ўрта Шарқда олтин ва кумуш қазиб олиниши билан ном чиқарган ҳунармандчилик марказларидан саналган. Қўқаротоғ тизмаларида жойлашган Олмалиқдан кўплаб қадимий ҳунармандчилик ашёлари ва оловли печларнинг топилгани бу ерларда маъданчилик, темирчилик, мисгарчилик ривожланганини тасдиқлайди.

Юртимизда фойдали қазилмаларни тизимли равишда излаш ишлари бундан юз йил олдин, яъни 1924 йилда бошланган бўлиб, бу борада Олмалиқ кон ҳудудлари асосий тадқиқот объектига айланган эди. 1927 йилдан бошлаб, Олмалиқ кон ҳудудида қидирув ишлари олиб борилди. Натижада «Қалмоққир» ва «Сариқ чўққи» мис молибден рудаларининг ноёб конлари, шунингдек, қўрғошин-рух кони – Қўрғошин кон топилди. Муваффақиятли тадқиқотлардан сўнг, 1931 йилда бу ерда кон-металлургия комбинатини қуриш тўғрисида якуний қарор қабул қилинди. Иккинчи Жаҳон уруши кўплаб истиқболли лойиҳалар қатори, комбинат қурилишига ҳам тўсқинлик қилди. Комбинат қурилиши урушдан кейин – 1946 йилларда яна қайта кун тартибига қўйилди. 1948 йилнинг 16 июнида эса, Пленум кенгаши (собиқ СССР вазирлар кенгаши) нинг «Олтин топган» қўрғошин-рух комбинатини қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. 1949 йилда «Олтин топган» кон-металлургия комбинати қурилиши бошланди.

1967 йилнинг 5 июлида «Олтин топган» қўрғошин-рух комбинати «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» деб номланди. Бу вақтга келиб, комбинатда кондан руда қазиб олишдан то қимматбаҳо металлар тайёрлаш жараёнигача бўлган тизим шаклланганди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ комбинатда янги лойиҳалар ишга туширилди. Жумладан, 1991 йили комбинатда олтин ва кумушни аффинажлаш цехининг қурилиши якунланди. 1991 йил 24 декабрь куни биринчи кумуш қуймаси, 26 декабрь куни эса, биринчи олтин қуймаси олинди. 1992 йилдан комбинатда олий пробали олтин ва кумуш ишлаб чиқарила бошланди. Тозаланган олтин ва кумуш ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши қисқа муддатларда хорижлик экспертлар эътирофини қозонди. Жумладан, Лондон қимматбаҳо металлар биржаси комбинатда ишлаб чиқилган кумуш ёмбиларга 1996 йилнинг октябрь ойида ҳамда олтин ёмбиларга 1997 йилнинг 27 октябрида «Good Delivery», яъни «Яхши етказиб берувчи» мақомини берди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати – мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда етакчи саналиб, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик корхона сафига киради.

ОКМК таркибига бугун 6 та кончилик корхонаси, 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари, марказий таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, саноат темирйўл транспорт бошқармаси, автомобиль ва технологик транспорт бошқармалари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси, шунингдек, 20 дан ортиқ ёрдамчи цехлар ва лабораториялар киради.

Бугун комбинатда 35 мингдан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. Йилига 148 минг тоннадан ортиқ мис катоди, 90 минг тонна рух металли, шунингдек, олтин, кумуш, молибден, вольфрам, рений, селен, теллур ва кадмий каби ноёб металлар ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги пайтда 2030 йилгача комбинатни ривожлантириш концепцияси доирасида «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш ва 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Фабрика фойдаланишга топширилганидан сўнг, 3 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Жорий йилнинг 15 октябрь куни давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи давомида ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишига ҳам старт берилди. Бу лойиҳа орқали йилига 146 минг тонна катодли мис ва бошқа қимматбаҳо металларни олиш қувватлари яратилади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида яна 3 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади. Янги фабриканинг ишлаб чиқариш жараёнида юқори технологик, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланилади.

Мазкур лойиҳалар Ўзбекистон тарихидаги энг йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилиши натижасида комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга оширилиши кўзда тутилган.

Қайд этиш жоиз, мана етти йилдирки, давлатимиз раҳбарининг ушбу комбинатга бўлган юксак эътибори туфайли, кончиликда улкан ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ҳар ташрифлари давомида комбинат ривожи ҳамда ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш асносида, юксак марралар сари дадил қадамлар ташланмоқда.

Шу йил 1 ноябрь куни комбинатнинг 75 йиллиги кенг нишонланди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти жамоасига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 75 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра, «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Шуҳрат» медали билан жами 22 нафар соҳа фидойиси тантанали тақдирланди.



Абдурашид ҲАЙДАРОВ,
«Олмалиқ КМК» АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

Айниқса, Юртбошимизнинг **«Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун комбинат ишчи ва хизматчиларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ишларимиз албатта янги босқичга кўтарилади. Глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган Янги Ўзбекистон давлатини барпо этишда Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби етакчи саноат корхоналарининг беқиёс ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашда сизларга янгидан-янги зафарлар тилайман»** деган сўзлари ҳар бир ишчи-ходим қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Самимий ва қалбдан чиққан каломлар уларни янада жўшиб, кўтаринки кайфият ва куч-қувват билан самарали меҳнат қилишга ундаши шубҳасиз.











Табиат ҳамма нарсани билади, қаерга қарама, ундан ўрганиш учун асос топилади.
Леонардо да Винчи

ТАШАББУС



СИРДАРЁ
ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНМОҚДА

БУНГА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Сирдарёда камбағалликни қисқартиришга янгича ёндашилмоқда. Энди ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб, камбағалликдан чиқариш учун монелик қилаётган омиллар бартараф этилади, сўнг даромадли қилиш чоралари кўрилади. Ўрганишлар натижасида маълум бўлмоқдаки, Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликка тушиш сабаблари ҳар хил экан, ечими ҳам алоҳида-алоҳида бўлаётир.



Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби

Ҳаммамизга маълумки, давлатимиз раҳбари Сирдарёни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Бунинг учун ўнлаб янги корхоналар барпо этилмоқда, йирик инвестициялар киритиляпти, тадбиркорликка кенг йўл очиляпти. Айниқса, «Сайхунобод тажрибаси»нинг йўлга қўйилиши одамларни бор имкониятлардан тўла фойдаланиб, даромад олишга, турмуш шароитларини яхшилашга, фарзандлари келажаги учун сармоя топишга ўргатди. Бундай эзгу ишларни амалга оширишда касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Соҳада ишлаётган ходимларнинг салоҳиятини ошириш, тизимга етук, билимли, етарли тажриба ва малакага эга бўлган, ташаббускор кадрларни жалб этишга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Касаба уюшмасига жалб этилмаган корхоналардаги жамоат назоратини янада фаоллаштириш бўйича жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар суръатини холисона ўрганиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида барча тармоқлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда янги касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларни касаба уюшмаси хизматига олиш масаласи – энг устувор йўналишлардан бири. Шу йилнинг октябрь ойига қадар 727 корхона ва ташкилотда касаба уюшмалари тузилиб, 11234 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди. Касаба уюшмасига аъзо ташкилотларда меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши ҳамда ходимлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича атрофлича ўрганишлар ўтказилди, аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга кўрсатма хатлари киритилди ва камчиликлар жойида бартараф этилишига эришилди.

Фуқароларнинг касаба уюшмалари кенгашига мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмаяпти. Шу йилнинг 9 ойида вилоят кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан 108 та ариза, 2 та шикоят, жами 110 та мурожаат келиб тушган. Шундан 36 таси қаноатлантирилиб, 72 мурожаатчига тушунтиришлар берилди, 2 таси эса иш юритувида. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида 15 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал қилинди. Уларга 268 830 285 (икки юз олтмиш саккиз миллион саккиз юз ўттиз минг икки юз саксон беш) сўм зарар пуллари ундириб берилди.

ВИЛОЯТИМИЗДА ЖАМИ 24455 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» РЎЙХАТИГА ОЛИНГАН. ШУЛАРДАН ИШСИЗ ВА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАРИДАН 11871 НАФАРИ, ЯЪНИ 99 ФОИЗИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ТАДБИРКОРЛИК ИСТАГИДА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖМАНД АЁЛЛАРНИНГ 1710 НАФАРИ, ЯЪНИ 97 ФОИЗИГА АМАЛИЙ ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛДИ. 3249 НАФАР БОҚУВЧИСИ БЎЛМАГАН ЭҲТИЁЖМАНД АЁЛЛАРНИНГ 3050 НАФАРИГА, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН, ТЕЗКОР ТИББИЙ МУОЛАЖАГА МУҲТОЖ 5042 НАФАРИГА ЗАРУРИЙ ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛДИ. 58 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИНГ УЙ-ЖОЙЛАРИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ. УЙГА МУҲТОЖ 10 НАФАР АЁЛ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. 584 НАФАР ОПА-СИНГИЛЛАРГА ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши тизимдаги 1543 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти 177674 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган. Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий шериклик, меҳнатга ҳақ тўлаш, туризм, спортни ривожлантириш соҳаларида ҳам мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, соғломлаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бунинг учун Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 130 миллиард сўм маблағи ҳисобига Сирдарё вилояти аҳолиси ва фарзандлари учун бунёд этилган замонавий «Зомин» оромгоҳи, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган «Янгиер» санаторийсида намунали хизматлар йўлга қўйилган.

Бугунги кунда касаба уюшмалари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, оғирини енгил қилиш, «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Вилоятимизда жами 24455 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»да рўйхатга олинган. Шулардан ишсиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтожларидан 11871 нафари, яъни 99 фоизи иш билан таъминланди. Тадбиркорлик истагида бўлган эҳтиёжманд аёлларнинг 1710 нафари, яъни 97 фоизига амалий ёрдамлар кўрсатилди. 3249 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд аёлларнинг 3050 нафарига, ногиронлиги бўлган, тиббий муолажага муҳтож 5042 нафарига зарурий ёрдамлар кўрсатилди. 58 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Уйга муҳтож 10 нафар аёл уй-жой билан таъминланди. 584 нафар опа-сингилларга ижара тўловлари тўлаб берилди. Томорқадан унумли фойдаланиш истагида бўлган 23 нафар эҳтиёжманд аёлга кўмак берилди. Бу эзгу ишлар ҳамон давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси билан ижтимоий шерикликда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида қатор ишларни амалга оширди.

Вилоятда 2026 йилга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга ошириш кўзда тутилган. 34 минг гектар майдон ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик, чорвачилик мақсадларида фойдаланилади. Яна 16 минг 200 гектар пахта ва ғалла майдонлари очиқ танлов асосида аҳолига узоқ муддатга ижарага берилади. Натижада 35 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Умуман олганда, бугун Сирдарёни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда меҳнаткашларнинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси, қолаверса, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифода этувчи, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиқларини мустаҳкамловчи, ҳуқуқий, маданий-маърифий савиясини оширувчи ва меҳнат қонунчилигидаги кафолатларни таъминловчи асосий ташкилот – касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этади.

Тўғри йўлга ҳидоят қилувчиларга раҳмат ва мақтовлар бўлсин!
Абдурауф Фитрат



ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ФИКР

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришда.

Абу Райҳон Беруний





Исроил РАҲМАТОВ,
Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси кенгаши раиси

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жамиятдаги ўрни сезиларли даражада ошди. Касаба уюшмалари ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва турли соҳалардаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.
Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) касаба уюшмаси ҳам бу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиб, ходимларнинг меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Ҳар бир ходимнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, улар учун соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш асосий мақсадлардан бири. Шу билан бирга, касаба уюшмаси меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этмоқда.
НКМК касаба уюшмаси кенг қамровли тузилмага эга бўлиб, 7 та бирлашган қўмита ва 152 та бўлинмани ўз ичига олади. Ҳозирда 88 мингдан зиёд ходим касаба уюшма аъзоси ҳисобланади. Заводда деярли ҳар бир ходим касаба уюшмасига аъзо бўлишга интилади, чунки шу орқали улар жамоа шартномаларида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиш имконига эга бўлади.
Касаба уюшмаси нафақат ходимлар, балки иш берувчилар учун ҳам муҳим шерик ҳисобланади. Муаммоларни ҳал қилиш ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришда улар биргаликда иш олиб борадилар.

БИЛИМЛИ ХОДИМ – БЕБАҲО САРМОЯ

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Комбинатда меҳнат хавфсизлиги алоҳида назоратда. Кон-металлургия соҳаси хавфли технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлгани учун ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Корхонада янги ва хавфсиз технологиялар жорий этилиб, мавжуд ускуналар доимий модернизация қилинмоқда. Шу билан бирга, меҳнат шароитлари мунтазам таҳлил қилиниб, шикастланишлар ва касбий касалликларнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

Касаба уюшмаси ходимлари бахтсиз ҳодисаларни текшириш, иш жойларини сертификатлаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштиришда иштирок этадилар. Меҳнат муҳофазаси бўйича махсус мутахассислар фаолият юритиб, касаба уюшмаларининг назорат қилиш тизими самарали ишлаб келмоқда.

ЮРИДИК ЁРДАМ ВА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Касаба уюшмаси аъзоларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳар йили мингдан ортиқ аъзо қонунчилик бўйича маслаҳат олади. Қонунбузарликлар аниқланганда, иш берувчиларга уларни бартараф этиш бўйича талаблар юборилади. Ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда Меҳнат низолари комиссияси (МНК) муҳим роль ўйнайди. Комиссиянинг қарорлари асосида жамоа шартномалари ва ички қоидаларга тегишли ўзгартишлар киритилади.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. НКМКда 11,5 минг ёш ишчи меҳнат қилади, уларнинг 1200 нафари аёллар. Ёш ходимларнинг 3100 нафари олий маълумотга эга бўлиб, 358 нафари юқори лавозимларда фаолият юритмоқда. Комбинатда «устоз-шогирд» анъанаси асосида тажрибали мутахассислар ёш кадрларга касбий кўникмаларни ўргатади.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

НКМК гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини таъминлашга катта эътибор қаратади. Комбинатда 6178 нафар аёл ишлайди, улардан 263 нафари раҳбар лавозимларида. «Аёллар Кенгаши» аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу кенгаш аёллар учун иш шароитларини яхшилаш ва раҳбарлик лавозимларига тайинлашда тенгликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

ЁШЛАР – КОМБИНАТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. НКМКда 11,5 минг ёш ишчи меҳнат қилади, уларнинг 1200 нафари аёллар. Ёш ходимларнинг 3100 нафари олий маълумотга эга бўлиб, 358 нафари юқори лавозимларда фаолият юритмоқда. Комбинатда «устоз-шогирд» анъанаси асосида тажрибали мутахассислар ёш кадрларга касбий кўникмаларни ўргатади.

Комбинат ёшлар учун сиртқи таълим имкониятларини яратиб, уларнинг малакасини ошириш ва ривожланишга катта эътибор қаратмоқда. Жорий йилда 3320 нафар ёш ишчи қайта тайёрлов курсларини муваффақиятли тамомлади.

НКМК касаба уюшмаси кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жамоа шартномалари орқали ишчилар учун кафолат ва имтиёзлар яратилиб, уларнинг ижтимоий фаровонлиги таъминланмоқда.

Биз биргаликда меҳнат қилган ҳолда, комбинатнинг муваффақияти ва юксалишига ҳисса қўшамиз. Парвозимиз баланд, мақсадларимиз аниқ!



СИҲАТГОҲЛАР

АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМИЗ КЎП

Халқимизда «Саломатлик – туман бойлик», деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Зеро, инсон учун соғлиғидан ортиқ бойлик бўлмаганидек, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги ҳам соғлом инсонлардир.



Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда халқ саломатлиги ва миллат генофондининг мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу масала, айниқса, инсон қадри устуворлик касб этаётган бугунги даврда янада юқори босқичга чиқди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида «Инсон қадри учун» деган бош ғоя асосида амалга оширилаётган эзгулик, инсонийлик тамойилларини ўзида мужассамлаштирган кенг кўламли чора-тадбирлар халқ манфаатлари устуворлигига эришиш, юртдошларимиз турмуш даражасини ошириш, одамларнинг эртага эмас, бугун ҳам яхши яшашини, фаровон турмуш кечиришини таъминлашга замин яратмоқда.

Ана шундай ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳаси, аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш, унинг сифатини оширишга қаратилган ишларда ҳам юртимиздаги кўплаб вазирлик ва идоралар билан бир қаторда, нуфузли жамоат ташкилоти – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу ташкилот меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни соғломлаштириш борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.



Бугунги кунда Федерация тасарруфидаги ўттиздан ортиқ санаторий юртдошларимизга хизмат кўрсатмоқда. 2023 йилда тизимдаги санаторийларда жами 176 минг 69 нафар ишчи-хизматчи, шундан йўлланма асосида 89 минг 520 нафар, курсовка билан 68 минг 245 нафар, амбулатор шароитда эса 18 минг 304 нафар, шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 149 минг 596 нафар киши соғломлаштирилди. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, йил охиригача ўтган йилга қараганда анча юқори кўрсаткичларга эришилади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида Федерация томонидан янги замонавий санаторийлар қуриш ишлари тизимли давом эттирилмоқда.

Масалан, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида қурилиб, фойдаланишга топширилган «Сангардак» санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси мисолида айтадиган бўлсак, 200 ўринга мўлжалланган 7 қаватли ушбу замонавий санаторий маҳаллий аҳоли ҳамда зиёратчиларнинг бир умрлик орзусини рўёбга чиқарди. Қулай иқлим ва муҳитга эга бўлган бу манзилда саломатликни мустаҳкамлаш, дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Бундан ташқари, жами 600 ўринга эга тўртта – Тошкент вилоятидаги «Назарбек» ва «Сижжак», Сурхондарёдаги «Омонхона» ҳамда Андижондаги «Хонобод» санаторийлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Федерациянинг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» манзилли Дастурига асосан, Хоразм вилоятидаги «Хонқа» санаторийсида катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу эса нафақат ушбу масканда дам олувчилар ҳамда даволанувчилар учун кенг шароитлар яратиб беради, балки Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонларнинг ўз соғлиқларини тиклаши ҳамда Хоразмнинг қадимий тарихий обидаларини зиёрат қилиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Сир эмас, бугунги кунда қайси соҳа ва тармоқ бўлмасин, улар фаолиятига халқаро стандартларни жорий қилмасдан ёхуд халқаро алоқаларни ривожлантирмасдан туриб юқори натижаларга эришиш қийин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2016 йилдан бошлаб Санатор-курортлар бош бошқармаси фаолиятида халқаро ҳамкорлик ишлари кенг йўлга қўйилди. Ходимлар Россия Федерацияси санаторийларида, Грузия ҳамда Озарбайжон давлатларида тажриба-малака ошириб қайтишди.

Шу билан бирга, «Оқтош» санаторийсида «Респератор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва тиббий реабилитацияси бўйича масалалар», «Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини сақлаш ва тиклашда санатор-курорт муассасаларининг ўрни ва аҳамияти», Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида янгидан бунёд этилган замонавий «Севарсой» санаторийсида «Санатор-курорт даволашнинг замонавий жиҳатлари, тиббий реабилитация ва туризм» мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этилди. Бу эса, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Чехия, Польша, Хитой, Корея, Ҳиндистон каби хорижий давлатлар олимлари билан мулоқот қилиш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини берди.





Айни пайтда Хитой, Жанубий Корея ҳамда Чехия давлатларида жойлашган санаторийлар билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Хайкоу шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда Санатор-курортлар бош бошқармаси ходимлари юртимизда санатор-курорт тизими фаолияти тўғрисидаги маъруза билан иштирок этишди.

Албатта, халқаро ҳамкорлик доирасида ўзаро ташрифлар уюштириш ва шу орқали инвестициялар киритиш бўйича ҳам кўплаб таклифлар ўртага ташланмоқда.



Умуман олганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси билан Падуа университети, Россия курортология илмий текшириш институти ва Жанубий-Шарқий Европа давлатлари Форуми ўртасида меморандум имзолангани ўзаро халқаро алоқалар янги босқичга олиб чиқилаётганидан дарак беради.

Қувонарлиси, хорижий давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар томонидан Ўзбекистонда санатор-курорт соҳасида олиб борилаётган ишларга, жумладан, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг жисмоний тиббиёт, реабилитация, бальнеология соҳаларидаги фаолиятига юқори баҳо берилди.

Шу ўринда яна бир янгиликни, яъни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санаторийлари Жаҳон иқлим ва сув билан даволаш федерациясига тўлақонли аъзо бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Бу ҳам халқаро алоқалар тизимли ва самарали йўлга қўйилганининг амалий ифодасидир.

Эришилган ютуқлар ўзимизники, албатта. Галдаги муҳим вазифалардан бири тизимдаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этишдан иборат. Айни шу мақсадда бир қатор долзарб чора-тадбирлар белгилаб олинган. Хусусан, соҳада ишлаётган тиббиёт ходимларининг ички имкониятлар ҳисобига малакаларини мунтазам ошириш, санаторийларда фаолият олиб бораётган хона бекаларининг малакасини ошириш, янги жорий қилинган супервайзер хизматини янада такомиллаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Табиий даволаш омиллари, жумладан, минерал сувларнинг таркибини ўрганиш ишлари изчил давом эттирилиб, янги замонавий соғломлаштириш усуллари амалиётга жорий қилинмоқда. Шунингдек, соҳада илмий-амалий фаолият ҳамда тадқиқотлар ҳажмини кенгайтириш, ёш кадрларни жалб қилиш борасида олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёш мутахассисларни моддий қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли давом эттириш ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Бундан ташқари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий электр тежовчи технологиялардан фойдаланишни янада кенгайтириш, санаторийларнинг молиявий маблағларини самарали ва мақсадли ишлатиш тизимини жорий этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга оид ислоҳотлар халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшади.

Инсон учун биринчи бахт – унинг соғлигидир, иккинчиси гўзаллигидир.
Платон

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

ШИЖОАТ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳри Яккасарой туманида бунёд этилган сув спорти саройи.

КЎНГЛИМИЗДА ДОИМ БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУСИ

Тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурган диёрда ривожланиш, тараққиёт, бунёдкорлик бўлади. Мамлакатимиз том маънода қурилиш майдонига айланганининг боиси ҳам шунда, аслида. Қайси ҳудудга борманг, янгиланиш ва бунёдкорликлардан кўзингиз қувнайди, дилингиз равшан тортади. Беихтиёр кўнглингиздан «Бундай ишлар бардавом бўлаверсин, юртимиз жамоли янада кўркамлашсин», деган ўй ўтади.

Мазкур жараёнларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Капитал қурилиш бошқармасининг ҳам алоҳида ўрни борлиги бизни икки ҳисса қувонтиради. Инчунин, кейинги йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилган санаторийлар, спорт масканлари, болалар оромгоҳлари сўзимиз тасдиғи бўла олади.

Дарвоқе, мамлакат бўйлаб кенг тарғиб қилинаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бўйича ҳам мақташга арзигулик ишларимиз бор. Жумладан, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида 5 ярим гектар майдонда «Ўзбекистон касаба уюшмалари боғи» ташкил этилди. Унда ходимлар хонаси ва бошқа зарур объектлар ҳам бор. Кўчатларни парваришлаш мақсадида боғбон штати очилиб, ходимлар бириктирилди. Ҳозир боғда 5 минг 673 туп кўчат парваришланмоқда.

Бугун спорт мажмуалари қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳеч бир йўналиш мамлакатни спортчалик оламга танитолмайди. Не бахтки, спортда эришаётган ютуқларимиз салмоғи кенг.

Ўтган даврда бир нечта бино ва иншоотларни қуриб битказдик. Яккасарой туманида қад ростлаган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сув спорти саройи шулардан бири. У тўрт йил давомида Испания, Италия, Туркия, Хитой техника ва технологиялари асосида барпо этилди. Бунинг учун Федерация ҳисобидан 93 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Муҳими, бу ерда ҳам профессионал спортчилар, ҳам ҳаваскорлар учун зарур шароитлар яратилган. Узунлиги 50 метрлик бассейн ва 500 ўринли томошагоҳга эга катта залда халқаро миқёсдаги мусобақалар, терма жамоамизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун имкониятлар мавжуд.

Комплексда, шунингдек, ёшлар, меҳнат жамоалари ва фахрийлар саломатликларини мустаҳкамлашлари мумкин. У бир вақтнинг ўзида 100 нафар, бир кунда мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Иккинчи қаватда маъмурият ва мураббийлар хонаси, конференция зали, тренажёр хонаси ҳамда спорт шарҳловчилари учун махсус хоналар жойлашган.

Умумий ер майдони бир (қурилиш майдони – 4383 м.кв. ободонлаштириш – 4617 м.кв.) гектарни ташкил этган сув спорт саройи 4 та сув ҳавзаси ҳамда сув полосидан иборат.

Баландликдан сакраш ҳовузи пастки пол сатҳидан 6,4 метр баландликдаги яхлит пойдевор устида жойлашган. Атрофида 1, 3, 5, 7,5 ва 10 метр баландликка эга 5 та сакраш минораси ва сакраш учун 7 та трамплин бор.

Мавриди келганда, яна бир объект – «Хонқа» санаторийси ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топдим. Зотан, ушбу иншоотнинг қад ростлашида озмунча заҳмат ва машаққат чекмадик.

Қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган санаторийга узоқ (5,7 километр) масофадан махсус қувурлар орқали табиий газ ва электр тармоқлари тортиб келинди. Оқова ва чиқинди сувларни тозаловчи алоҳида иншоот қурилди. Катта кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Қисқаси, бинонинг ўзига хос дизайни бир қарашда диққат-эътиборни тортади. Бунинг учун Федерация томонидан 160 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. 6 та корпусдан иборат иншоотда замонавий холл, маданият саройи ва кутубхона, люкс ва стандарт ётоқхоналар, даволаш мажмуаси, жисмоний имконияти чекланганлар учун қулайликларга эга хоналар, мажлислар зали, 200 ўринли ошхона мавжуд.



Ҳайдар ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи

Санаторий ташхислаш ва даволаш, саломатликни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, юқори сифатли қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, «Кўҳинур» санаторийсида ёпиқ сув ҳавзаси қурилди. Унинг қиймати 14,1 миллиард сўмни ташкил этди. Комплекс ва клуб биноси индивидуал лойиҳаланган бўлиб, келувчиларнинг мароқли дам олишлари учун мўлжалланган. Шунингдек, «Янгиер» санаторийсида ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Ушбу бинога 9,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Айни пайтда яна кўплаб қурилиш ишларини жадал суратларда давом эттиряпмиз. «Бўзатов», «Чортоқ» санаторийлари, Бухоро ҳунармандчилик маркази, «Шарқ» нашриёти биноси ҳамда бошқа иншоотлар шулар жумласидан.

Сўнгсўз ўрнида шуни таъкидламоқчиман, муқаддас китобларда инсон боласи ҳар қандай вазиятда ободлик, бунёдкорликка интилиши кераклиги уқтирилади. Биз ҳам мана шу ўгитларга амал қилган ҳолда, эзгу ишларга ҳисса қўшишда давом этамиз. Зотан, ҳар қандай вазиятда ободлик, бунёдкорлик туйғуси билан яшаймиз.

Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга ошиши мумкин.
Абу Райҳон Беруний



ТИББИЁТ



УЗВИЙЛИК – ФАОЛИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ

Бугун ҳар жабҳада жадал ислоҳотлар кечмоқда. Айниқса, инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Энг муҳими, буни одамлар ўз ҳаётида сезишмоқда. Касбий фаолиятим нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, аввалги тиббиёт билан ҳозиргисининг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Чунончи, яқин ўтмишда соҳа бозор стихиясига ташлаб қўйилгани бор гап. Тиббиёт муассасаларига етарлича маблағ ажратилмади ҳисоб. Бунинг оқибатида коррупция урчиди.

Яхшики, у кунлар ўтмишда қолди. Тиббий муассасаларнинг моддий-техник базаси янгиланди. Улар энг илғор замонавий диагностика ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Касалликларнинг олдини олиш ва профилактика соҳасида мақсадли ва тизимли инфратузилма жорий этилди. Федерация тизимида фаолият юритаётган Даволаш-профилактика маркази ҳам ана шундай ўзгаришлардан четда қолаётгани йўқ.

Касаба уюшмалари тармоғидаги барча дам олиш масканларида бўлганидек, марказимизда ҳам бир вақтнинг ўзида дам олиш, соғлиқни тиклаш ҳамда даволаниш амалга оширилади. Бу фуқаролар учун катта қулайлик дегани, яъни уларнинг вақти тежалади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бизда саломатлик профилактикаси, даволаниш муолажалари ва кўнгилочар тадбирлар узвий боғлиқ равишда амалга оширилади. Бу марказ фаолиятининг ўзига хос услубига айланган десам, муболаға бўлмаса керак.

Сиҳатгоҳда лаборатория, кардиология, неврология, отоларингология, офтальмология, эндокринология, стоматология, гинекология, урология, аллергология хизматлари йўлга қўйилган. 2022-2024 йиллар ичида замон талабларига жавоб берувчи энг замонавий МСКТ, МРТ, УТД, рақамли рентген ускуналари олинди.

Аёлларда кўкрак бези саратони патологиясини дастлабки босқичларида аниқлаб берадиган замонавий рақамли маммография аппаратлари ҳам мавжуд бўлиб, касалликнинг олдини олиш бепул йўлга қўйилган. Оториноларинголог хонаси Германияда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Физиотерапия бўлими Голландиянинг Enraf-Nonius компанияси ишлаб чиқарилган бўйин ва умуртқа поғонасини компьютер ёрдамида даволаш аппарати, ичакларни даволаш, шлаклардан тозалашда фойдаланиладиган энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Кардиология, неврология, офтальмология хонаси қайта таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.



Ирода НАБИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Даволаш-профилактика маркази бош шифокори

Федерациянинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан қўшимча равишда 50 ўринли физиотерапия бўлими фойдаланишга топширилди. Бино шуниси билан аҳамиятлики, у замонавий қулайликларга эга ва сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бунга қўшимча равишда 200 ўринли ошхона ҳам бунёд этилди. Айни вақтда у ерда тайёрланаётган парҳез таомлар дам олувчиларнинг саломатликларини тиклашда муҳим роль ўйнамоқда.

120 кишига мўлжалланган ётоқхонада ҳам қулай шарт-шароит яратилган. Хоналар замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланган. Мижозлар муолажадан бўш вақтларида мўъжазгина кутубхонамизга кириб, жаҳон ва замонавий ўзбек адабиёти асарларини ўқиб, вақтини мазмунли ўтказиши мумкин.


Фаолиятимизни аниқ сонлар билан таҳлил этадиган бўлсак, ўтган уч йилда 25 мингдан ортиқ мижозга амбулатор ва стационар тиббий хизмат кўрсатилди. Бу йилнинг ҳисобидан марказда 7 минг 500 нафардан зиёд аҳоли саломатлигини тиклади. Бундан ташқари, қабулимизга касаба уюшмалари йўлланмаси билан келаётганлар имтиёзли равишда тиббий хизматларимиздан фойдаланишмоқда.

Қаердаки малакали, ўз соҳасининг билимдони, замонавий тилда айтганда, ишининг устаси бўлса, ўша жойга одамлар талпинади. Бу борада бизда ҳам мақтанишга арзигулик етук мутахассислар бор.


Хусусан, марказда 26 нафар олий тоифали шифокор, 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 36 нафар олий тоифали ўрта тиббиёт ходими даволанувчиларга юқори босқичда тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг касб маҳоратини доимий равишда ошириб ва такомиллаштириб бориш ҳамиша диққат марказимизда. Жумладан, шу вақтгача аксарият шифокор-мутахассислар МДҲ давлатларининг етук тиббий муассасаларида ўз тиббий малакаларини ошириб келишди.

Масалан, даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари А.Маматов ва УТТ шифокори О.Аллаярова Россия медицина академияси ҳузуридаги А.Н.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий марказида, шунингдек, Н.Нигманова МДҲ ва Евроосиё давлатлари онкология ва радиология институтида, С.Имамкулиева Санкт-Петербург биорегуляция ва геронтология институтида ўз малакасини ошириб қайтишди.

Умуман, фаолиятимизни мижозлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда олиб боряпмиз. Бир марта даволаниб кетган бемор вақт ўтиб, яна шу ерни танлаётгани сўзимиз исботи. Демак, улар тиббий хизматимиздан рози. Насиб этса, бундан кейин ҳам шу зайлда ишлашда давом этамиз ва уларнинг саломатлиги йўлида бор куч-ғайратимиз, салоҳиятимизни сафарбар қиламиз.



Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.
Фаридиддин Аттор





МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси

Соҳалар, тармоқлар жадал ривожланаётган бир пайтда таълимга, айниқса, олий таълимга эътиборнинг кучайтирилиши айни муддао. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясининг ташкил этилгани замирида ҳам айнан шундай мақсад – кучли, билимли ва соҳага ихтисослашган кадрларга эҳтиёж бор эди.



Сўзимизнинг исботи ўлароқ айтадиган бўлсак, айни вақтда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари ва заводларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар, техника ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишидаги билимли ва малакали кадрларни топиш муаммо. Илдизини суриштириб борсак, саноқли олий таълим даргоҳларидагина бу йўналишдаги кадрлар тайёрланади.

Энди ўзингиз ўйланг, касаба уюшмаларининг энг муҳим йўналишларидан бири ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, шу йўналишда кўмак кўрсатиш экан, корхона ва ташкилотларда айнан шу соҳада билим олган махсус ходимлар бўлмасдан туриб, муҳофазани қандай ташкил этиш мумкин? Ёки бўлмаса, жойларда меҳнат ҳуқуқлари бўйича юристлар етишмайди. Иш ўринлари яратиш ҳақида гапиряпмиз, имкон қадар одамларга иш ўрни яратяпмиз. Энди меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи юристлар сони ҳам ана шу иш ўринларига монанд бўлиши керак эмасми? Ахир ишчи-ходимлар кўпайган жойда, ўзига яраша тушунмовчиликлар, иш берувчи ва ходим ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқиши табиий жараён.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси ана шундай заруратлардан келиб чиқиб ташкил этилган эди ва бугунги кунда даргоҳда жами 1000 нафарга яқин ўғил-қиз юқоридаги каби касбларни эгаллаш учун таҳсил олмоқда.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур Академияда талабалар замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологиялар, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари қўлланилган ҳолда илм олмоқдалар.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, ижтимоий иш, инсон ресурсларини бошқариш, психология, менежмент, меҳнат ҳуқуқи йўналишларида 300 нафардан ортиқ талаба кундузги, 700 нафардан ортиқ талаба эса сиртқи йўналишда таҳсил олмоқда.

Ўқув жараёнларини ташкил этишга 46 нафар профессор-ўқитувчи, яъни 3 нафар профессор, 10 нафар доцент, 2 нафар фалсафа доктори ва 13 нафар катта ўқитувчи жалб этилган. Профессор-ўқитувчилар томонидан барча йўналишлар бўйича ўқув режа ва ишчи ўқув режалар, шу жумладан, барча фан дастурлари ва ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, таълим жараёнининг автоматлаштирилган «Платформа» мажмуаси жорий этилган. Академияда таълим жараёни кредит-модуль тизими асосида йўлга қўйилган бўлиб, талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолаш замонавий педагогик усул ва технологиялар асосида амалга ошириб келинмоқда.

Ўқув юртида талабаларнинг мукаммал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим масканида 33 та ўқув аудиторияси, 3 та маърузалар зали мавжуд. Бундан ташқари, 15 ўринга мўлжалланган 6 та компьютер хонаси, 50 ўринга мўлжалланган электрон кутубхона, спорт зал, мажлислар зали ҳамда 200 ўринли ошхона фаолияти йўлга қўйилган. Барча аудиториялар интеллектуал доскалар билан жиҳозланган ҳамда интернет тармоғига уланган.

328 ўринли талабалар тураржойидаги шароитлар худди замонавий шаҳарлардаги меҳмонхоналарни эслатади. Бу ерда талабалар ўз устида ишлаши ва дарс тайёрлаши учун махсус кутубхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси, шинам ошхона ва спорт турлари билан шуғулланиш учун махсус майдончалар бор. Ёшлар бўш вақтларида маҳалладаги кекса онахон ва оталар, ногиронлиги бор юртдошларимиз ҳолидан хабар олиб туради. Бу борада ҳудуддаги «Алишеробод» маҳалла фуқаролари йиғини билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳайит айёми, миллий байрамларимиз арафасида кексалар ҳолидан хабар олувчи волонтёрлар гуруҳи маҳалла бўйлаб ёрдамга муҳтожлар уйларига бориб, ёлғиз қолганларни йўқлашади.

Бундан ташқари, талабаларимиз орасида илмда, спортда катта ютуқларга эришаётганлари ҳам талайгина. Масалан, Юриспруденция факультетининг 3-босқич талабаси Нозигул Чориева спортнинг универсал жанг тури бўйича шуғулланиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда. У жорий йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида фахрли биринчи ўринни олган бўлса, 203-гуруҳ талабаси Барчиной Суюнова «Келажак илмли қизлар ҳамжамияти» таълим-алмашинув дастурининг муваффақиятли битирувчиси. У турли тўпламларда илмий мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келмоқда. 1-босқич талабаси Саидакмал Мамасолиев, 2-босқич талабаси Маржона Мансурова каби илмий изланиш ва тадқиқотлари билан академиямизда аллақачон танилиб улгурган иқтидорли талабаларимиздан умидимиз катта.

Азим МИРЗАЖОНОВ,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир. Билим туфайли кўкка йўл топилади.
Юсуф Хос Ҳожиб



СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Болалар – келажагимиз! Уларнинг таълим-тарбиясига ўта жиддий, катта масъулият билан ёндашиш нафақат ота-оналар, балки барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга, жамиятга, оилага содиқ фарзанд, мамлакат тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қиладиган фарзан этиб тарбиялаш – бугуннинг энг долзарб масалаларидан бири.

Келажак учун ИНВЕСТИЦИЯ





Хуршид УМАРОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти директорининг биринчи ўринбосари

Келажакни фақат билимли, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ўғил-қизлар билан қуриш мумкин. Буни теран англаган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг таркибидаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ходимлари оромгоҳларда болажонларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларда баркамолликни юксалтириш йўлида барча куч, билим ва имкониятларини ишга солиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларнинг ҳам, дам олувчиларнинг ҳам сони ўтган йилга нисбатан анча ошди. Масалан, ўтган йили 1118 та оромгоҳда 331711 нафар бола дам олган бўлса, жорий йилда 1413 та оромгоҳда 374867 нафар бола соғломлаштирилди. Стационар турдаги 190 та оромгоҳда 162462 нафар ҳамда 1223 та кундузги «Соғломлаштириш майдончалари»да 212405 нафар ўғил-қизнинг мароқли дам олишлари ташкиллаштирилди.

Бу йил ота-оналарга енгиллик яратиш мақсадида оромгоҳларга йўлланмаларни махсус электрон платформа орқали онлайн тарзда ва имтиёзли нархларда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Болалар оромгоҳларда нафақат мусаффо ҳаво, гўзал табиатдан баҳра олишди, балки турли ўқув машғулотлари, фан ва спорт тўгараклари орқали ўз билим ва маҳоратларини ҳам оширишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда, бу йил тизимда болаларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида 12 кунлик намунавий дастур амалиётга жорий қилинди. Оромгоҳларда Янги Ўзбекистон ғояси асосида буюк аждодларимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихи ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тарғиб қилинди.

Мавсум давомида болалар ўртасида «Заковат», «Санъат ва истеъдод», «Ҳарбий ватанпарварлик» каби мавзуларда маънавий-маърифий ва интеллектуал ўйинлар, турли фестиваллар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Бу янги авлод вакилларининг маънан бой, жисмонан бақувват бўлишларида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Барчамизга маълумки, ижтимоий ҳимоя – мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири. Шу маънода, бу йил ҳам меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг жами 11373 нафар фарзанди оромгоҳларда бепул дам олишди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 3000 нафар, Хоразм вилоятидан 1000 нафар болажон Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди. Бу хайрли ишларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ҳомийларнинг маблағлари йўналтирилди.

Маълумки, жорий йил 22 март куни Россиядаги «Crocus City Hall» концерт мажмуасида мудҳиш воқеа, яъни теракт содир этилганди. Ушбу фожиада жабрланган оилаларнинг фарзандларидан 100 нафари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Инсонпарварлик лойиҳаси» акцияси доирасида Бўстонлиқ туманидаги «Анор» оромгоҳида соғломлаштирилди.



Умуман олганда, йилдан-йилга оромгоҳларнинг моддий базаси яхшиланяпти. Болаларнинг мазмунли дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Президентнинг 2024 йил 29 майдаги «Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Оромгоҳларни халқаро стандартлар даражасига кўтариш учун ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бу борада Департаментимиз томонидан халқаро алоқалар ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходимлари ҳамда оромгоҳлар мутасаддилари Россия ва Хитой давлатларида бўлиб, турдош оромгоҳларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айни пайтда илғор тажрибаларни ўзимизда ҳам татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Юртимиз оромгоҳлари турли халқаро танловларда қатнашиб келмоқда. Жумладан, «Анор», «Сокол», «Лочин» оромгоҳлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо тўққиз давлат орасида «Болаларнинг дам олишлари тўғрисида энг яхши видеоролик» халқаро танловида қатнашиб, фахрли ўрин ва номинацияларга эга бўлишди.

Сир эмаски, ёзда мароқли дам олган болажонлар янги ўқув йилини яхши кайфиятда ва кўтаринки руҳда бошлашади. Биз болажонларнинг ёзги таътили мазмунли ўтишига, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлишларига ҳисса қўшаётганимиздан беҳад бахтиёрмиз. Аслини олганда, бу ҳам келажак учун инвестициядир.

*Хусусан, жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларнинг ҳам, дам олувчиларнинг ҳам сони ўтган йилга нисбатан анча ошди. Масалан, ўтган йили **1118 та** оромгоҳда **331711 нафар** бола дам олган бўлса, жорий йилда **1413 та** оромгоҳда **374867 нафар** бола соғломлаштирилди. Стационар турдаги **190 та** оромгоҳда **162462 нафар** ҳамда **1223 та** кундузги «Соғломлаштириш майдончалари»да **212405 нафар** ўғил-қизнинг мароқли дам олишлари ташкиллаштирилди.*

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz



«САЁҲАТ САРИ» МЕҲМОНЛАРГА МАНЗУР



Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги сўлим бир ҳудудда «Саёҳат сари» номли меҳмонхона бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги бу маскан йилига минглаб меҳмонларга хизмат кўрсатади. Ушбу меҳмонхона ўзининг шинамлиги, ҳамёнбоплиги ва жойлашган ҳудудининг қулайлиги боис ҳамиша меҳмонлар билан гавжум.

Бугун меҳмонхона қиёфаси тубдан ўзгарган. Ўтган йили масканнинг иккинчи қавати тўлиқ капитал таъмирдан чиқди. Чироқлар, эшик-ромлар, дарпардалар ва мебеллардан иборат барча инвентарлар янгиланди. Таъмирлаш жараёнида сантехника жиҳозлари ҳам алмаштирилди. Ювиниш хоналарига душ кабиналари ўрнатилиб, кафеллар янгиланди.

– Федерациянинг кўмаги билан меҳмонхона таъмирдан чиқарилди, – дейди директор Ботир Хўжаев. – Эндиликда хоналар нуфузли меҳмонларни қабул қилиш талабларига ҳам бемалол жавоб беради.

Меҳмонхона 70 та хонадан иборат бўлиб, шундан 52 таси стандарт, 14 таси ярим люкс ва қолган 4 таси люкс хоналардир. Уларнинг барчаси замонавий дизайн асосида безатилган. Хоналарда энергияни тежайдиган чироқлар ўрнатилган. Шунингдек, зарур маиший техникалар билан жиҳозланган.

Бу маскан анча йиллардан буён касаба уюшмалари ходимларига ва шаҳар меҳмонларига хизмат кўрсатиб келади. Ҳар йили 10 минг нафарга яқин меҳмон қабул қилинади. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 6297 нафар меҳмон кутиб олинган. Улардан 5800 нафари касаба уюшма аъзолари бўлса, 174 нафари чет эллик сайёҳлар ҳамда 300 нафардан ортиғини пойтахтга келган юртдошларимиз ташкил қилади.

Юқорида таъкидланганидек, мижозларнинг ҳар жиҳатдан мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун меҳмонхонада барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Жумладан, 50 ўринли шинам ресторанда эрталабки нонуштага хилма-хил таомлар тортилади. Тренажёр хонаси ҳам кун бўйи меҳмонлар хизматида. Мижозлар ўз таклиф ва истакларини, шунингдек, миннатдорлик ва эътирозларини махсус дафтарга ёзиб қолдиришлари мумкин.

«Юртимиз бўйлаб саёҳат қил» шиори остида ички туризмни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Йилдан-йилга янгиланиб, гўзаллашиб бораётган пойтахтни томоша қилиш учун келаётган юртдошларимизнинг кўпчилиги «Саёҳат сари»да қўним топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ўқув марказида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мутахассислар учун турли мавзуларда тез-тез ўқув-семинар ҳамда машғулотлар ўтказиб турилади. Марказнинг меҳмонхонага туташлиги, яъни ёнма-ён жойлашгани тингловчиларга жуда қўл келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўқув марказида малака оширган 5800 нафар ходим ушбу меҳмонхонада истиқомат қилишган.

Меҳмонхонанинг гавжум бўлишига яна бир асосий сабаб шуки, нархлар анча арзон. Мана, тўртинчи йилдирки, тўлов баҳоси оширилмади.

Меҳмонхона маъмурияти келгусида ҳам хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, мижозларни ҳар жиҳатдан мамнун қилиш учун астойдил бел боғлашган.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»







ТУРИЗМ

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЙЎЛИДА барча имкониятларни ишга соляпмиз

Мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон жаҳон туризм бозорида энг жозибадор мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда.



Тўлқин ХИДИРОВ,
«Kasaba sayr» МЧЖ директори

Жорий йил бошида «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратиб келинаётгани боис кейинги йилларда кўплаб мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими, 55 та давлат фуқаролари учун эса соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди. Меҳмонхона ўринлари сони



140 мингтага етказилиб, 70 та янги сайёҳлик маршрути очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.

Бир сўз билан айтганда, соҳа ривожи учун қулай иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда миллий туризм брендини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам туризм соҳаси равнақига беқиёс ҳисса қўшиб келяпти. Унинг тасарруфидаги «Касаба сайр» МЧЖ соҳадаги ислоҳотлар ва яратилган шароитлардан унумли фойдаланмоқда. Туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида 50 ўринли «Ютонг» автобуси ва 17 ўринли микроавтобус билан таъминланган корхона давр билан ҳамоҳанг тарзда фаолият олиб бормоқда. Касаба уюшмалари ходимлари учун байрам арафасида яна янги 51 ўринли замонавий «Ютонг» автобуси харид қилинди.

Жорий йилда 200 дан ортиқ ташкилот, яъни таълим, тиббиёт, алоқа, банк, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва бошқа соҳалар вакиллари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Термиз каби шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилди. Ушбу саёҳатларда 4700 нафардан зиёд ходим иштирок этди.

Кейинги йилларда аёллар муаммосини ўрганиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти бошчилигидаги мутасаддилар ҳудудма-ҳудуд, маҳаллама-маҳалла ва хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизлар билан мулоқот қилишди. Натижада минг-минглаб аёлларнинг мушкули ариди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аёлларнинг Тошкент, Хоразм вилоятларига саёҳатларини уюштираётгани эътирофга арзигулик. Бир умр даладан бери келмаган, то «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» жорий этилмагунча «ҳолинг не» деб уларни биров йўқламаган, содда, оққўнгил опа-сингиллар бу саёҳатлардан бир олам таассуротлар олишяпти.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан «Республика корхона, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ички туризм ва фаол дам олиш ишларини ташкил қилиш режаси» ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Натижада, жорий йил Янги йил, Наврўз, Рамазон ҳайити ва Мустақиллик байрамларида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ўз ҳудудлари ва республикамиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил қилинди. Бу ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида катта таассуротлар қолдириб, байрам кунларида улар учун муносиб совға бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, байрамлар муносабати билан дам олиш кунларининг берилиши барча юртдошларимиз учун катта воқелик бўлди. Ана шундай кунларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Қирғизистоннинг «Аврора» санаторийси ва Қозоғистондаги Аҳмад Яссавий зиёратига саёҳатлар уюштириляпти. Хусусан, шу йил июль, август ойларида Қирғизистоннинг Иссиқкўл дам олиш масканига мамлакатимизнинг турли вилоятларидан бир гуруҳ меҳнаткашлар саёҳат қилишди. Икки давлат раҳбарларининг мазкур ҳудудда бўлиб ўтган 2022 йил 20 июлдаги тарихий учрашуви давомида сайёҳлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган келишувларнинг амалдаги исботи ўлароқ, ушбу тадбирлар доирасида меҳмонлар ҳудуддаги энг сўлим гўшада жойлашган «Аврора» санаторийсида мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Шунингдек, «Касаба сайр» чет эллик меҳмонларнинг юртимиз бўйлаб саёҳатларини ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Масалан, жорий йилда Россия, Қозоғистон, Хитой давлатларидан меҳмонлар ташриф буюриб, юртимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, спорт туризми, маданий туризм, экотуризм, зиёрат туризми, соғлиқни сақлаш туризми, гастрономия туризми каби бир қатор йўналишларда ҳам турлар ташкил этиш учун бор имкониятларни ишга соляпмиз.

Бир сўз билан айтганда, соҳада янгидан-янги йўналишлар очиш, саёҳатчилар учун янада қулайликлар яратиш бош мақсадимизга айланган.



Бирни кўриб фикр қил,
Бирни кўриб шукр қил.
Ўзбек халқ мақоли





ИМКОНИЯТ

Камбағалликдан фаровонлик сари

Бир вақтлар «камбағал» сўзини давлат даражасида қўллаб бўлмасди. Қайсидир журналист газетага шу ҳақда ёзиб, гап эшитган ва раҳбарият томонидан унга бу сўз ўрнига «аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами» деган жумлани қўллаш лозимлиги уқтирилганди. Ўша кезлар «камбағаллик» гўёки давлатга, жамиятга иснод келтирувчи иллат саналарди. Сўнгги йилларда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва фаровон турмуш кечириши учун имкон ва зарур шарт-шароитлар яратиш сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.



Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси

Миллий қадриятларимизга разм солсак, қадимдан ота-боболаримиз, она-момоларимиз маҳаллада қийналиб яшаётганларнинг ҳол-аҳволидан тез-тез хабар олиб туришган. Оғир дамларда ҳатто ўзлари оч-юпун яшасалар-да, бир бурда нонини ҳам бошқалар билан бирга баҳам кўришган. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, аҳоли орасида моддий жиҳатдан ночор аҳволдаги, имконияти чекланган ва ногирон юртдошларимизга ёрдам қўлини чўзиш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Бир ҳақиқатни чуқур англаш зарур: камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш қийинроқ. Масалан, ўзи қишлоқ шароитида яшовчи камбағал киши касал бўлиб қолса, тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш учун поликлиникага ҳамда шифохонага қатнашига тўғри келади. Унинг дори-дармонлардан ташқари бошқа харажатлари ҳам бўлади. Энг ачинарлиси, айрим ночор оилалар фарзандлари пул топиш илинжида меҳнат қилиб, мактабда пухта билим ололмай қолишлари, бу эса уларнинг тарбиясига, руҳиятига ва келгуси ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу маънода, бугун Президентимизнинг ҳар бир ташаббуси, имзолаётган фармон ва қарорлари халқчил аҳамиятга эга ҳужжатлар ҳисобланади. Буни қабул қилинаётган махсус дастурлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, охирги пайтларда аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Саховат ва кўмак» жамғармаси тузилгани, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Меҳр дафтари» жорий этилгани айнан шунга ўхшаш эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан бағоят аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури тасдиқланди. Унга кўра, барча ишлар турли даражадаги раҳбарлар, жамоат ташкилотлари, фаолларни камбағал деб эътироф этилган оилаларга бириктириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли ҳал этиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Умуммиллий характерга эга яна бир хайрли ташаббус – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг фаолиятини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Васийлик Кенгашининг шу йил 17 сентябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишда қабул қилинган Мурожаатномада ўз ифодасини топди. Тошкент вилоятида ҳам унинг ижросига ўша заҳотиёқ киришилди. Айни кунларда касаба уюшмаси ходимлари «Нуроний» ташкилоти вакиллари ҳамроҳлигида хонадонларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказишмоқда. Шу аснода вилоятдаги 22 та туман-шаҳарда мавжуд бўлган 1025 та маҳалладаги 320 минг нафарга яқин фаол нуронийлар билан тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, ишчи гуруҳ Қуйи Чирчиқ туманидаги Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида рўйхатда турувчи Ойхон Азимова хонадонида бўлганида, аёл боқувчисини йўқотгани, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, агар фойдаланиш учун қўшимча ер ажратилса, деҳқончиликни йўлга қўйиш истагида эканлигини айтди. 30 сотих ер ажратилгач, у кўкатлар ва зиравор ўсимликлар етиштиришни йўлга қўядиган бўлди.

«Пахтачи» МФЙда яшовчи Марғуба Абдусаломованинг ҳолидан хабар олинганида, у икки нафар вояга етмаган фарзанди билан яшаётгани ва боғчада ошпаз бўлиб ишлаётгани, катта ўғли юқори синфда ўқиши, кичиги эса боғчага қатнаши маълум бўлди. Тўнғичига фуқаролик паспорти олиб берилиши ҳамда ҳунар ўрганиши учун махсус курсга жойлаштирилиши юзасидан ёшлар етакчисига тегишли кўрсатмалар берилди.

Шу маҳаллада яшовчи яна бир фуқаро Индигул Беркулова II гуруҳ ногирони эканлиги, бир ўғли ва бир қизи борлиги, айни вақтда ишсизлиги сабаб, мардикорлик қилаётгани аниқланди. Унга истиқомат қилаётган тураржойининг ҳужжатлари расмийлаштирилишида туман Кадастр бўлими томонидан ёрдам берилди. Шунингдек, фарзанди Гулшода ишга тикланишида амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мурожаатнома ижросига кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисига ҳам Бўстонлиқ туманидаги камбағал деб топилган 10 та оилани бу ҳолатдан олиб чиқиш вазифаси топширилди. Шунга асосан дарҳол маҳалла еттилиги билан бирга, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Фуқаролардан бири Гулнора Игамбердиеванинг шароити ўрганилганда, у беш нафар фарзанди билан ижарада яшаши, ишсизлиги ва айни пайтда ўзини-ўзи банд қилгани маълум бўлди. Уни доимий ишга жойлаштириш, уй олишига субсидия асосида кўмаклашиш, фарзанди ўқиши учун шартнома пулини тўлаш каби ёрдамлар кўрсатилиши режалаштирилди.

Яна бир фуқаро Нигина Мажидова ногирон умр йўлдоши ва тўрт нафар фарзанди билан яшаётган экан. Унинг турмуш ўртоғида жарроҳлик амалиёти ўтказиш чорасини кўришга киришилди. Кичик боласи боғчага жойлаштирилди. Вақтинча ишсиз бўлган Лобар ва Дилмурод Акрамовларга эса кичик тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредит ажратилиши белгиланди.

Маълумки, камбағаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайди, унинг муайян сабаблари бўлади. Устига-устак, ҳозир баъзи одамлар боқимандаликка ўрганиб қолишган. «Ҳаммасини давлат қилиб берсин, ҳокимият ва маҳалла қаёққа қарапти?» деган саволни ўзларига дастак қилиб олишган. Биз «Давлат қачон менга ёрдам беради!» деб кутиб ўтирганлар хонадонларига кириб, улардаги ножўя кўникмаларни, оиласидаги салбий муҳитни ўзгартирсак, ўзлари ва фарзандлари ҳам бугунги кунда яратилаётган шароитларга бошқача муносабатда бўладилар. Келажакда уларда ҳам халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган сиёсатга бўлган ишонч кучаяди ва ўқиш, ишлаш, яхши яшаш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Зеро, камбағалликдан қийналаётган ҳар бир юртдошимизга ўз яқинимиздек самимий муносабатда бўлиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир!



Агар бор эса поклик ниятинг,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.
Алишер Навоий



БУНЁДКОРЛИК

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.
Фирдавсий

«Kasaba qurilish ta’mir»

Янги қиёфа касб этаётган иншоотлар



Ҳусан УСМОНОВ,
«Kasaba qurilish ta’mir» МЧЖ директори

«Kasaba qurilish ta’mir» МЧЖ кўп йиллардан буён Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги бино ва иншоотларни таъмирлашда муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида ташкилот қатор объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Реконструкция жараёнларида кўплаб бинолар янги қиёфа касб этиб, замонавий кўринишга келтирилди. Масалан, Яккасарой туманидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спорт мактаби янгитдан қурилиб, Сув спорти саройига айлантирилди.

Мазкур мажмуа сув спорти ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида қурилган. Бу ерда ҳам профессионал спортчилар, ҳам ҳаваскорлар учун шароит яратилган. 50 метрли бассейн ва 500 ўринли томошагоҳга эга катта залда халқаро миқёсдаги мусобақалар, терма жамоамизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун замонавий шароитлар бор. Кичик ҳавзаларда болалар сув спортини ўрганади. Мажмуада ёшлар, меҳнат жамоалари ва фахрийлар саломатликларини мустаҳкамлаши мумкин. У бир вақтнинг ўзида 100 нафар, бир кунда мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Иккинчи қаватда маъмурият ва мураббийлар хонаси, конференция зали, тренажёр хонаси ҳамда спорт шарҳловчилари учун махсус хоналар жойлашган.

Иншоот тўрт йил давомида Испания, Италия, Туркия, Хитой техника ва технологиялари асосида қуриб битказилди. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан 93 миллиард сўм маблағ сарфланди. Умумий ер майдони бир гектарни ташкил этган сув спорт саройи 4 та сув ҳавзаси ҳамда сув полосидан иборат.

Яна бир эътироф этишга арзигулик лойиҳа бу – «Хонқа» санаторийсидир. Умумий майдони қарийб 3 гектар бўлган санаторийга 5,7 километр олисдаги масофадан махсус қувурлар орқали табиий газ тармоғи, 5 километр масофадан захира электр тармоғи тортиб келинди. Оқава ва чиқинди сувларни тозаловчи иншоот қурилди. 6 та корпусдан иборат иншоотда замонавий холл, маданият саройи ва кутубхона, люкс ва стандарт ётоқхоналар, даволаш мажмуаси, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун қулайликларга эга хоналар, тантаналар зали, 200 ўринли ошхона дам олувчиларга хизмат кўрсатади. Қисқаси, бу ерда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Ушбу сиҳатгоҳда яратилган шарт-шароитлар натижасида ҳар йили 7 минг нафарга яқин аҳоли ўз саломатлигини тиклаши мумкин.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманида 100 ўринли замонавий соғломлаштириш дам олиш масканида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Нукус шаҳрида жойлашган «Жеткеншек» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳамда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Чинобод-Плаза» санаторийси ҳудудида 200 ўринли мажлислар зали қурилиши тугатилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида.

Умуман олганда, бизнинг ишимиз бевосита қурилиш-таъмирлаш билан боғлиқ жараён. Тасарруфдаги қайсики иншоотда бунга зарурат бор экан, уни таъмирлаб, янги қиёфага келтириш учун тайёрмиз.











ҲОЗИРГИ КУНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЗАТОВ ТУМАНИДА 100 ЎРИНЛИ ЗАМОНАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, НУКУС ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН «ЖЕТКЕНШЕК» БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИДА ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «CHINOBOD PLAZA» САНАТОРИЙСИ ҲУДУДИДА 200 ЎРИНЛИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ ҚУРИЛИШИ ТУГАТИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛИШ АРАФАСИДА.

ishonch.uz https://www.facebook.com/ishonchgzt/ https://t.me/ishonchgz ishonch1991@yandex.uz

САНЪАТ



КЎНГИЛ ТАЛПИНАДИГАН МАСКАН

Бугунги мураккаб ва шиддатли давр корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Касаба уюшмалари бу борада ҳар томонлама фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг саломатликларини яхшилаш учун кўплаб санаторийлар, сиҳатгоҳлар бунёд этиляпти, қолаверса, маданий дам олишлари учун ҳам қатор имкониятлар яратилган. Улардан бири – Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи.

Улкан бунёдкорлик ва пардозлаш ишлари нозик дид билан амалга оширилган бу муҳташам иншоот бугун пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиш билан бирга, гўзал байрамлар, қувончли кунларда эл хизматида бўлмоқда.

Яқин тарихда мамлакатимизнинг муҳим маданий маркази бўлган ҳамда юртимиз маданияти ва санъатида ўзига хос ўрин тутган тарихий бино негизида Президентимиз ташаббуси билан қайтадан барпо этилган ва 2022 йилдан яна иш бошлаган маданият ва санъат марказида турли концертлар, кўргазмалар уюштирилиб, юртимиз аҳолиси ва хорижлик меҳмонлар қабул қилинмоқда.

Юртимиз меҳнаткашлари фарзандлари учун очилган қатор ижодий студия ва тўгараклар ҳам ҳар куни болажонларнинг вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшяпти.

Бу масканда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Қалдирғоч» болалар санъат маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда ташкил этилган хореография, актёрлик маҳорати, вокал санъати, тасвирий санъат, либослар дизайнерлиги, бичиш ва тикиш, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, овоз режиссёрлиги студияларида болажонлар билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.

Улар иштирокида кўплаб концерт дастурлари тайёрланиб, тақдим этиляпти. Жумладан, жорий йил бошида «Оппоғойнинг уйига ташриф» деб номланган эртак спектакли намойиш этилди. Охирги тадбирдан кейин саҳнада роль ижро этган барча 73 нафар иқтидорли болажонга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг махсус совғалари топширилди.

Март ойи бошида «Янги Ўзбекистоннинг янги баҳори» концерт дастури мухлисларга тақдим этилди. 18-19-20-21 апрель кунлари узоқ кутилган концерт – таниқли композитор, қалбимизга яқин кўплаб мусиқаларнинг муаллифи Султон Али Раҳматов ўзининг янги концерт дастурини тақдим этди.



Маҳмуджон МУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи директори

Касаба уюшмалари саройида яна бир концерт – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, Ўзбекистон доирачилари жамоат бирлашмаси раиси, профессор, устоз санъаткор Дилмурод Исломовнинг ижодий кечаси ўтказилди.

Бундан роппа-роса 110 йил муқаддам ҳозирги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи (аввалги «Колизей», Свердлов концерт зали) саҳнасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» номли илк ўзбек драматик спектакли намойиш этилган эди. Пойтахтимиз театр ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа муносабати билан республика театрлари билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларга старт берилди.

Замонавий ўзбек театрининг 110 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи саҳнасида ажойиб комедия, Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг «Кредитга эр» (М.Задорнов) спектакли намойиш этилди. Шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинати маданият муассасаларининг «Қизилқум жавоҳирлари» концерт дастури ҳам ишчи-ходимларга бир олам қувонч улашди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Супер Қорасоч» болалар боп мусиқали спектакли уларга ажойиб совға бўлди. 1 июнь куни ёш томошабинлар жонли мусиқа ҳамда «Қалдирғоч» болалар ижод маркази тасвирий санъат ва либослар дизайни студияси кўргазмаси билан кутиб олинди. «Супер Қорасоч» мусиқали спектакли «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган россиялик 100 нафар ўғил-қиз учун ҳам махсус намойиш этилди.

Саройда халқаро меҳмонлар ташрифи ҳам тез-тез кузатилади. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти бош директори Жильбер Унгбо раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ишчи ташрифи доирасида мазкур делегация аъзоларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Айни пайтда саройда Янги йилга тайёргарлик қизғин. Қишки таътил давомида болажонлар учун «Янги йил саргузаштлари» номли мусиқали эртак спектакли намойишига ҳозирлик кўриляпти. Барчангизни қувноқ томошага таклиф қилиб қоламиз.

Қисқа фурсатда кўнгил талпинадиган, мароқли ҳордиқ чиқаришга интиладиган масканга айланиб улгурган Касаба уюшмалари саройи узоқ йиллар меҳнаткаш халқимизнинг хизматида бўлади.

100 йилдан ортиқ тарихга эга, ўз вақтида миллий санъатимиз ва жаҳон маданиятининг машҳур дарғалари ўзининг бетакрор ва ёрқин истеъдодини намоён этган Тошкент шаҳри марказидаги собиқ маданият маскани бугун янги қиёфа касб этиб, «Касаба уюшмалари саройи» сифатида қайта бунёд этилди. Ушбу санъат кошонаси касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан ўзбек маданияти ва санъатини янада равнақ топтириш, ёш авлодимизнинг маънавий дунёсини юксалтиришдек эзгу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллат йўлин кўплашуб ободлашайлик.
Улфатлашуб, ёзлашуб ҳам қишлашайлик,
Театр ясаб, концертлар, олқишлашайлик.
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий





ЎҚУВ



СОҲАГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ҲАМИША КЕРАК



Иркин УМАРАХУНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Малака ошириш институти ректори

Давлатнинг тараққиёти бевосита кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Малакали ва етук, ўз соҳаси бўйича етакчи ходим албатта, тинимсиз изланиш ҳамда тажриба орқали шаклланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Малака ошириш институти ҳам ана шундай хайрли вазифани бажариш учун баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқда.

Таълим даргоҳида ташкил этилаётган қисқа муддатли ўқув-машқларда барча соҳалардаги тармоқ касаба уюшмаларининг ходимлари ўз билим ва кўникмаларини бойитмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган 790 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Шунингдек, институтнинг масофавий таълим (www.edu.kasaba.uz) тизими орқали онлайн ўқувлар ҳар чоракда ташкил этилди. Натижада, I-III чорак давомида 930 нафар касаба уюшма фаоли асосий ишидан ажралмаган ҳолда, мустақил малака оширди.

Ўқув-дастурлар шуниси билан аҳамиятлики, машғулотлар замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда, интерфаол услубда ўтказилди. Ҳар бир машғулот электрон тест синовлари ўтказиш орқали якунланди. Бу йилги ўқув машғулотлар асосан янгиланган Конституция, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида кечди.

Бундан ташқари, «Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига амал қилишда касаба уюшмаларининг роли», «Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари», «Жамоа шартномалари ва келишувлари», «Халқаро меҳнат стандартлари», «Касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш» каби мавзулар ҳам эътибордан четда қолмади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳнат муҳофазаси йўналишида фаолият олиб бораётган кадрлар учун ташкил этилган машғулотларга хорижий мутахассислар ҳам жалб этилди. Улар яшил иқтисодиётга ўтишда яшил иш ўринларини яратиш билан боғлиқ чора-тадбирлар хусусида маълумотлар беришди.

Институт республикамиздаги вазирликлар, олий таълим муассасалари ва нуфузли ташкилотлар қатори хорижий давлатлар билан



ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, жорий йил давомида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан бирга Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмаларининг ўқув-марказлари ходимлари учун халқаро семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон, Туркия, Озарбайжон каби давлатлардан вакиллар қатнашди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўқув-маркази ташкил этаётган онлайн ўқув-семинарлар ҳам билим ва тажрибамизни янада бойитишда жуда қўл келмоқда. Институтимизнинг ўқув-методик бўлими методисти У.Муҳиддинова жорий йилнинг июнь ойида Кишинёв шаҳри (Молдова) да Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан ташкил этилган «Европа ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун касаба уюшмалари ҳаракатини кучайтириш» мавзусидаги ўқувда иштирок этиб, халқаро сертификатга эга бўлди.

Бизнинг институтимиз фаолияти бевосита меҳнат қонунчилигидаги янгиликларни тингловчиларга етказиш ва шу орқали уларнинг малакасини оширишдан иборат. Шундай экан, бу йўлда ҳар қандай ҳамкорликка тайёрмиз.

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,
Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.
Юсуф Хос Ҳожиб

РЕЖА

ҲАММАСИ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Инсон зотининг ўзига хос хусусияти шундаки, бир ишга қўл уришдан олдин режа тузади. Зотан, режасиз бошланган ҳар қандай юмуш охири бахайр бўлмаслиги аниқ. Қисқаси, одамнинг ҳаёти режасиз – қурилиш ишлари лойиҳасиз бўлмайди.



Ғайрат ИБРОҲИМОВ,
«Kasaba-loyiha» МЧЖ директори



Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳам, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, барчаси пишиқ ва пухта тайёрланган лойиҳа асосида амалга оширилади. Зеро, санаторийлар, спорт масканлари, концерт заллари каби янги бино-иншоотларда «Kasaba-loyiha» МЧЖнинг алоҳида ўрни бор.

Умуман олганда, касаба уюшмалари томонидан қурилаётган ҳар қандай иншоотни барпо этишга алоҳида аҳамият қаратилади. Халқаро тажриба ўрганилади. Айниқса, қурилиш бошланишидан олдинги жараёнлар, яъни лойиҳалаш ишлари ниҳоятда жиддий назоратга олинади. Бу масала бўйича изланишлар олиб борилади. Хусусан, тез-тез хорижга сафарлар уюштирилади. Мақсад – уларнинг тажрибасини ўрганиш, замонавий биноларидан андоза олиш.

Албатта, бунинг учун Федерация барча шароитларни яратиб берган. Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда чет давлатларда қурилган замонавий биноларни ўрганиб, ўзимизда қурилиши мўлжалланаётган объектни миллийлик ва иқлимимизга мослаб, зилзилага бардошлилигини ҳисобга олиб, лойиҳалаштиришга ҳаракат қиламиз.

Фикримизни охирги йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилган объектлар мисолида асосласак. Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари саройини лойиҳалаш жараёнини олайлик. Уни ҳозирги ҳолатга келтириш осон кечмади. Раҳбарият томонидан эски бино конструкциясини сақлаган ҳолда муҳташам сарой қуриш топшириғи берилгач, бошқа давлатлар тажрибасига мурожаат қилдик. Хусусан, Туркия ва Россияда бўлдик. Москва шаҳридаги машҳур концерт залини ўргандик. Уларнинг тажрибаси асосида миллий архитектура ва ҳунармандчиликка эътибор берилган ҳолда, бинонинг ҳозирги қиёфаси яратилди.





Ёки Яккасарой туманида қад ростлаган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сув спорти саройини олайлик. Тўрт йил давомида қуриб битказилган ушбу иншоот Испания, Италия, Туркия, Хитой техника ва технологиялари асосида барпо этилди. Бунинг учун Федерация ҳисобидан 93 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Сурхондарё вилоятидаги «Сангардак» санаторийси ҳам ўзига хос услубда қурилди. Қайд этиш жоиз, тоғлар орасида мана шундай ҳашаматли ва замон талабларига жавоб берадиган бинони лойиҳалаш, қуриш катта меҳнат ва машаққат талаб қилди. Виқорли тоғлар бағрида олмосдек ярақлаб турган муҳташам иншоот денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр баландликда барпо этилди. Мазкур сиҳатгоҳ 3,2 гектар ҳудудни эгаллаган бўлиб, 200 ўринга мўлжалланган.

«Хонқа» санаторийси ҳам замонавий архитектура ютуқлари, хорижий технология асосида лойиҳалаштирилди. Қарийб 3 гектар майдонга эга санаторийга узоқ масофадан махсус қувурлар орқали табиий газ ва электр тармоқлари тортиб келинди. Оқава ва чиқинди сувларни тозаловчи алоҳида иншоот қурилди. Катта кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Қисқаси, бинонинг ўзига хос дизайни диққат-эътиборни тортадиган ҳолда тайёрланди.

Болалар оромгоҳларини лойиҳалашда ҳам қатор ютуқларни қўлга киритдик. Бунда бизга Хитой тажрибаси қўл келмоқда.

Айни пайтда яна кўплаб лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз. «Бўзатов», «Чортоқ» санаторийлари, Бухоро ҳунармандчилик маркази, «Шарқ» нашриёти биноси ҳамда бошқа иншоотлар шулар жумласидан.

Шукур, меҳнатларимиз зое кетаётгани йўқ. Ҳамиша раҳбариятнинг эътибори ва эътирофини сезиб турибмиз. Масалан, яқинда лойиҳа бўйича бош муҳандисимиз Анваржон Жабборов «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Меҳнатимиз қадр топаётгани, ғамхўрлик ва илтифот натижаси ўлароқ бундан кейинги фаолиятимиз ҳам самарали бўлишига ишонамиз.

Ўйларинг сўзларингга, сўзларинг феълингга, феълинг тақдирингга нуқс этади. Гўзал ўйла, гўзал яша.

Жалолиддин Румий



Biznesni
Rivojlantirish
Banki

Barcha yurtdoshlarimizni
11-noyabr – O‘zbekiston kasaba uyushmalari kuni
bilan samimiy muborakbod etadi.

TADBIRKORLIK UCHUN

300 MILLION SO‘MGACHA

MIKROKREDIT!

Agar kichik tadbirkorligingiz bo'lsa, o'sish va rivojlanish uchun qo'shimcha mablag'ga talabingiz bo'lsa, bizning mikrokredit — ajoyib yechimdir!
Sizni qo'llab-quvvatlash maqsadida qulay shartlarni taklif qilamiz:

Kredit foizi: **19% dan boshlanadi.**
Joylashgan hududingiz toifaga qarab belgilanadi.

Kredit miqdori: **300 million so'mgacha**,
100 millon so'mgacha garovsiz olishning imkoni bor.

Kredit muddati: **7 yilgacha.**



Ushbu kredit kengaytirish, yangi uskunalar sotib olish, aylanma mablag'larni ko'paytirish yoki boshqa maqsadlarda sizning vositangizga aylanadi.

QO'SHIMCHA MA'LUMOT UCHUN QO'NG'IROQ QILING:

1254

WWW.BRB.UZ

REKLAMA HUQUQI ASOSIDA

Xizmatlar litsenziyalangan

ТАБРИК

«ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НАВОИЙ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини,
уларнинг тимсолида халқчил
ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

билан самимий
муборакбод этади!
Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ТАБРИК

«ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

11 ноябрь –



Касаба уюшмалари куни муносабати билан барча ишчи-ходимларни чин қалбдан табриклайди!







Хонадонингиз тинч, дастурхонингиз тўкин бўлсин, азиз юртдошлар!
Она диёримизда сидқидилдан меҳнат қилиб, кам бўлманг.
Касбингиздан барака ва эъзоз топинг!



ЯНГИ НАШР

«VATAN» журнали: МИЛЛИЙ КОНТЕНТ УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА



Бугунги давр 10 йил олдингисидан тубдан фарқ қилади. Дунё глобал тараққиёт сари юзланган бўлса-да, ер шари ҳамон идишдаги сувдек қалқиб турибди.

Бир томонда миллатчилик ниқоби остида хуружлар, жангу жадаллар кечаётган бўлса, бир томонда ўлкаларга босқинчилик, ер, ҳудуд талашиши давом этмоқда. Ва ҳеч ким, давлатларни, халқларни бундай хуружлар, босимлардан ҳимоялашга кафолат бермаган.

Ўз-ўзидан бундай пайтда ҳар бир халқ, давлат ўз фуқароларида миллий ўзлик ва миллий ғурур туйғуларини кучайтириши зарурати туғилади. Чунки ҳар қандай долғали замонларда ҳам миллатни ватанпарвар, юрти учун жонини аямайдиган, шу билан бирга дунёга очиқ нигоҳ билан қаровчи, юксак билим ва салоҳиятга эга ёшлар, фуқаролар ҳимоя қилади, ривожлантиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида нашр этилган «Vatan» журнали эса бугун долзарб ҳисобланаётган миллий медиа контентимизда миллий ғурур туйғусини кучайтиришга хизмат қилувчи муносиб манба бўлди, деб бемалол айта оламиз.

«Vatan» Янги Ўзбекистон имижини кенг жамоатчилик ва академик доираларда юксалтиришга ҳисса қўшиш ҳамда ўқувчиларни бугун дунё илм-фанида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида кечаётган тенденциялар билан яқиндан таништиришга хизмат қилади. Унинг илк сонида Фитрат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Қудратилла Рафиқов, Фарҳод Толипов, Қозоқбой Йўлдош, Хайриддин Султон, Элдор Асанов ва яна бошқа муаллифларнинг Ватан, тил мавзусидаги ўйлари, ҳикоялари, шеърлари ва тарихий шахсларимиз – аждодларимиз ҳақидаги илмий таҳлилларга асосланган мақолалари ўрин олган. Кейинги сонларида эса Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжар, Хитой халқаро муаммолар академияси Евроосиё тадқиқотлар институти директори Ли Цзиго, Қозоғистон вакили, Фан қўмитаси Шарқшунослик институти бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори Еркин Байдаров, қирғизистонлик сиёсатшунос Эмилбек Жўраев, тожикистонлик сиёсатчи Шерали Ризоён кабиларнинг минтақа ҳаётига тегишли бўлган ижтимоий сиёсий мавзудаги долзарб мақолалари эълон қилинди.

– Бугун истаймизми, йўқми дунёда йирик давлатларнинг бошқарувни қўлга олиш борасидаги кураши кетмоқда, – **дейди Шарқшунослик университетининг проректори Қудратилла Омонов.** – Бундай даврда халқимиз, ёшларимиз кучли миллий мафкура билан қуролланган бўлиши керак. Мафкура эса мана шундай миллий руҳ билан суғорилган миллий контентлар асосида, жумладан, етук ва тажрибали инсонларнинг Ватан, тарих, маданият, геосиёсат ва иқтисодиёт мавзуларидаги таҳлиллари асосида шакллантирилади.

Келгусида «Vatan» журналининг электрон шакли ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган кўринишини ҳам яратиб, уни кенг тарғиб қилишимиз зарур. Шу билан бирга журнал саҳифаларида етук мутахассисларнинг иқтисодий-геосиёсий мавзулардаги таҳлиллари ҳам мунтазам бериб борилмоқда. Бундай чиқишлар ёшларимиз дунёда бўлаётган зиддиятларнинг илдизи қаерга бориб тақалишини тушунишига, тўғри мулоҳаза юритишига олиб келади. Уларнинг мафкуравий иммунитетини ривожлантиради.





Шу пайтгача журналнинг 3 та сони чиққан бўлса, унинг ҳар бири жамоатчиликнинг эътиборига туша олди. Эътирофларга лойиқ бўлди. Жумладан, озар шоири Акиф Бағирнинг «Ўзбек келаётир» шеъри ҳам кўпчилик юртдошларимизни таъсирлантирди. Таҳририятга журнал ва унда чоп этилган мазкур шеър ҳақида бир нечта хатлар, ижтимоий тармоқлар орқали жуда кўп илиқ муносабатлар билдирилди.

Адабиётшунос олим, ўзбек тили жонкуяри Қозоқбой Йўлдош эса миллий ғурур билан ёзилган ҳар бир самимий сўз ўқувчисини топишини таъкидлар экан, журнал ҳақида шундай дейди:

– Миллат ўзининг илдизларини билгандан кейингина, миллатга айланади. Одам миллиардлаб пул топса-да миллий ғурури бўлмаслиги мумкин. Агар миллий ғурур бўлса, у миллионлаб пул сарфлаб қурган иморатини «Z – гўшт» каби алламбало номлар билан номламаган бўларди. Ўз тилидан, ўзининг кимлиги ва келиб чиқишидан уялмаган бўларди. Одамлар аввал иқтисодиётни кўтариш керак, кейин ўз-ўзидан маънавиятимиз ҳам юксалаверади дейишади. Бундай эмас. Маънавияти шаклланган, миллий ғурури уйғонгандан кейингина одам ўз юртига наф келтириш, уни юксалтириш ҳақида ўйлайди. «Vatan» журнали ана шу эзгу мақсадга, одамларимизнинг миллий ғурурини уйғотишга хизмат қиладиган нашр деб ҳисоблайман.







Дарҳақиқат, «Vatan» журнали аудиторияси Ўзбекистон билан чегараланиб қолмаган. У Ватанини севувчи, унинг тарихини ўргангувчи, келажаги ва бугунига эътиборсиз бўлмаган ҳар қандай зиёли учун минбарга айланмоқда. Демак, сиз ҳам «Vatan» билан бўлинг! Ундан узоққа кетманг!

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

ҚУТЛОВ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси жамоаси

касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ҳамда ушбу халқчил ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

билан самимий муборакбод этади.

Касаба уюшмаларининг юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ўрни ва таъсири тобора юксалиб бормоқда. Мазкур ташкилот халқ ичига чуқур кириб боришни, ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, Ватан тараққиётига камарбаста бўлишни ўзининг устувор вазифаси этиб белгилаб олган. Халқчил ҳаракат ҳар доим эътироф этилгусидир. Қутлуғ айём билан яна бир бор табриклар эканмиз, эзгуликка йўғрилган фаолиятингизда мудом муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.



Байрамингиз муборак бўлсин!



«Касаба уюшмаларига 120 йил» кроссворди

1. Беморлар ётиб даволанадиган махсус профилактик даволаш муассасаси.

2. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан санаторийга даволанишга юборилаётган ходимга бериладиган расмий гувоҳнома, ҳужжат.

3. Ходимларга тўланадиган иш ҳақи ҳисобидан олдиндан бериладиган пул миқдори.

4. «... сари» – касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги меҳмонхона номи.

5. Муайян иш жойида ходимнинг меҳнатга доир бузилган ҳуқуқини тиклаш юзасидан касаба уюшмалари томонидан иш берувчига бериладиган расмий кўрсатма хат.

6. Қонунда белгиланган ҳолларда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблағ, нафақа.

7. Касаба уюшма ташкилотлари таркибидаги комиссия тури.

8. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш.

9. Мамлакат иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш соҳасида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга бериладиган давлат мукофоти, медаль.

10. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторий номи.

11. Мамлакатимиздаги йирик акциядорлик жамияти, «Офтобжон» болалар оромгоҳи муассиси.

12. «...-2019» – касаба уюшмалари томонидан ўтказилган халқаро ёшлар форуми номи.

13. Мажбурий меҳнатга кўпроқ нисбат бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, техник экин.

14. Энергетиклар иш қуроли, электр токини ўлчаш асбоби.

15. Ёзувчи ижоди маҳсули, бадиий жанр.

16. Меҳнат муносабатларида мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда бир тарафнинг иккинчи тарафдан ундирадиган жаримаси.

17. Хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботининг экспертизаси ва таҳлили, тафтиш.

18. Ишхонада меҳнат жамоасининг барча аъзолари риоя этиши шарт бўлган қонун-қоидалар мажмуи, интизом.

19. Касаба уюшма аъзолари томонидан уюшмага даврий тўлаб бориладиган пул.

20. Ташкилотдаги муайян мансаб, вазифа.

21. Иш берувчи томонидан ходимларни рағбатлантириш шакли.

22. Корхона ва ташкилотларда муайян хизматлар учун тўланадиган ҳақ, тўлов ставкалари тизими.

23. Идора ёки муассасаларда хоналарни супуриб-сидирувчи ходим.

24. Корхона ва ташкилот ходимларининг доимий барқарор шахсий таркиби, уларнинг лавозим ва маошлари кўрсатилган рўйхати.

25. Турли соҳалар учун кадрлар тайёрловчи ўрта махсус ўқув юрти

26. Кодекс номи; бирор мақсад учун қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият.

27. Ходимнинг дам олиши учун ҳар йили ишдан озод қилиб бериладиган маълум кунлар.

28. Бирор ишга яроқлилик, қобилият.

29. Хулоса, қарор, ҳукм ёки ўзаро келишув.

30. Касаба уюшма йиғилишларида муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрини баён қилиш, шу муносабат билан гапирилган нутқ.

31. Кичик дипломатик унвон, мартаба.

32. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.

33. Маълум ҳақ ёки эваз ҳисобига қилинадиган фаолият, меҳнат, хизмат вазифаси.

34. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарё вилоятида барпо этилган санаторий.

35. Ёлланиб уйида ишлайдиган ҳунарманд-косиб.

36. Ходимларнинг билим, тажриба ва стажи ошиб бориши муносабати билан бериладиган, иш ҳақини оширишга сабаб бўлувчи даража.

37. Меҳнат қонунчилигида меҳнат мажбуриятларини бажаришдаги қўшимча харажатлар учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган тўлов, товон пули.

38. Оёқ кийимларини тузатиш, ямаш иши билан шуғулланувчи косиб.

39. Жамоа шартномасида акс этувчи, муайян сабабларга кўра айрим шахсларга бериладиган алоҳида ҳақ-ҳуқуқ, шароит, енгиллик.

40. Касбга қизиқиш, иштиёқ, мароқ, руҳий кўтаринкилик.

41. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси қарорларини қонуний деб топиш учун унда қатнашиши шарт бўлган ёки жамоат ташкилоти низомида белгилаб қўйилган иштирокчилар сони.

42. Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриба, кўникмалар.

43. Бино ва иншоотларни лойиҳаловчи ёки қурувчи мутахассис, меъмор.

44. Касаба уюшмаларининг мажлис ёки кенгашларига раҳбарлик қилиш учун сайланган бир гуруҳ кишилар, президиум.

45. Ижтимоий, касбий, ахлоқий ва бошқа белгиларнинг умумийлигига кўра бирлашадиган кишиларнинг ёрқин вакили.

46. Ҳунармандлар ашёси, нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, ип.

Тузувчи Нурилло НЎЪМОНОВ

МАТБУОТ

КОНВЕРГЕНТ ТАҲРИРИЯТГА АЙЛАНАЁТГАН «ISHONCH»



Замон шиддати ва саводхонлик мезонлари тобора ўзгариб бормоқда. Бир вақтлар ўқиш ва ёзишни билиш саводхонлик нишонаси ҳисобланган бўлса, бугун компьютер саводхонлиги ҳам оддий заруратга айланди. Жамият фаоллари ва зиёлилар нафақат газета-журналларни ўқиши, балки ижтимоий тармоқлар ва тезкор сайтлар орқали жамиятни қизиқтирувчи мавзулардан бохабар бўлиши зарур. Миллий манфаатлар асосида тайёрланган миллий контент эса бугунги кунда жамиятни бирлаштирувчи ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкам қуролга айланмоқда.



«Ishonch-Доверие» газетаси бўлим муҳаррири **Григорий Кляцкий** «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 декабрда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий контентни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Жаҳон миқёсидаги зиддиятли жараёнларнинг таъсири ортиб бораётган бир пайтда, бегона ғояларга қарши курашишда миллий контентни ривожлантириш устувор вазифа сифатида эътироф этила бошланди.

«Ishonch» ва «Ishonch – Доверие» газеталари таҳририяти айнан шу талабга мувофиқ равишда фаолият олиб бормоқда. Таҳририятда 70 дан зиёд ходим меҳнат қилаётир. Ҳафтасига «Ishonch» уч марта ва «Доверие» газетаси бир марта чоп этилмоқда. Уларда касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлардан ташқари, корхона ва ташкилотлардаги ишчи-ходимлар ҳамда иш берувчилар ўртасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган таҳлилий мақолалар эълон қилинаётир.

Жамоамизда тажрибали устоз журналистлар, жумладан, Зайниддин Рихсиев, Абдунаби Ҳайдаров, Валентина Марценяк ва Григорий Кляцкий ёшларга ўз маҳоратларини ўргатишда давом этмоқда. Ёш журналистлар конвергент таҳририят талабларини муваффақиятли ўзлаштириб, газета учун ҳамда **Ishonch.uz** сайти ва унинг Telegram канали ва YouTube платформасига миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи долзарб контент тайёрламоқда.

Ishonch.uz сайти жамоатчилик томонидан тан олиниб, кўплаб эътирофларга сазовор бўлди. Масалан, иқтидорли журналист Мафтуна Каримова «Энг улуғ ва энг азиз» танловининг «Интернет журналистикаси» номинациясида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Григорий Кляцкий узоқ йиллик меҳнати учун «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Таҳририят анъанавий равишда газетадаги энг яхши мақолаларни жамлаган публицистик тўпламлар чоп этиб келади. Жорий йилда «Еттинчи китоб» номи билан нашр этилган китоб ўқувчилар томонидан илиқ қабул қилинди.

Ёшлар учун эшиклари ҳар доим очиқ бўлган таҳририятимизга Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, ЎзЖОКУ ва Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабалари ёзги амалиёт ўташ учун ташриф буюришади. Устоз журналистлар уларга таҳрир санъати, маълумот қидириш ва қайта ишлаш, интервью олиш кўникмаларини ўргатишдан чарчамайдилар. Эъзоза Умурзоқова, Диёра Равшанова, Мадина Дайновова ва Машҳура Жўрақулова каби талабалар ҳозирги кунда таҳририятда фаолият кўрсатмоқда.



Бир сўз билан айтганда, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари замон билан ҳамқадам бўлиб, конвергент таҳририят талабларига жавоб бераётган етакчи нашрлардан биридир. Жамоамиз Ватанимиздаги ислоҳотларни ёритиш, касаба уюшмалари тизимидаги жараёнлар ва меҳнат ҳуқуқлари борасидаги ўзгаришларни акс эттиришда давом этади. Зеро, ***«Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!»*** *шиори жамоамизнинг олтин қоидасига айланган.*

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Саудия Арабистонининг нуфузли электрон нашрларидан бири – swiftnewz.com бош директори Холид Ийод Жуъайд «Ishonch» таҳририятида.



«Ishonch» мухбири Мафтуна Каримова «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ғолиби.



Таҳририят қизлари спортда ҳам фаол.

Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Эркин матбуот фақат ёмон бўлади.
Альбер Камю

Касаба уюшмалари музейи

Ўтмиш ва келажакни БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Ушбу мақолани ёзишга киришишдан олдин музей ходимаси Муҳайё Аҳмедова билан телефон орқали гаплашдим. У мени малака ошириш институтида ўқиётган бир гуруҳ тингловчиларга ҳамроҳ бўлишга, аниқроғи, экскурсияга таклиф қилди. Албатта, бажонидил рози бўлдим.
Ходима меҳмонларни аввалига фойе билан таништирди. У ердаги тўртта байроқ, яъни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси ва Касаба уюшмалари халқаро Конфедерациясининг байроқлари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойига йўллаган табригидан келтирилган иқтибос музейга ташриф буюрувчиларга у ҳақда ижобий хулосалар чиқариш имконини берди.



БИРИНЧИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ КИМЛАР БЎЛГАН?

Музей 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ташаббуси билан ташкил этилди. Унинг бўлимларини очишда, тизим фаолиятига доир барча архив маълумотлари ва ҳужжатларини тўплаб, саралашда эса муассасанинг биринчи директори Ирисмуҳаммад Абдукаримовнинг хизматлари каттадир.

Музей тўртта бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «1905-1924 йилларда Туркистон ўлкасида касаба уюшмалари ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти» деб номланади.

Ўрта Осиёдаги илк касаба уюшмаларига темирйўл ишчилари ва алоқа ходимлари асос солишади. 1905 йилнинг кузида Бутунроссия темирйўл ишчилари Иттифоқи Туркистон бўлими ташкил этилади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни ўша йил 24 октябрда алоқа ходимларининг Тошкент шаҳридаги йиғилишида Туркистон почта-телеграф уюшмаси тузилади.

1917 йил 12 июндан эътиборан биринчи шаҳар уюшмалараро бирлашмаси касаба уюшмаларининг Тошкент шаҳар марказий бюроси фаолият юрита бошлайди. Зеро, бу даврга келиб, Тошкентда кўплаб касаба уюшмалари пайдо бўлган эди. Бизнингча, уларнинг орасида энг диққатга сазовори уй хизматчилари касаба уюшмаси бўлган.

ЖАДИДЛАР ҲАМ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА АЪЗО БЎЛИШГАН

Музейга экскурсия жараёнида тингловчилар Туркистон Республикаси касаба уюшмаларининг I ва II қурултойлари, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш давридаги касаба уюшмалари фаолияти, маданий-маърифий йўналишдаги ишлар, биринчи Халқ университетининг очилиши ҳамда Туркистон аёллари саводхонлигини оширишда касаба уюшмаларининг тутган ўрни ҳақидаги материаллар билан танишдилар. Шунингдек, жадидлар ҳаракати вакили, маърифатпарвар инсон Абдулла Авлонийнинг ушбу тизимдаги фаолияти ва бошқа қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

Муҳайё Аҳмедова музейнинг иккинчи, учинчи бўлимларида касаба уюшмаларининг қатағон қурбонига айланган фаоллари, уруш йилларида фронтда жасорат кўрсатган ходимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари раислари ҳамда ўша кезларда амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Ташкилотнинг мустақиллик йилларидаги фаолияти, ўтказилган қурултойлари ҳамда уларнинг натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ»

Музейнинг шу номдаги бўлимида Федерация томонидан 2016 йилдан бугунга қадар амалга оширилган ишлар билан танишдик. Диққатимизни ўзига жалб этган жиҳати – олдинги бўлимларда касаба уюшмалари фаолияти даврлар, тўртинчи бўлимда эса йўналишлар бўйича ёритилган экан. Унда касаба уюшмаларининг турли йўналишларда олиб бораётган ишлари, жумладан, санаторийлар, болалар оромгоҳлари қуриш ёки олдиндан мавжудларини қайта реконструкция қилишга доир маълумотлар кенг ёритилган. Бундан ташқари, 2019 йили «Ўзбекистон касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилингани ва унга шарҳлар ишлаб чиқилгани, 2020 йил 23 ноябрдаги тегишли қонунга биноан 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланган ҳамда 2021 йилда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси очилгани хусусидаги маълумотлар ўрин олган. Бўлимда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган VIII Қурултойи, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 ноябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари куни таъсис этилганининг бир йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табриги, 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил топгани ҳақидаги манбалар ҳам мавжуд.

ФИДОЙИЛАР МЕҲНАТИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Музейнинг ҳар бир бўлими замонавий электрон ахборот узатиш воситалари билан жиҳозланган. Уларга мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихига оид маълумотлар жойлаштирилган. Бу маскандаги «Фидойилар меҳнати мангу яшайди» номли сўнгги экспозиция касаба уюшмалари тизимида узоқ йиллар самарали фаолият юритган ва ибратли ишларни бажарган фахрийлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида яратилган.

ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТ

Музейдаги янги баннер-экспозицияга Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқаро фаолиятига тааллуқли маълумотлар киритилган. Улар билан танишган киши бугунги кунда бу ерга кўплаб халқаро меҳмонлар, жумладан, Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси, Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакилларидан иборат делегациялар, яқинда эса Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси аъзолари ташриф буюришганидан бохабар бўлади.

* * *

Биз экскурсиядан сўнг айрим тингловчиларга «Музейдаги қайси экспонат сизга кўпроқ маъқул бўлди?» деган савол билан мурожаат қилдик.

– Менга энг ёққани ҳатто пандемия шароитида ҳам шифокорлар тинимсиз меҳнат қилишгани ҳақидаги лавҳалар бўлди, – деди Яккабоғ геофизика экспедицияси ходими Матлуба Аъзамова. – Музейга кириб келишингиз биланоқ қалбингизда алланечук бошқача ҳис-туйғулар жўш ура бошлайди. Унда жажжи деталларгача эътибор берилган, касаба уюшмалари ташкил топган даврдан ҳозиргача бўлган маълумотлар йиғилган. «Фидойилар меҳнати мангу яшайди» экспозицияси яратилгани эса жуда ажойиб ва ўта савобли иш бўлибди.

– Ишончим комилки, бу музей келажак авлодларга бебаҳо мерос бўлиб қолади, – деди «Сирдарё электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси ҳисобчиси Холйигит Эшмонов. – Мен бугун касаба уюшмалари фаолиятига доир кўплаб муҳим маълумотларга эга бўлдим. Шу боис келгусида унинг экспонатлари ҳам, манбалари ҳам янада кўпайишини тилайман. Бугун олган таассуротларимни оила аъзоларим ва дўстларимга айтиб бераман.


Гулруҳбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»







Мозийга қараб иш кўрмак хайрликдир.
Абдулла Қодирий



МЕЗОН



Спорт залларидан ОЛИМПИА ШОҲСУПАСИГАЧА

Спорт – инсон саломатлиги ва руҳий барқарорлигининг ажралмас қисми бўлиб, у инсоннинг ирода кучини, мақсадга интилувчанлигини оширади. Спорт майдонлари, бу ҳаётнинг бир кўзгуси, унда инсон ўз имкониятларини янада кенгайтиришга, чегараларни забт этишга интилади.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишларда айни шу жараёнга кўмаклашишдек эзгу мақсад мужассам. Бошқарма ҳар бир ташкилот ва корхонада ходимларни спортга ошно қилиш мақсади йўлида ҳамроҳ бўлишга интилмоқда. Федерация тасарруфидаги ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабини тизимнинг қайноқ юраги десак асло муболағага йўйманг. Бу масканда оғир ва енгил атлетика, юнон-рум кураши, қиличбозлик, бокс, параканоэ ва академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда, слоламда эшкак эшиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. 24 нафар малакали ва тажрибали устоз 435 нафар ёш спортчини тарбиялаб, уларнинг юксак марраларни забт этишига эришиб келмоқда. Йилдан йилга соҳанинг моддий базаси ривожланиб, янгиланмоқда.

Биргина мисол: жорий йилнинг 7 июнь куни «Яккасарой спорт соғломлаштириш мажмуаси» сув спорти саройи фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимига Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбарининг спортчилар ва мураббийлар билан учрашувида уларнинг халқаро майдондаги ғалабалари, меҳнатлари ва машаққатлари кенг эътироф этилди. Мазкур сув спорти иншоотида профессионал сузувчилар ва ҳаваскор соғломлаштириш гуруҳлари шуғулланишлари учун жаҳон талабларига жавоб берадиган сув ҳавзаси мавжуд. Бундан ташқари, бир ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун махсус 12х6 метр ҳажмдаги иккита сув ҳавзаси мавжуд.

Шубҳа йўққи, сув спорти саройи халқимизга соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга қизиқтириш, шунингдек, халқаро спорт майдонларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлаш учун ажойиб имкониятлар яратади.

Янги спорт маскани, айниқса, спортчиларнинг юксак мақсадларига эришишида муҳим роль ўйнайди. Париж Олимпиадасида қатнашган 13 нафар спортчи айнан Касаба уюшмалари спорт бирлашмасидан етишиб чиққани эса имкониятларимиз нақадар кенглигини тасдиқлайди.

Токио – 2020 олимпиадасида олтин, Париж – 2024 олимпиадасида кумуш медали соҳиби ва Жаҳон чемпионати ғолиби, рекордчи оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев туғилиб ўсган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғида Акбар Жўраев номли ихтисослаштирилган оғир атлетика залининг қурилиш ишлари бошлаб юборилгани ҳам спортчиларимизга, умуман олганда, спортга қаратилаётган юксак эътиборнинг яққол намунасидир. Ўйлаймизки, ушбу спорт зали бутун қишлоқ, туман ёшларига хизмат қилиб, Акбар Жўраевнинг кўплаб издошлари етишиб чиқади.

Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси ҳар йили 3 босқичли оилавий мусобақалар, аёллар ўртасида спортнинг олти тури бўйича спартакиада, касаба уюшмалари кунига бағишланган касаба уюшмалари Федерацияси кубоги учун тармоқлараро мусобақалар ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари, касаба уюшмалари кенгашларида ҳар йили турли мусобақа ва тадбирлар сонини кўпайтириб, 2024 йил давомида барча спорт мусобақалари, соғломлаштириш тадбирларига жалб этилганлар сони қарийб 1200000 нафарга етди. 2018 йилдан шу давргача 6000000 дан ортиқ меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари оммавий соғломлаштириш ва спорт ишларига жалб этилди.

Спорт ҳаётнинг ажралмас бир қисми сифатида бизни ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлашга, мақсадларга эришишга ундайди. Спортнинг ривожланиши нафақат соғлом жамиятни, балки юксак интеллектуал ва ахлоқий қадриятларга эга авлодни шакллантиришнинг калити ҳамдир.

Машҳура ЖЎРАҚУЛОВА
«ISHONCH»

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.
Абу Али ибн Сино



МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:
J. Nahanov, A. Haydarov, A. Abdurahmonov, S. Abdurahmonov, G‘.Mirahmedov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirildi
2024 yil 8 noyabrь

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi
35 012 та
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-3 formatida bosildi. Hajmi 14 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6